

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Касбий қайта тайёрлаш  
йўналиши:**

**Тингловчилар  
контингенти:**

**Мактабгача таълим  
муассасалари тарбиячилари**

**Олий таълим муассасаларини  
педагогика ва гуманитар  
таълим соҳалари таркибидаги  
таълим йўналишларини  
битирган мутахassisлар**

**Тошкент-2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТГА ЎРГАТИШ  
МЕТОДИКАСИ МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2018**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлигининг 11-қ-қ, 1-қ-қ қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий қайта тайёрлаш курсининг ўқув режаси асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** О.А.Махмудова-Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий марказининг “Мактабгача, бошланғич ва маҳсус таълим” кафедраси катта ўқитувчи

**Тақризчилар:** Г.Э.Джанпейсова - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси мудири, п.ф.н. в.б.доцент  
Л.Миржалолова – Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий марказининг “Мактабгача, бошланғич ва маҳсус таълим” кафедраси мудири

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2018 йил 16 февралдаги 6/1-сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

## **МУНДАРИЖА**

I.	Ишчи дастур.....	5
II.	Модулни ўқитишда фойдаланилган интерфаол таълим методлар.....	13
III.	Назарий машғулот материаллари.....	16
IV.	Амалий машғулот материаллари.....	100
V.	Кўчма машғулот материаллари.....	131
VI.	Кейслар банки.....	133
VII.	Мустақил таълим мавзулари.....	139
VIII.	Глоссарий.....	141
IX	Адабиётлар рўйхати.....	147

# **ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сонли Қарори, шунингдек, 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори, 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қароридаги замонавий талаблар асосида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари вазифаларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни назарда тутади.

Дастур мазмuni таъlim-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий асослари блоки модуллари мактабгача таълимни ривожлантиришнинг концептуал асослари, мактабгача таълим тизимида таъlim-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, умумкасбий тайёргарлик блоки модуллари тарбиячининг касбий маҳорати ва компетентлиги, мактабгача педагогика, мактабгача ёшдаги болаларнинг психологияк хусусиятлари, мактабгача ёшдаги болалар физиологияси ва гигиенаси асослари, мутахassislik бўйича тайёргарлик блоки модуллари нутқ ўстириш назарияси, математик тасаввурларни шакллантириш, жисмоний тарбия, табиат билан таништириш, тасвирий фаолиятга ўргатиш методикалари, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усусларини ўз ичига олади ва улар бўйича тегишли янги билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни таъминлайди.

Тасвирий фаолиятга ўргатиш методикаси модули ишчи дастури доирасида берилаётган мавзулар мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий қайта тайёрлаш курслари ўкув режаси асосида шакллантирилган бўлиб, тингловчиларда тарбияланувчиларни тасвирий фаолиятга ўргатиш методикасига оид касб маҳоратини, ўкув-услубий фаолиятини юксалтириш билан боғлиқ компетенцияларини ривожлантиради.

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий қайта тайёрлаш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда, дастурда тингловчиларнинг мутахassislik модуллари доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Тасвирий фаолиятга ўргатиш методикаси модулининг **мақсади** - мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларини тарбияланувчиларда тасвирий фаолиятга ўргатишга шакллантиришга оид билимлар бериш ва амалиётда қўллаш компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

**Модулнинг вазифалари**га қўйидагилар киради:

- Тасвирий фаолиятга ўргатишнинг турлари, метод ва усулларини билиш ва қўллаш;
- Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий қобилияти ва ижодкорлигини ривожлантириш;
- Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий фаолиятни шакллантиришнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш қўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

## **Модул якунида тингловчиларнинг билим, қўникма, малака ва компетенциялари**га қўйиладиган талаблар:

Касбий қайта тайёрлов курси бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади.

### **Тингловчи:**

- мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий қобилияти ва ижодкорлигини ривожлантириш;
- тасвирий фаолиятга ўргатишнинг турлари, метод ва усуллари;
- тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологиялари;
- таълим соҳасидаги инновацион фаолият асосларини **билиши керак**.

### **Тингловчи:**

- тасвирий фаолият машғулотларда болалар фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш методларидан фойдаланиш;
- машғулотларни ўтказишда машғулотлараро боғланишда инновациялардан фойдаланиш;
- турли ёш гурӯхларида тасвирий фаолият машғулотларини турли метод ва усулларда ташкил этиш ва ўтказиш **қўникмалари**га эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- тасвирий фаолиятга ўргатиш машғулотлар жараёнида педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш;
- замонавий талаб ва ёндашувлар асосида машғулот ишланмаларини тайёрлаш, машғулотларни кузатиш ва уни таҳлил қилиш;

- тарбияланувчиларда тасвирий қобилият ва ижодкорлигини ривожлантириш **малакаларига эга бўлишии зарур**;

#### **Тингловчи:**

- Қайта тайёрлов курсида ўзлаштирилган билим ва кўникмалардан касбий фаолиятда фойдаланиш;

- касбий фаолиятига тегишли ўқув-методик материалларни тўплаш ва саралаш;

- мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият воситасида болаларнинг эстетик қобилияtlарини шакллантириш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

#### **Курс ҳажми**

Касбий қайта тайёрлов курси 576 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Касбий қайта тайёрлов йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига давлат намунасидаги диплом берилади.

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Ўқув модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Назарий машғулотларда тасвирий фаолиятга ўргатиш методикасини ташкил этиш мазмунига оид маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда тасвирий фаолиятларни татбиқ этилиши намойиш қилинади.

Машғулотларда техник воситалардан, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг меъёрий асослари” блоки модуллари, “Умумкасбий тайёргарлик блоки модуллари, “Мутахассислик бўйича тайёргарлик” блоки модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

#### **Модулнинг таълимдаги ўрни**

Тингловчиларга мактабгача таълимда тасвирий фаолият машғулотларни ўтказишнинг замонавий технологияларини ўргатиш ҳамда амалда қўллаш

кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

#### 3.5. Тасвирий фаолиятга ўргатиш методикаси

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Жами ўқув юкламаси</b>	<b>Жумладан</b>			<b>Мустакил таълим</b>
			<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	<b>Кўчма машғулот</b>	
1	Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий қобилияти ва ижодкорлигини ривожлантириш	2	2			
2	Тасвирий фаолиятга ўргатишнинг турлари, метод ва усуллари	4	2		2	
3	Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологиялари	8	2	2	2	2
4	Мактабгача ёшдаги болаларни расм чизишга ўргатиш	8	2	4		2
5	Мактабгача таълим муассасаларида лой иши машғулотлари.	6	2	2		2
6	Мактабгача таълим муассасаларида апликация ишига ўргатишнинг вазифалари ва турлари	8	2	4		2
7	Мактабгача таълим муассасаларида турли ёш гурухларида қуриш-ясашга ўргатиш методлари, турлари	4	2	2		
<b>Жами</b>		<b>40</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>8</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий қобилияти ва ижодкорлигини ривожлантириш. (2 соат).**

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият воситасида болаларнинг эстетик қобилиятларини шакллантириш. Тасвирий фаолиятнинг турлари.

**2-мавзу: Тасвирий фаолиятга ўргатишнинг турлари, метод ва усуллари. (2соат)**

Кўргазмали метод ва ўргатиш усуллари. Натурадан фойдаланиш. Расмлардан фойдаланиш. Болалар ишларини таҳлил қилиш. Оғзаки метод ва

ўргатиш усуллари. Сухбат ўргатиш методи. Амалий методлар. Бадий адабиётнинг образларидан фойдаланиш.

**3-мавзу: Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологиялари. (2 соат)**

Турли ёш гурухларда тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш. Тарбиячининг машғулотга тайёргарлиги. Турли гурухларда тасвирий фаолият машғулотларини ташкил қилиш.

**4-мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларни расм чизишга ўргатиш. (2соат)**

Мактабгача таълим муассасасида болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишда расм турлари. Мактабгача таълим муассасасида алоҳида предметларнинг расмини чизишга ўргатишнинг вазифалари. Мактабгача таълим муассасасида мазмунли расм чизишга ўргатишнинг вазифалари. Мактабгача таълим муассасасида декоратив расм чизишга ўргатишнинг вазифалари.

**5-мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида лой иши машғулотлари. (2соат)**

Моделлаштириш - бадий ижодиётнинг аниқ шакли. Лой ишида қўлланиладиган усуллар. Моделлаштириш техникаси.

**6-мавзу: Мактабгача таълим муассасасида аппликация ишига ўргатишнинг вазифалари ва турлари. (2 соат)**

Кичик гурухларда аппликация ишига ўргатиш. Ўрта гурухда аппликация қилишга ўргатиш. Катта гурухда аппликация қилишга ўргатиш. Тайёрлов гурухида аппликация қилишга ўргатиш.

**7-мавзу: Мактабгача таълим муассасининг турли ёш гурухларида қуриш-ясашга ўргатиш методлари, турлари. (2 соат)**

Қуриш-ясаш машғулотларини бола ривожланишидаги аҳамияти. Қуриш-ясаш материалларининг турлари. Кичик гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари. Ўрта гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари. Катта гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари. Мактабга тайёрлов гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**З-амалий машғулот: Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологиялари. (2 соат)**

Компьютер орқали намойиш этиладиган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар. Турли ёш гурухларида тасвирий фаолиятнинг турлари (расм, аппликация, лой иши, қуриш-ясаш) бўйича машғулот

ишиланмаларини ишлаб чиқиш. Тарбиячилар билан тузли ҳамда чинни хамир устида ишлаш.

**4 - машғулот: Мактабгача ёшдаги болаларни расм чизиш фаолиятига ўргатиш. (4 соат)**

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали намойиш этиладиган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар. Расм чизишнинг предметли, сюжетли, декоратив турлари бўйича машғулот ишиланмаларини ишлаб чиқиш. Предметли, сюжетли, декоратив расм чиздириш.

**5-амалий машғулот: Мактабгача таълим муассасаларида лой иши машғулотлари. (2 соат)**

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали намойиш этиладиган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар. Турли ёш гурухларида лой иши машғулот ишиланмаларини ишлаб чиқиш. Тарбиячилар билан чинни хамир устида ишлаш.

**6-амалий машғулот: “Мактабгача таълим муассасада апликация ишига ўргатишнинг вазифалари ва турлари.(4 соат)**

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали намойиш этиладиган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар. Апликациянинг турлари: предметли, сюжетли, декоратив бўйича машғулот ишиланмаларини ишлаб чиқиш. Предметли, сюжетли, декоратив апликация ясаш.

**7-мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида турли ёш гурухларида қуриш-ясашга ўргатиш методлари, турлари. (2соат)**

Компьютер орқали намойиш этиладиган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар. Турли ёш гурухларида қуриш-ясашнинг турлари ҳақида (Оригами, кусудама, киригами) бўйича машғулот ишиланмаларини ишлаб чиқиш. Қоғоздан қуриш ясаш усувлари устида ишлаш.

**Кўчма машғулот (4соат)**

**1-кўчма машғулот мавзуси: “Тасвирий фаолиятга ўргатишнинг турлари, метод ва усувлари” (2 соат)**

Мактабгача таълим йўналишидаги тажрибали мутахassisнинг дарс-машғулотларини кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмасиш. “Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологиялари” мавзуси бўйича мутахassis томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этиш.

**2-кўчма машғулот мавзуси: “Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологиялари” (2 соат)**

Тарбиячиларнинг илфор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий машғулот ўтишнинг метод ва усувлари, ишиланмаларидан фойдаланиш. Мутахassisлик модулларидан очик

машғулотларни кузатиш, илфор педагогик тажрибаларни ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш. Очиқ, кўргазмали, намунавий машғулотлар ва уларга қўйилган талаблар асосида таҳлил қилиш.

Кўчма машғулот “Тасвирий фаолиятга ўргатиш методикаси” модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали мутахассислар фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасаларда ташкил этилади.

**Кўчма машғулот гурух журналига қайд этилиб, тегишили муассаса томонидан тасдиқланади.**

Мактабгача таълим мутахассисларининг мавзуга оид илфор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш.

*Мазкур машғулотлар талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали мактабгача таълим муассасаларида кўчма машғулот (очиқ машғулотлар) тарзида ўtkазилади. Унда ўtkазилган машғулотни тегишили мезонлар асосида таҳлил қилиши орқали тарбиячиларнинг илфор педагогик тажрибаларини ўрганиши ташкил этилади. Бу жараёнга кўчма машғулот ташкил қилинган таълим муассасаси тарбиячиларини жалб этиши, уларнинг машғулотларини таҳлил қилиши орқали уларга методик ёрдам кўрсатиши ҳам кўзда тутилади. Машғулот натижаси сифатида очиқ машғулотни кузатиши ва таҳлил қилиши вараги тўлдирилади ва малака ишига илова қилинади.*

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида: “Тасвирий фаолият машғулотларини ўtkазиш технологиялари”, “Мактабгача ёшдаги болаларнинг расм чизишга ўргатиш”, “Мактабгача таълим муассасаларида лой машғулотлари”, “Мактабгача таълим муассасаларида аппликация ўргатишнинг вазифалари ва турлари” мавзуларида мустақил иш бажарилади.

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ  
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

## ФСМУ методи

Ушбу метод мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўкув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишида қўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишига, очик ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

### Намуна. Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий қобилияти ва ижодкорлигини ривожлантиришга тавсиф

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

### “Зинама-зина” методи

“Зинама-зина” методи – ўйин тарзида ташкил этишга мўлжалланган бўлиб, берилган топшириқлар асосида маррага ким биринчи чиқишидан иборат ҳисобланади.

Қуйида унинг схематик тузилиши келтирилган бўлиб, мавзуга оид саволлар кетма-кетлиги асосида оддийдан мураккабга қараб тузилади.



## “Кластер” методи

Кластер методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммолар (мавзу) хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга ҳизмат қиласди.


### “Кластер” методидан фойдаланиш тавсифи:

1-босқич. Ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қофозга ёзинг. Фикрингизни сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмаи, уларни шунчаки ёзиб боринг.

2-босқич. Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг.

3-босқич. Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирор-бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қофозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги ғоя туғилгунга қадар давом эттиринг.

4-босқич. Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда мазкур ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Ғоялар йиғиндинсининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.



# **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

## **1-мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий қобилияти ва ижодкорлигини ривожлантириш (2 соат).**

Режа

- 1.** Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият воситасида болаларнинг қобилияtlари ва ижодкорлигини ривожлантириш.
- 2.** Тасвирий фаолиятнинг турлари.

**Таянч тушунчалар:** теварак-атроф, муҳит, жараён, шакланиш, омил, тушунча, одат, масаввур, дунёқараши, тафаккур, мулокот.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори ижросини таъминлашда болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълимтарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, таълим муассасаларининг моддий техника базасини, Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. Мактабгача таълимнинг вазифаси болаларни халқнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш: болаларда миллий ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишига интилиш мойилликларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш, болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустакил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлашдан иборат.

Асосий мақсадлардан яна бири замонавий тасвирий санъат орқали болалардаги қобилият ҳамда имкониятларни аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш ва юзага чиқаришдир.

Тасвирий санъатнинг ўзига хос мураккабликларини тушуниб, унинг нозик қирраларини мактабгача ёшдаги болаларга улашиш маҳоратига эга бўла оладиган тарбиячиларни етишитириб чиқариш вазифаси турибди.

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият воситасида болаларнинг эстетик қобилияtlарини шакллантиришда тарбиячининг ўрнибекиёс. У чуқур билим ва юқори малакага эга бўлиши, бунинг учун мунтаззам равишда ўз устида ишлаши, ўзининг илмий назарий савијасини тинимсиз кўтариши, илфор тажрибаларга таяниши керак.

Давлат умумиллий дастури таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан замон талабларига мослаштириш, таълим сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришга йўналтирилди.

Тасвирий фаолияти бўйича мактабгача таълим муассасаси дастури ва мактабда тасвирий санъат дастури болаларда теварак атрофга нисбатан, санъат болаларда эстетик муносабатни тарбиялаш ижодий қобилият ва тасвирилашларини ривожлантиришни кўзда тутади. Мактабгача таълим муассасаси машғулотларида, мактабда муваффақиятли ўқиб кетишлари учун зарур бўлган вазифалар хал этилади. Расм, аппликация, лой ишлари жараёнида болаларда фикр юритишнинг анализ, синтез, такрорлаш, конкретлаштириш кабилар шаклланади. Шунингдек бу жараёнларда болалар жамоада ишлашга, ўз ҳаракатини ўртоқларининг ҳаракатига бўйсундиришга ўрганадилар. Болалар мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолияти машғулотлари болаларда, ўқув фаолиятида зарур бўлган малака кўникмаларни шакллантиради.

Мактабгача таълим муассасаларининг тасвирий фаолият бирламчи йўналиши мактабгача ёшдаги болаларни бадиий-эстетик тарбиялаш ҳисобланади.

Бу йўналишнинг самараси эстетик йўналишнинг барча воситаларини (театр, мусиқа, бадиий адабиёт, расм чизиш, аппликация ва бошқ.) комплекс тарзда қўлланилгандагина аниқ бўлади. Мактабгача таълим муассасаларида ўтиладиган “Тасвирий фаолият” машғулотлари болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадиий фаолият ҳисобланади. Бадиий фаолият машғулотларининг барча турлари болаларда гўзалликни билиш учун, борликқа эмоционал-эстетик муносабатни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб беради.

“Тасвирий фаолият” машғулотлари жараёнида:

1. Бадиий дидни тарбиялаш;
2. Амалий бадиий фаолият ва малакаларни ривожлантириш;
3. Фантазия, ижодий фикрлаш ва тасаввур қилиш, идрок қилишни ривожлантириш;
4. Қўлнинг аниқ ҳаракатлари ва бармоқларнинг майда моторикасини



ривожлантириш;

5. Касбий бадиий-ижодий фаолият куртакларини намоён бўлиши учун имкон яратиш каби таълимий ва тарбиявий масалалар ҳал этиб борилади.

Мактабгача таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастурининг тузилиши ва мазмунининг таҳлилидан аёнки, кичик гуруҳлардан бошлаб энг кўп вақт тасвирий фаолиятга ажратилган.

Агар тасвирий фаолиятнинг турлари

- расм (2 соат),
- аппликация (0,5 соат),
- қуриш-ясаш (0,5 соат)
- лой ишини (1 соат) қўшиб ҳисобласак, жами 4 соатни ташкил этади.

Ҳафталик юклама 12 соатни ташкил этилишини эътиборга оладиган бўлсак, тасвирий фаолият барча фаолиятларнинг учдан бир қисмини ташкил этади.

Демак, тасвирий фаолият интегратив мазмун касб этувчи энг катта бўлим ҳисобланади ва фаолиятнинг бошқа турлари билан мантиқий ва дидактик боғлиқлиқда амалга оширилади. Бу омил тасвирий фаолият машғулотлари мазмуни ва методикасини фаолиятнинг бошқа турларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб бориш лозимлигини англаатади.

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият машғулотларда болалар асосан амалий иш бажарадилар, санъат асарларини билан расмга қараб ҳикоя қилиш; мактабда эса тасвирий санъатнинг турлари ранг тасвир, график, ҳайкалтарошлиқ ва декоратив санъат асарлари билан янада чукурроқ танишадилар. Мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолият машғулотлари хилма-хилдир: расм чизиш, лой, аппликация, қуриш-ясаш машғулотлари ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасасида келтирилган машғулотларнинг ҳаммасига катта аҳамият берилади. Бошланғич синфларда таълим-тарбия масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши, мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирлаш фаолияти машғулотлари билан узвий равишда олиб борилади.

Болалар гуруҳдаги олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотларида, қалам ҳамда мўйқаламдан эркин фойдаланишга ўз характерини ва қўл кучини идора этишга ўрганадилар. Бу эса, малакани эгаллаш, болаларда қўлини енгил, эркин бир текисдаги ҳаракат қилиш хусусиятларини ривожлантиради. Болалар турли шакл, катталик, пропорциядаги



предметларни чизиш жараёнида предметнинг иш хусусиятига қараб йўналишни сақлаш зарурлигига, предметнинг катталигига мос равищда ҳаракатланишга ўрганадилар. Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотларида материалдан тартибли фойдаланишга , уларни тоза сақлашга, фақат зарур материаллардан ҳамда уларни ишлатиш йўлларини режалаштиришга ўрганадилар. Бу машғулотлар болаларда дикқатни ва кўриш хотирасини ривожлантиради.

Мактабгача таълим муассасалари тайёрлов гурухида натурага қараб расм чизиш ёки тасвирлашга нисбатан талаблар ошади ва бу талаблар мактаб талабига яқинлашади. Натурага қараб тасвирлашда ишнинг кетма-кетлигини кўрсатиб, болалар тайёрлов ва катта гурухида ўрганишнинг бошланғич босқичидагина амалга оширилади. Болалар натурани анализ қилишга бутун умумий шаклни хомаки қоғозга тушириб олишга, расмни натурага солишишишга, хато ва камчиликларини тўғрилашга, натурага ўхшатишга уринадилар.

Тасвирий фаолият машғулотларида геометрик шаклларни топа олишга ёки кўра олишга, уларни терминлар билан аташга, кенглиги катталиги, узунлиги, баландлигини, қисмларнинг бир-бирига нисбатан фазовий жойлашишини билан танишишни болаларни мактабни 1-синфда элементар математик тушунчаларини пухта эгаллашларига ёрдам беради.

Куриш-ясаш машғулотларида материаллардан куриш ясаш болаларда кўз билан чамалашни шакллантиради ва болаларни мактабдаги техник дарсларни эгаллашга ёки ўзлаштиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, тасвирий фаолият машғулотларида болалардаги бадиий дид ва ижодий қобилиятлар ўсади ва бу орқали мактабда ўқишга тайёрланиб борилади. Чунки болалар предметлар билан узвий боғланадилар, уларнинг ўзига хос сифатлари, шакли, ранги, катта-кичикилиги билан танишадилар, уларни фарқини, ўхшашлигини аниқлайдилар, бу эса, болаларни сенсор тарбиялашга, кўргазмали, образли фикр юритишга имкон беради.

Тасвирий фаолият болаларни ахлоқий тарбиялайди. Болалар ишларида ўз ҳаётида, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни акс эттирадилар, улардан мамнун бўладилар, ҳаяжонланадилар. Тасвирий фаолият жараёнида болаларда ироданинг сифатлари-бошлаган ишини охирига етказиш, олдига мақсад қўйиб, ўшани бажаришга томон интилиш, қийинчиликларни енгиш, ўртоқларига ёрдамлашиш каби хусусиятлар тарбияланади. Жамоа ишини яратиш жараёнида болаларга бир-бирига ёрдам, келишиб ишлаш каби сифатлари ; ишни баҳолаш жараёнида, уларда ўртоқларининг ишга нисбатан реал муносабатда бўлиш, тўғри баҳолаш, ўз ишидан ва ўртоқларининг ишидан хурсанд бўлиш каби ахлоқий сифатлар шаклланади.

Тасвирий фаолият-бу болаларни ўз олдига қўйган мақсадларини бажаришда тинмай меҳнат қилишга ундовчи фаолиятдир. Тасвирий фаолият болаларга эстетик тарбия беришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Ҳар бир предметнинг катта-кичиклигини, рангини, шаклини, фазода жойлашишини ажратиш бу эстетик сезгининг бўлаклари ҳисобланади. Болаларда эстетик сезгининг ривожланиши - ранги, ритми, пропорцияни чукурроқ сезиш билан боғликдир. Болаларда эстетик сезгининг ривожланиши, уларда предметга ва унинг баъзи сифатларига нисбатан эстетик баҳо беришни ривожлантиради. Уларда тасвирий санъат асарларини тушунишга, уларга нисбатан ҳис-туйфуни, муносабатни тарбиялади. Тасвирий фаолият болаларнинг бадиий ижодий ўсишида муҳим ўрин эгаллайди. Боланинг бадиий ижодий ўсиши-бу образли фикр юритиш, эстетик идрок этишни ва образ яратишда зарур бўлган малака, кўнижмаларни эгаллаш ҳисобланади.



Масалан: табиатга ёки истироҳат боғига сайр, куз фаслида экспурсия ўюштириш. Тарбиячи болаларни предмет ёки теварак атрофни кузатишда келиб чиқувчи эстетик ҳис-туйгу орқали, теварак-атрофга, кишилар меҳнатига тўғри баҳо бериш, Ватанга нисбатан муҳаббат каби сифатларни тарбиялаш мумкин.

Болаларни ўз ишини яна ҳам чиройли ва яхши бажариш, бошқаларга ёқадиган, улар кўрганда қувонадиган қилиб яратиш - бу бадиий, ахлоқий тарбиялашнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мактабга болаларни тайёрлашда тасвирий фаолият катта аҳамият касб этади. Расм, лой, қуриш материаллари бўйича билим, малакаларини эгаллаш мактабда тасвирий фаолият дарслари ва меҳнат дарсларини муваффақиятли эгаллашларига асос бўлади. Уларни ўқув фаолиятига тайёрлайди: педагогни тинглашга, унинг кўрсатмаларини бажаришга ўргатади. Олдига қўйилган вазифани ҳал этишда, унинг асосий ва муҳим ҳал этиш йулларини излаб топиш бу ўқув фаолиятнинг асосий сабабчиларидан биридир. Тасвирий фаолият жараёнида ўз ишини назорат қилиб бориш, мактабда вазифаларни бажаришда ҳам роль ўйнайди. Шунингдек, бола тасвирий фаолият жараёнида психологик жиҳатдан ҳам тайёрланиб боради.

## **Назорат саволлари**

1. “Болажон” таянч дастурининг тузилиши ва мазмуни ҳақида маълумот беринг.
2. Тасвирий фаолият машғулотларида қайси таълимий ва тарбиявий масалалар ҳал этиб борилади?
3. Мактабгача таълим муассасаларининг тасвирий фаолият бирламчи йўналиши ҳақида маълумот беринг.
4. Тасвирий фаолият жараёнида болаларда ироданинг қайси сифатлари табияланади?

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.
2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014
4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда апликация машғулотлари. Т., 2014.
5. Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007
6. “Бола шахсини ривожланишининг долзарб муаммолари”. Халқаро илмий- амалий анжуманининг тезис ва мақолалар тўплами. 2008 йил.
7. Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
8. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А- Приор, 2010.
9. Ишмуҳамедов Р., ва бошқ. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.

## **2-мавзу: Тасвирий фаолиятга ўргатишининг турлари, метод ва усуллари. (2соат)**

Режа

1. Кўргазмали метод ва ўргатиш усуллари.
2. Натурадан фойдаланиш.
3. Расмлардан фойдаланиш.
4. Болалар ишларини таҳлил қилиш.
5. Оғзаки метод ва ўргатиш усуллари.
6. Суҳбат ўргатиш методи.
7. Амалий методлар.
8. Бадиий адабиётнинг образларидан фойдаланиш.



**Таянч тушунчалар:** таъриф, ёрдамчи восита, таҳлил, натурадан фойдаланиш, имо-ишора.

Ўргатиш методлари - педагогикада қабул қилинган таърифга кўра қўйилган масалани ечиш учун танланган ягона йўл сифатида таърифланади. У машғулотдаги боланинг ва тарбиячининг бутун фаолиятини ўргатиш усуллари-айрим ёрдамчи восита бўлиб, машғулотдаги фаолиятнинг хусусиятини аниқламайди, у таълимда тор

маънодаги аҳамиятга эга. Айрим методлар машғулот ишининг умумий йўналишини аниқламай, балки усул сифатида намоён бўлади.

Масалан: машғулот бошида шеър (ҳикоя) ўқиш бериладиган вазифага болаларнинг қизиқишини уйғотиш учун ўқилса, бошқа машғулотларда эса, шеър ўқиш тарбиячи учун хизмат қиласи, яъни машғулот бошини ташкил қилиш учун қўлланилади. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг мустақил ишлари катта ўрин эгаллайди, фақат бу мустақил ишларга болаларнинг мураккаб муаммоли масалаларни ечиши кирмайди, чунки бундай мураккаб масалалар узоқ вақтни талаб қиласи. Қолган методлар мактабгача ёшдаги болалар учун мураккаблик қиласи, чунки уларнинг деярли барчаси муаммоли масалаларни ечиш билан боғлиқдир. Мактабгача таълим муассасаси учун ўзига хос бўлган асосий гурӯхни ўйин усуллари ташкил этади ва бу ўйинлардан турли методлар ичida фойдаланиш мумкин.

**Кўргазмали метод ва ўргатиш усуллари.** Кузатиш методи тасвирий фаолиятга ўргатиш тизимининг умумий асосини ташкил қилади. Чунки, у атроф-муҳитни ўрганишда, билиш ҳамда уни акс эттиришда муҳим омил сифатида хизмат қилади. Болаларда қанчалик кузатиш, атроф-олам кўриниши билан алоқа ўрнатиш, умумийлик ва яккаликни ажратиш малакаси ривожланган бўлса, шунча болалар ижодий қобилиятининг ривожланиши боғлиқ бўлади. Лекин кузатишнинг ўзи кўрганни тасвирлаб беришга тўла имкон бермайди. Болаларни тасвирлашнинг муҳим усулларига, турли тасвирлаш материалларидан фойдаланиш йўлларига ўргатиш зарур. Кўргазмали метод ва ўргатиш усулларига натурадан, расм репродукцияларидан, намунадан, бошқа кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш, алоҳида предметларни кўриб чиқиши, тарбиячи томонидан тасвирлаш усулларини кўрсатиб бериш, болаларнинг бажарган ишларини машғулот якунида кўрсатиш, уларни баҳолаш киради.

**Натурадан фойдаланиш.** Тасвирий санъатда натурадан фойдаланиш деганда, кузатиш асосида предмет ёки кўриниши тасвирлаш тушунилади. Натурадан фойдаланиб ишланганда чизаётган кишининг кўзига нисбатан натуранинг қай ҳолатда турганини ҳисобга олган ҳолда маълум бир нуқтаи назардан туриб, предмет кўриниши тасвирланади. Бу натурадан олиб тасвирлаш хусусияти машғулот мобайнида ўзгача идрокнинг ривожланишига кўмак беради. Бунда асосийси боланинг идроки бўлиб, текисликда тасвирланган предмет (расм, аппликация) факат бир томондан идрок қилинади; лойдан буюм ясаганда ва қуриш-ясашда болаларда натурани ўтириб қуриш ҳамда ҳажм-шаклни турли хил бурилишда таҳлил қилиш имкони бўлиши керак. Мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда натурадан фойдаланишнинг айrim хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Натура хотира ишини енгиллаштиради, негаки тасвирлаш жараёни идрок билан бирлашади, предметнинг шаклини, тузилишини, рангини тўғри тушуниб, етказиб бера олишга ёрдам беради. 4-5 ёшдаги мактабгача таълим болаларининг қобилиятларидан қатъий назар, мактаб таълим оловчиси ёки рассомнинг натура билан ишлашига нисбатан қараганда, болаларнинг тасвирланган объектни таҳлил қилишлари, шу натура билан ишлашларининг ўзига хос фарқи бор. Мактабгача таълим ёшдаги болалар учун содда шаклли, аниқ чизмали бўлиши керак. Масалан: болалар машинани ён томонидан, қўғирчоқни олдидан чизадилар ва бунда ҳажмини етказиб беролмайдилар. Агар гурухда болалар сони кўп бўлса, барчасига teng кўриниши учун 2-3 та бир хил предмет қўйилади. Тарбиячи натурани болалар билан биргалиқда қисмларга ажратиб кўриб чиқади, бунда у таҳлил жараёнини осонлаштириб, ўз сўzlари, ҳаракатлари билан йўналтиради. Бу жараёни маълум бир идрок маданиятини, ривожланган аналитик фикр юритишни талаб қилади. Бундай кўникумалар

болаларда 5-6 ёшда ривожлана бошлайди. Бу ёшда болалар тасвирилаётган ишларини натурага нисбатан таққослашга уринадилар. Масалан: катта гурухда



натуралдаги арча шохларини тасвирилаётганды, болалар шохни фазода жойлаширадилар (вертикал ёки қия ҳолатда) ва шохдаги шохчаларнинг сонини, ўлчамларини чап ва ўнг томондан, тўқ ёки оч ранг билан чизадилар. Натура сифатида тирик кушлар, ҳайвонлардан фойдаланиш мумкин эмас. Уларнинг ҳаракатлари, товушлари болаларни расм чизишдан чалғитади, болаларнинг предметни керакли ҳолатда идрок қилишларига, диққатларини бир нуқтага қаратишга ҳалақит беради. Шундай қилиб, ўргатиш методи сифатида натуралдан фойдаланиш тасвирилашнинг бутун жараёнини ўз ичига мужассамлаширади:

предметининг бирламчи таҳлили;

тасвири натурага нисбатан таққослаш;

натижанинг шаклини, ҳолатини, рангини таққослаш;

натижадаги расм ва натурани таққослаш йўли билан баҳолаш.

**Машғулотда предметларни кўриб чиқиши.** Кичик ва ўрта гурухларда кўпинча машғулот бошида алоҳида предметлар кўрсатилади. Болалар диққатини топшириққа қаратиш ва тасаввурларини жонлантириш



мақсадида болаларга копток, лента (тасма), белкурак ва шу кабилар кўрсатилади. Машғулотнинг қолган вақти мобайнида эса, болалар ўз тасаввурлари асосида чизадилар. Улар расмларини кўрган предметларига нисбатан таққослай олмайдилар ва предметларни идрок қилишларига қайтиб мурожат қилмайдилар. Катта гурухда ҳам предметларни кўриб чиқиши учун имкон бўлади. Масалан: “Уч айик” эртаги мавзуси бўйича расм чизишдан ёки буюм ясашдан аввал, тарбиячи болаларга ўйинчоқ айиқни кўриб чиқиши, предмет шаклининг асосий хусусиятларини ва айрим қисмларнинг пропорция нисбатларини аниқлашни, сўнг предметнинг бурилишига нисбатан шу айрим қисмларнинг ўзгаришини кузатишни таклиф қиласиди. Болалар расм чизишида эртакнинг қайси эпизодини танласалар, айиқни ҳам шу эпизодга нисбатан мос ҳолатда тасвирилайдилар.

**Намунадан фойдаланиш.** Намунадан фойдаланиш күпроқ ўргатиши усулига тааллуклидир. Болаларнинг умумий эстетик дидларини ошириш учун чиройли предметларни томоша қилдириш керак. Масалан: гиламлар, вазалар, каштачилик ва ҳоказо. Декоратив расм чизиш машғулотларида болалар кўрган предметларини акс эттириб, улардаги нақшларни қайта чизибгина қолмай, балки мустақил равища нақшларни акс эттириб, ёрқин ранг ва шаклларни мослаштириб чизишни ҳам ўрганадилар. Шунинг учун бошланғич босқичда болалар намунадан нақш элементларини чизиб оладилар, кейинчалик элементларни ўрнини ва рангини ўзгартириб борадилар. Болалар маълум бир малакага эга бўлганларидан кейин, бир неча хил намуналарни болалар ихтиёрига кўрсатиши мумкин. Баъзи машғулотларда тарбиячи намунани қўяди ва болалар қўриб чиқиб, танишиб, тарбиячининг кўрсатмасисиз мустақил равища ишлайдилар. Предметли расм чизиш ёки буюм ясашда намуна кўчириб олиш учун эмас, балки тасвирланаётган предмет ҳақидаги тасаввурни аниқлаш учун қўйилади.

**Расмлардан фойдаланиш.** Расмлар асосан болаларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш учун ва тасвирий усуслар, воситаларни тушунтириш учун хизмат қиласди. Педагог ва психологларнинг тадқиқотлари шуни қўрсатадики, 2 ёшдаги болалар расмни предмет тасвири сифатида тушуниб етадилар. Лекин расмдаги қаҳрамонларнинг ўртасидаги боғлиқликни, яъни харакатларни тушуниш кечроқ, 4-5 ёшларда юзага келади. Масалан: 2 ёшли бола расмдаги ҳайвонларни «турибди» дейди, 4-5 ёшлигиси эса «гапиряпти», «юряпти», «келяпти» ва ҳоказо дейди. Болаларнинг кузатишлари кўпинча қисқа муддатли бўлади (масалан: шаҳар шароитида ҳайвонларни кузатиш).

Шунинг учун расмлардан фойдаланиш қайта идрок қилишга ва кейинги тасвир учун характерли бўлган энг асосийини аниқлашга ёрдам беради. Расмлар ана шундай шароитларда керак бўлади: керакли предмет қўл остида йўқ пайтида, ёки бўлмаса текисликда тасвирлашнинг айrim усуслари билан таништириш учун хизмат қиласди. Масалан: тарбиячи болаларга узоқлашган предметни тушунтириш учун расмни кўрсатади. Ҳаётда болалар шу узоқдаги предметларни бир чизиқда жойлашган деб идрок қилсалар, расмда тарбиячи пердметларни узоқлашганини кўрсатиб, тушунтириб беради, 6 ёшдан бошлаб шу мақсад билан расмдан фойдаланиш мумкин. Расмни кўра туриб, бола ерни бир чизиқ билан эмас, балки кенг ер



бўлаги билан чизишни, узоқлашаётган предметлар юқорироқда, яқиндагилари пастроқда ва қоғоз четига жойлашишини тушуниб етади. Расм машғулот давомида болалар олдида қолдирилса, болалар тушуниб етмай нусха кўчиришга ўрганиб қоладилар. Бу ёшда эса, болалар нусха кўчириш билан эмас, балки ижод билан расм чизишлари керак. Баъзида машғулот давомида болаларга айрим қисмларни аниқлаб олиш учун расмни кўрсатиш керак бўлади. Кейин эса расм олиб қўйилади, чунки болалар нусха кўчира бошлайдилар.

**Тарбиячи томонидан ишлаш усулини кўрсатиб бериш.** Мактабгача таълим муассасида таълим жараёнида болалар ўрганиши керак бўлган тасвирлаш кўникма ва малакаларни ўлчамини аниқлаб беради. Кенг бўлмаган доирадаги малакаларни ўлчамини аниқлаб беради. Кенг бўлмаган доирадаги малакага эга бўлган бола турли хил предметларни тасвирлай олади. Масалан, уйни чизиш учун тўғри тўртбурчак шаклини чизишни билиш, яъни чизиқларни тўғри бурчак остида бирлаштиришни билиш керак. Ана шу чизиш усувлари машина, поезд ва бошқа тўғри тўртбурчакли предметларни чизища қўлланилади. Тарбиячи тасвирлаш воситаларини кўрсатиб бериши кўргазмали амалий усул бўлиб, бу усул болаларни керакли шаклни аниқ тажриба асосида онгли равища чизишга ўргатади. Кўрсатма 2 хил турда бўлади:

имо-ишора билан кўрсатиш;  
чизиш усули билан кўрсатиш.

Ҳар иккала турда ҳам кўрсатма оғзаки тушунтириш йўли билан олиб борилади. Имо-ишора билан предметнинг қоғозда жойлашиши тушунтирилади. Қўлнинг ёки қаламчанинг қоғоз бўйлаб ҳаракатни, ҳатто 3- 4 ёшли болалар учун етарли бўлади. Имо-ишора орқали бола хотирасидаги қийин бўлмаган предметнинг асосий шаклини ёки унинг алоҳида қисмларини эслайди. Болалар бирор предмет ёки ҳодисани тарбиячининг қайси ҳаракат ишораси орқали идрок қилган бўлсалар, худди шу ҳаракат-ишорани тарбиячи машғулотда қайтарса, болалар кўрганлари билан чизмоқчи бўлганлари ўртасида алоқадорликни онгли равища сезадилар. Масалан: уй қурилишини болалар кузатаётганларида тарбиячи қурилаётган уйнинг корпус чизиқларини тепага қараб қурилаётганлигини ҳаракатлари билан кўрсатади, худди шу ҳаракатларни машғулот бошида қайтарар экан, болалар хотирасидаги кўрганларини қайта эсга туширади. Ишора билан бола хотирасидаги предмет шаклини эслашга, ҳамда чизиш мобайнида боланинг қўл ҳаракатларининг



йўналиши аниқланади. Боланинг ёши қанча кичик бўлса, уни чизишга ўргатишида шунчалик қўл ҳаракатларини ишорасини кўрсатиш мухим рол ўйнайди. Кичик гуруҳдаги боланинг ҳаракатлари яхши ривожланмаган бўлса ва бола ўз ҳаракатларини бошқара олмаса, тарбиячи боланинг қўлини ушлаб, биргаликда ҳаракат билан чизади.

Бундай иш усули шу ҳаракатларни боланинг ўзи ҳис қилиши учун қўлланилади. Агарда предметнинг шакли мураккаб бўлмаса, ишора билан бутун предметни чизиш мумкин. Масалан: копток, китоб ёки олма шаклининг қисмларини, арча шохининг жойлашиши, қуш бўйининг қиялиги. Тарбиячининг кўрсатма бериши машғулотда қандай топшириқ берилишига боғлиқ. Машғулотда предмет шаклини тўғри ҳаракатлари билан чизиб кўрсатади. Бу асосан кичик гуруҳда ўтказилади. Масалан: болаларга юмaloқ шаклдаги предметларни чизишни ўргатиш учун тарбиячи копток ёки олмани, ўз ҳаракатларини тушунтирган ҳолда чизиб кўрсатади.

Агар предметни тасвирлаётганда унинг қисмларини аниқ кетма- кетликда чизиш керак бўлса, тарбиячи предметни бошидан якунига қадар чизиб кўрсатади. Фақат бунда болаларнинг дикқатини жалб қилиш учун тарбиячи болаларга “Энди нимани чизиш керак?” деган савонни беради. Катта гуруҳдаги болалар кўпинча қисман кўрсатмалар бериш ўринли бўлади. Болалар ҳали чизиши билмайдиган предметнинг бирор қисмини ёки алоҳида элементини чизища кўрсатмалар берилади. Масалан, 4-5 ёшли болалар дарахтнинг танасини учбурчак шаклида, кенг асос билан чизадилар. Бу кўпинча тарбиячининг оғзаки тушунтиришидан келиб чиқадиган камчиликдир. “Дарахтнинг танасини юқори қисмида тор, қуий қисмида эса кенг бўлади”. Оғзаки айтиб бериш билан бирга қўл ҳаракатлари билан чизиб кўрсатиш лозим. Катта гуруҳда эса, “Чиройли уй” мавзусида болалар расм чизаётганларида, тарбиячи доскада уйнинг ойна-эшиклари турли хил шаклда бўлишини кўрсатиб беради. Бундай кўрсатма боланинг расмини умумий чизмада ҳеч қанчалик чегараламайди. Малакаларни мустаҳкамлаш учун қайтарилаётган машқларда, сўнг улардан мустақил равища фойдаланишида кўрсатма фақатгина индивидуал равища, мълум бир кўникмага эга бўлмаган болаларга берилади. Доимий равища кўрсатма бериш болаларнинг пассивлашишига, ҳамда фикрлаш жараёнларини тормозланишига олиб келади. Чунки болалар



тарбиячининг кўрсатмасини ва ёрдамини кутиб, ўрганиб қоладилар. Тарбиячининг кўрсатмаси янги техник усусларни тушунтиришдагина керак.

**Болалар ишларини таҳлил қилиш.** Болалар ўзлари бажарган ёки дўстлари бажарган ишни мустақил равищда таҳлил қилиб, баҳо беришлари 5 ёшга бориб тўла шаклланади. Кичик гуруҳдаги болалар ўз ҳаракатларини ва уларнинг натижаларини назорат қила олмайдилар, шунинг учун улар ўз ишларини бажараётган вақтда мамнун бўлган бўлсалар, уларнинг натижасидан ҳам мамнун бўлиши учун тарбиячидан мақтov эшишишни кутадилар. Кичик гуруҳда тарбиячи болаларнинг ишларини баҳолаётганда таҳлил қilmайди, балки 4-5 яхши бажарилган ишларни болаларга кўрсатади. Шу билан бирга қолган болалар ишларини ҳам мақтайди чунки мақтov болаларнинг ушбу машғулотга нисбатан қизиқишини сақлаб қолишга ёрдам беради. Расмларни кўрсатишнинг мақсади эса, болаларнинг ўз ишларини натижасига жалб қилишдир. Ўрта ва катта гуруҳларда тарбиячи болаларнинг ишларини кўрсатади ва камчиликларини айтиб ўтади. Болалар камчиликларини қанчалик кўра билсалар, шунчалик кейинги расмларини онгли равищда чизиб борадилар.



Машғулот якунида тарбиячи болалар ишларидан бирини олиб, ижобий томонларини кўрсатади. Масалан: “Рангларини яхши танлаганини-оч ранг билан тўқ ранг ёнма-ён яхши кўриниши, чизиқларнинг озода ва аниқ чизилганлигини” ва ҳоказо. Агарда камчиликлар кўпчилик болаларда учраса, шу камчиликни бартараф қилиш учун болаларга савол беради ва дикқатини қаратади. Агарда бир боланинг камчилиги бўлса, у ҳолда яккама-якка тушунтириш муносибидир, чунки жамоа олдида биргина боланинг ишини таҳлил қилиш, фақатгина шу боланинг ўзи учунгина тушунарли бўлади. Катта гуруҳда таҳлилга барча болаларни жалб қилмоқ зарур. Баъзида эса, тарбиячининг ўзи баҳо беради. Масалан: яхши чизмайдиган боланинг ишидаги камчиликларни бошқа болалар айтишларини тарбиячи олдиндан била туриб, ўзи аввал шу бола бажарган ишининг ижобий томонларини айтиб ўтади. Вақтни тежаш мақсадида тарбиячи 5-6 та боланинг ишини олиб, таҳлил



қиласи, фақат ҳар машғулотда бир хил болаларнинг ишларини олиб баҳолаш ярамайди. Чунки доимий мақтov асосида ўша болаларда ҳаддан ташқари ишонч, бошқалардан ажралиб туриш ривожланади. Ўта қобилиятли болалар билан уларнинг лаёқатларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида иш олиб борилади. Баъзида тарбиячи таҳлил қилиш учун бажарилган ишларни болаларнинг ўзларига топширади. Бунда барча болаларнинг ишлари столга ёйлади ёки стендга маҳкамланади ва болалар ўзлари энг яхши бажарилган ишларини танлайдилар. Сўнг тарбиячи таҳлил қиласи. Кўпроқ болаларга (6 ёшда) ўз ишини натурага нисбатан ўзи баҳолашга имкон бериш керак. Чунки бола ўз ишига, ҳамда дўстларининг ишларига танқидий томондан баҳо беришга ўрганади.

**Оғзаки метод ва ўргатиш усуллари.** Тасвирий фаолият машғулотдаги доимо тарбиячининг болалар билан сухбатидан бошланади. Сухбатнинг мақсади болалар хотирасидаги аввалги идрок қилинган образларни қайта эсга олиш ва машғулотга бўлган қизиқишини уйғотишидир. Болалар ўз тасаввурлари асосида ижод қиласидиган машғулотларда сухбатнинг ўрни каттадир.



Сухбат қисқа, мазмунли ва ҳисхаяжонли бўлиши керак. Тарбиячи асосий диққатини машғулотда қилинадиган ишга қаратади. Болаларнинг мавзу бўйича ёки янги тасвирлаш усуллари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаб олишдан аввал, сухбат мобайнида ёки сухбатдан кейин тарбиячи керакли предмет ёки расмни кўрсатади. Топшириқни бошлашдан аввал эса иш усулини болаларга кўрсатади.



Ҳолларда сухбат тасвирлашнинг мақсадини яхшироқ тушунтириш учун хизмат қиласи. Болаларнинг тасаввурлари ва

асосида ижод қиласидиган машғулотларда сухбатнинг ўрни каттадир.

Сухбат қисқа, мазмунли ва ҳисхаяжонли бўлиши керак. Тарбиячи асосий диққатини машғулотда қилинадиган ишга қаратади. Болаларнинг мавзу бўйича ёки янги тасвирлаш усуллари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаб олишдан аввал, сухбат мобайнида ёки сухбатдан кейин тарбиячи керакли предмет ёки расмни кўрсатади. Топшириқни бошлашдан аввал эса иш усулини болаларга кўрсатади.

**Сухбат** - ўргатиш методи сифатида 4-7 ёшли болалар билан ишлашда асосий роль ўйнайди. Кичик групкаларда сухбат болалар тасвирлашлари керак бўлган предметни эслатиш учун ёки янги иш усулини ўргатиш учун керак бўлади. Бундай ва вазифаларини болаларга

ҳиссиётлари тез жонланиб, ижодий кайфиятлари тез йўқолиб қолмаслиги учун сухбат метод сифатида ҳам, усул сифатида ҳам қисқа ва 3-5 минутдан ошмаслиги керак. Яхши уюштирилган сухбат машғулотда мақсадга яхши эришиш учун қулай шароит яратади.

**Бадиий адабиётнинг образларидан фойдаланиш.** Бадиий образни ўзида мужассамлаштирган нутқ ўзига яраша кўргазмаликка эгадир. Масалан: шеър, ҳикоя, топишмоқ ва ҳоказо. Ифодали ўқилган бадиий асар ижодий кайфиятнинг ошишига, тафаккурнинг, хаёлнинг фаол ишлашига ёрдам беради. Шу мақсад билан бадиий сўздан фақатгина ифодали ўқиши машғулотларида эмас, балки предметларни идрок қилгандан сўнг тасвиirlаш жараёнларида ҳам фойдаланилади. Барча ёш гуруҳларда машғулотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда топишмоқ айтишдан бошлиш мумкин. Масалан, “Боши тароқ, думи ўрок”. Бу топишмоқ орқали хўрознинг бошқа қушлардан чиройли тожиси, думини бетакрорлиги каби қисми шакллари ажратилади. Баъзиде кичик шеърларни ёки асарлардан парча ўқиши ҳам мумкин. Агар керак бўлса, асарни ўқиши билан бирга оғзаки образга қўшиб натура ёки предметнинг тасвири болаларга кўрсатилади. Расм чизиш, лойдан буюм ясаш машғулотларида бадиий асар ўқиши ҳар доим ҳам қўл келавермайди, уни бошқа ўргатиш усули билан алмаштирган маъқул. Чунки бола оғзаки сўзни эшитгандан кўра натурани кўрганида кўпроқ жонланади. Тарбиячи бадиий образни танлаётганида жуда ҳам эҳтиёткорлик билан танлаш лозим. Негаки, тўғри танланган асар предметни, қиёфаларини кўриш идрокини ўз ичига олади (рангини, шаклини, ҳолатини). Масалан: “Бўғирсоқ” эртаги орқали бўғирсоқнинг образи, “Олтин балиқ” эртаги орқали эса балиқ образи янада ёрқинроқ тасвиirlанади.



**Тарбиячининг кўрсатмалари ва тушунчалари.** Тарбиячининг кўрсатмалари барча кўргазмали усуллари ўз ичига олади ҳамда ўзи мустақил ўргатиш усули сифатида хизмат қиласиди. Кичик ёшдаги боғча болалари учун оғзаки кўрсатмалар камдан-кам берилади. Болаларнинг тасвиirlаш малакалари етарли бўлмай, сезги анализаторининг иштирокисиз тарбиячининг кўрсатмасини тушунмайдилар (кўриш, эшитиш, қўл, таъм билиш сезгилари). Агарда болалар мустаҳкам кўникмага эга бўлсалар, тарбиячи кўргазмали кўрсатмасиз тушунириши мумкин. 5-6 ёшли болалар учун бир сўзнинг ўзи хотирадаги чизиш усули ҳақидаги тасаввурни эслашга ёрдам беради.

Тарбиячининг кўрсатмалари бутун гуруҳ болаларига ва алоҳида болаларга қаратилган бўлиши мумкин. Бутун гуруҳ учун бериладиган кўрсатмалар машғулотнинг бошида берилади. Улар қисқа, лўнда, тушунарли бўлиши керак. Ўрта ва катта гурухларда тарбиячи болалар топшириқларини қандай ўзлаштирганликларини билиш учун бирор боладан топшириқнинг кетмакетлигини ва қайси усувлардан фойдаланиб бажариш кераклигини сўрайди. Бундай қайта сўраш яхши тушунишларига ёрдам беради. Кичик гурухда тушунтириб, кўрсатгандан сўнг, тарбиячи яна ишни нимадан бошлиш кераклигини қайта эсга солади. Катта гурухда эса болаларга: нимани чизишини ёки ясашини, асосийси нимадан иборат, предметларни қандай жойлаштириш кераклиги ҳақида ўйлашни таклиф қиласиди. Болалар ишга киришгандан сўнг, тарбиячи ҳар бир болага кўрсатма беришга киришмасдан, балки ишга кириша олмаётган болаларга нима нарса тушунарли бўлмаганини сўраши лозим, бундай болаларга қайтадан вазифа тушунтирилади ва кўрсатма берилади. Ҳамма болаларга ҳам кўрсатма бериш зарур эмас. Кўрсатма иккиланувчан, уятчанг, ўзига ишонмайдиган болаларга керакдир. Юзага келадиган қийинчиликларни тарбиячи ҳар доим ҳам олдиндан айтиб бериши керак эмас. Баъзи бир болалар ўзи мустақил бажаришига тарбиячининг кўзи етса, у холда тарбиячи кўрсатма беришдан бош тортиши ҳам мумкин эмас. Асосийси, тасвирий фаолиятда бола қийинчиликка дуч келиб, уни ечишга йўл топа олиши керак. Кўрсатма шакллари ҳамма болалар учун ҳар хил бўлиши керак. Айрим болаларга мақтовли оҳангда кўрсатма берилса, ўзига ишонган болаларга эса кўпроқ талаб қўйилади. Тарбиячининг кўрсатмалари тўғридан-тўғри, буйруқ шаклида бўлиши керак эмас. У болани ўйлашга, фикрлашга ундаши керак. Бола қилган хатони кўрсатиш билан бирга, тасвирининг маъноси ўзгараётганига диққатни қаратиш лозим. Масалан: “Қизчанинг кўйлаги худди ғижимга ўхшайди” (яхши бўялмаган), “Дарахтлар йиқилиб кетаётганга ўхшайди” (яхши жойлаштирилмаган), “Бу одам бирам катта, аммо уйга кира олмаяпти”. Шу билан бирга хатони қандай қилиб тўғрилаш кераклигини айтиб бермаслик лозим. Боланинг ўзи фикр юритсин. Кўрсатма ёқимли товуш билан берилиши болаларнинг қизиқишини орттиради. Индивидуал кўрсатмалар бошқа болаларнинг диққатини жалб қилмаслиги учун пастроқ товуш билан берилади. Машғулот давомида қачон кўрсатма берилади, қачонки, кўпчилик болалар хатога йўл қўйсалар ва тарбиячи барча болаларнинг диққатини ўзига жалб



қилади ва қайтадан тушунтиради. Бундай машғулот давомида бериладиган кўрсатмаларни камроқ бериш керак, негаки у ижодий фаолиятини бузади.

**Ўйинли ўргатиш усуллари.** Тасвирий фаолиятда ўйинларидан фойдаланиш кўргазмали амалий ўргатиш усулига киради. Бола қанча кичик бўлса, ўйин унинг тарбиясида шунча катта ўрин тутади. Ўйин усуллари қўйилган масалага нисбатан болаларнинг ишини диққатини яхши жалб қилади ва хаёл билан тафаккурнинг ишини енгиллаштиради. Кичик ёшдаги болалар учун ўйин машқларидан расм чизища кенг фойдаланилади. Мақсад болаларнинг оддий чизиқли шаклларни чизишга ўргатиш, ҳамда қўл ҳаракатларини ривожлантиришdir. Болалар тарбиячининг ортидан қўллари билан ҳавода, сўнг қофозда турли чизиқларни чизадилар. Тарбиячи: “болакай йўлда чопиб кетяпти”, “машина юриб кетяпти” ва ҳоказо, деган иборалар билан тушунча ҳосил қилади. Образ билан ҳаракатнинг бирлашуви бола томонидан чизиқларни ва содда шаклларни тасвирлаш малакасига эга бўлишни анча тезлатади. Кичик групуда предметларни тасвирлашда ҳам ўйин усулларидан фойдаланилади. Масалан: меҳмонга қўғирчок келади ва болалар унга нозу-неъматлар ясайдилар, нон, кулча, ширинлик, ва ҳоказо. Бундай иш мобайнида болалар шарни яссилашга уринадилар. Ўрта групуда болалар айикни юмшоқ ўйинчоғига қараб чизишлари керак. Шунда қизиқарли ўйин ўтказиш учун, айиқча эшикни тақиллатади, сўнг болалар билан саломлашиб, болалардан унинг расмини чизиб беришларини илтимос қилади. Машғулот якунида у расмларни баҳолашда қатнашади ва яхши расмларни ўзи танлайди. 6 ёшли болалар билан ҳам тасвирлаш фаолияти давомида ўйинлардан фойдаланилади. Лекин кичик групуга қараганда бу ўйинлар анча камаяди. Масалан: сайдра болалар ўзлариниг фотоаппаратлари билан атрофни расмга оладилар: дараҳтлар, қушлар, ҳайвонлар ва ҳоказо. Боғчага келиб, ўзлари олган “расмларни проявка қиладилар ва расмларни чиқарадилар”, яъни кўрганларини қофозга туширадилар. Тарбиячи ўйиндан фойдаланганида бутун машғулотни ўйинга айлантириб юбормаслиги керак, чунки бу болаларнинг диққатини топширикни бажаришдан тортиб, кўникма, малакаларга эга бўлиш мавзусини бузади.

**Амалий методлар.** Тасвирий санъатга ўргатиш мобайнида болалар турли материаллардан фойдаланиш кўникмасига эга бўладилар. Расм чизиш, лойдан



буюм ясаш, аппликация турли методлардан ҳамда ўргатиш усууларидан фойдаланишни талаб қиласи, шу жумладан болаларда күникма малакаларни ҳосил қиласидиган амалий методлардан ҳам фойдаланиш талаб қиласи. Амалий методлардан асосийси бўлмиш, техник ва баъзан тасвирий малакаларни



ўргатадиган машқлардир. Кичик гурухда бу машқлар болалар учун сезиларли эмасдир юмaloқ шаклли предметларни ясашни ўрганиб, болалар коптотки, олмани, апельсинни ва шу каби предметларни ясайдилар. Йўлларни, ёмғирларни чизиб, улар горизонтал ва вертикал чизиқларни чизишни машқ қиласидилар. Катта гуруҳдаги болалар олдида эса тўғридан тўғри маълум бир топшириқ қўйилади, чиройли ва тўғри штрих билан чизишга ўрганиш. Штрихлаб чизишни кўрсатиб бергандан сўнг, болаларга мураккаб бўлмаган предмет контурини (масалан: уй, қўзиқорин, олма) чизиб олиб, уни озода қилиб бўяmasлик расмни хунук қилиб қўйишини биладилар ва сидқидилдан машқ қиласидилар. Машқлардан тасвирий характерга эга бўлган топшириқларни тушиниш учун фойдаланилади. Масалан, тарбиячи бир чизик билан инсон бошининг ёнмача қиёфасини чизишни кўрсатиб берганидан сўнг, болалар бир неча марта одам бошининг расмини қайта - қайта чизадилар. Тарбиячининг вазифаси болаларнинг тасвирий фаолиятини шундай ташкил қилиш керакки, у фаол ва ижодий бўлсин. Ҳар бир машғулот фақатгина дидактик вазифасини эмас, яъни маълум бир предметни тасвирлашни ўргатиш эмас, балки боладан ишни мустақил бажаришни ҳам талаб қиласи. Шу мақсад билан тарбиячи турли хил усуулардан фойдаланиши мумкин: маслаҳат, мақтov, топшириқни бажариш усулини кўрсатмаси (тўлиқ бўлмаган), ўйинчоқ кўрсатмаси, эслатма ва шу кабилар. Болани шундай ҳолатга қўйиш керакки, у ўйлаган ўйини бажариши учун ўзи йўл топсин. Шундай қилиб у ёки бу метод ва усууларни танлаш қўйидагиларга боғликдир:

Машғулот мазмунига ва машғулот олдида турган мақсадга, шу билан бирга, тасвирий фаолиятнинг вазифаларига;

Болаларнинг ёши ва ривожланиш даражасига;

Болалар фойдаланадиган тасвирлаш материалларига боғликдир. Атроф олам ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш мақсадидаги машғулотларда, асосан оғзаки методлар қўлланилади: сухбатлар, болаларнинг кўрганларини хотирадан қайта эслаш учун ёрдам берадиган саволлар берилади. Тасвирий

фаолиятнинг турли кўринишларида ўргатиш усуллари турличадир, чунки бир образ турли воситалар ёрдамида вужудга келтирилади. Масалан: мазмунли мавзуларда композицияга ўргатиш вазифасини расмда иллюстрацияларга қараб тушунирилади, узоқлашаётган предметлар юқорироқда, яқиндагилари эса пастроқда чизилади. Бу масала лойдан буюм ясаганда шаклларнинг уларнинг ҳолатига қараб жойлаштирилади; ёнма-ён ёки кетма-кет ва ҳоказо. Бу ерда алоҳида тушунча ёки кўрсатма бериш шарт эмас. Ҳар бир усулдан ўйлаб, машғулот олдида турган вазифаларга нисбатан, дастурда берилган машғулотнинг мазмунига нисбатан ва асосан ушбу гуруҳ болаларининг қай даражада ривожланганигини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш керак. Машғулотда алоҳида метод ва усуллар кўргазмали ва оғзакилари - ўзаро қўшилади, мужассамлаштирилади ва бир-бирига умумий таълим жараёнида боғланади. Кўргазмалилик болалар тасвирий фаолиятининг моддий ҳиссий асосини янгилайди, сўз эса тўғри тасаввурни, таҳлилни, идрок қилингандарни ва тасвирлаётганларини умумлаштиришни шаклланишига ёрдам беради.

### **Назорат саволлари**

1. Тасвирий фаолиятга ўргатиш тизимининг умумий асосини нима ташкил қиласиди?
2. Натурадан фойдаланиш деганда нима тушунилади?
3. Болалар ишларини таҳлил қилиш ҳақида маълумот беринг.
4. Оғзаки, сухбат ўргатиш усуллар тузилмасига изоҳ беринг.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.
2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014
4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда аппликация машғулотлари. Т., 2014.
5. Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
6. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А- Приор, 2010.
7. Хасanova Ш. Теория и методика изобразительной деятельности в детском саду. М.: Просвещение. 1997.
8. Хасanova Ш.Т.Эстетик тарбия методикаси..Маъruzалар матни Низомий номли ТДПУ., 2014.

## **З-мавзу: Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологиялари. (2 соат)**

Режа

1. Турли ёш гурухларда тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш.
2. Тарбиячининг машғулотга тайёрлгарлиги.

**Таянч тушунчалар:** рангдор майдада қисм, иллюстрация, ижодий ташаббус.

Турли гурухларда тасвирий фаолият машғулотларини ташкил қилиш.

Тасвирий фаолият машғулотлари - бу расм чизиш, лой, аппликация, қуриш-ясаш машғулотларидир. Бу машғулотлар мактабгача таълим муассасасининг барча гурухларида аниқ бир вақтда, кун тартиби асосида уюштирилади.

Кичик гурухда йилнинг бошида унча катта бўлмаган гурухлар билан, йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун бир гурух билан уюштирилади. Кичик гурухда машғулотлар йилнинг биринчи ярмида 5-7 минутдан аста-секин 10-15 минутгача чўзилиб борилади.

Кичик гурухда 15-20 минутгача;

Ўрта гурухда 20-25 минутгача;

Катта гурухда 30-35 минут;

Тайёрлов гурухда 30-35 ўтказилади.

Тасвирий фаолият машғулотларининг муваффақиятли уюштириш, унга зарур бўлган материалларни ўз вақтида тайёрлашга ҳам боғлиқдир.

Бу тайёргарлик ишлари қўйидагилардан иборатdir:

1) Тарбиячи расм ва аппликация машғулоти учун керакли катталиқдаги ва рангдаги қофоз варакларини тайёрлайди (тасвирланадиган предметнинг тузилишига кўра). Қофоз варагига олдиндан орқа томонига болаларни исми, фамилияси, машғулот ўтказиладиган сана ёзиб қўйилади.

2) Тарбиячи олдиндан қалам учларини очиб қўяди (албатта 4-5 қалам ортиқча қилиб тайёрлаб қўйилади).

3) Катта тайёрлов гурухларида болалар қўпроқ акварель бўёғини ишлатадилар. Олдиндан бўёқлар хўлланган бўлиши лозим. Мўйқаламлар яхшилаб ювилади.

4) Машғулот учун латталар, идишчаларни тайёрлаш зарур. Сув банкаларга машғулот бошланиш арафасида қўйилади.



5) Аппликация учун рангли қоғоз йиғмаси тайёрланади (ортиқча миқдорда).

6) Елимстер (ундан тайёрланади), ёки елим.

7) Лой иши машғулотлари ҳафтада бир маротаба тайёрланади, полиэтилен плёнкаларда сақланади. Тарбиячи ҳар бир бола учун лой парчасини қўйиш учун тахтачалар, катта тайёрлов гурухлари учун кўргазмалар, харакатланувчи тахтачалар тайёрлайди, ҳўл ёки нам латталар берилиши керак.

8) Пластин ҳам ранги бўйича тайёрланиб, рангдор майдада қисмларни ясаш жараёнида берилади. Кўпроқ катта гурухларда берилади, олдиндан иссиқда юмшатиб қўйилади.

9) Мактабгача таълим муассасасидаги кўргазмали материаллар бўлиши лозим. Масалан: предметлар ўйинчоқлар, иллюстрациялар, халқ амалий декоратив санъат намуналари.

10) Ҳар бир гурухда болалар ишининг таҳлили учун кўргазмалар бўлиши керак. Машғулот учун зарур бўлган материалларнинг ҳар бири аниқ, бир жойда, фаолият турларига қараб сақланиши керак, навбатчилар бунда уларни машғулот учун тайёрлай олишлари лозим.

11) Ўрта гурухдан бошлаб болалар ҳам тарбиячи билан биргаликда машғулотга тайёрланиб, навбатчиликка жалб қилинади.

Ҳар бир гурухда, ҳар бир бола ёки навбатчилар вазифаларни тарбиячи томонидан режалаштирилади.

**Кичик гурухда.** Тарбиячи гурухда болаларни машғулотдан кейин ўз жойини тартибга солишига, яъни қолган лойни, мўйқаламни, салфеткани, қаламни тарбиячига беришга ўрганадилар. Йилнинг бошида тарбиячининг ўзи материалларни тайёрлайди, сўнг алоҳида болаларни материаллар тайёрлашга жалб этади. Бу навбатчилик эмас, балки баъзи болалар учун топшириқлар бериш ҳисобланади. (йил давомида тарбиячи ҳамма болаларни меҳнат топшириқларини бажаришга жалб этиши лозим). Машғулотдан сўнг болалар, ҳар бир ўз столларидағи нарсаларни олдин умумий столга олиб келишига ўрганадилар, сўнг тарбиячи ўз ёрдамчилари билан мўйқаламларини ювади, салфеткаларни йиғиб олади.

**Ўрта гурухда.** Ўрта гурухда ҳам йилнинг бошида худди кичик гуруҳ каби топшириқлар берилади. Йилнинг иккинчи ярмида тарбиячи болаларни навбатчиликка жалб этади. Улар банкаларга сув қўядилар, бўёқларни қўйиб



чиқадилар ва бошқалар. Машғулотдан сўнг бўёқларни жойига олиб бориб, сувва мўйқаламларни ювиб, жойига қўядилар.



ювиб жойига қўядилар, қайчиларни чиқадилар.

**Катта гуруҳда.** Катта гуруҳдаги навбатчилар стол ва стулларнинг қайтарзда туришини назорат қилиб, машғулотдан сўнг столлар устини артиб чиқадилар, улар лой, бўёқни, мўйқаламларни стол устига қўйиб чиқадилар. Елим ҳам қўйиб чиқадилар. Тахтачаларни йифиб, банкачаларни тарқатиб, машғулотдан сўнг йифиб чиқадилар.

**Тайёрлов гуруҳида.** Бу гуруҳда навбатчиликка катта мустақиллик берилади. Тарбиячи болаларга, навбатчиларга машғулот учун нималар керак бўлишини айтади, навбатчилар уларни тайёрлайди.

#### **Тарбиячининг машғулотга тайёргарлиги.**

Машғулотни бошлашдан аввал, тарбиячи албатта ўзи танлаган натура, ўйинчоқ, иллюстрация ва ўзи болаларга нисбатан қаерда туриши кераклигини аниқлаб олади. Машғулотдан олдин тарбиячи албатта чизишни, лойдан ясашни, қирқиши машқ қилиши лозим. Бу эса тарбиячига уни тасвир этишнинг йил ва воситаларини аниқлаб олиш ва қай бир мураккаб қисми устида қўпроқ ишлашни ва болаларнинг дикқатини ҳам шу ерга қўпроқ тортиш имконини беради. Машғулотга тайёрланиш жараёнида тарбиячи методик адабиётларга мурожаат этади, қай бир метод ва усулларни қўллаш мумкинлиги устида ишлайди. Тарбиячи машғулотни ташкил этишга тайёр бўлгач, болаларни ўйин фаолиятидан аста таълимий фаолиятга кўчириб ўтади. Машғулотни ташкил этиш даври бир икки дақиқани ташкил этади. Бу қисм машғулотга қараб турлича уюштирилиши мумкин.

Масалан: болаларни тасвирлашлари керак бўладиган предмет ёки иллюстрацияларни кўришни, кичкинтойларга эса, ўша нарса билан ўйнаши, қўли билан тегиши мумкин бўлади. Кичик гуруҳдан бошлаб болаларни секин аста, шовқинсиз, стол атрофига ўтиришга ўргатилади. Машғулотнинг турига ва мазмунига қараб, болалар турлича ўтказилиши мумкин. Масалан: кичик гуруҳда ярим ойсимон шаклда ўтказиш мумкин. Бунда тарбиячи ҳар бир болани кўради ва ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар бирининг олдига бориши мумкин.

Ҳамма машғулотлар уч қисмга бўлинади:

- машғулотнинг бошланиши–топшириқни тушунтириш;
- машғулотнинг бориши–топшириқни болалар томонидан бажарилиши;
- машғулотнинг якуни–болалар билан бажарилган топшириқни таҳлил қилиш.

I ва II қисмлар болалар ёши ва топшириққа қараб 2-5 минутгача давом этиши мумкин, **1-қисмда** тарбиячи болаларга улар бажарадиган топшириқни хабар этади. Тарбиячининг тушунтириши эмоционал, ижодий кайфият туғдириши лозим. **2-қисмда тарбиячи** болаларни берилган топшириқни бажаришга киришишларини текширади. Бола иши ўртасида пауза бўлмасин, бола бир топшириқни бажардими, кейингисига дарҳол ўтишлари, бажаришларини кузатиш лозим. Машғулот давомида болалар тинч ишлашга, ўз ўринларидан сўроқсиз турмасликка ўрганадилар. Катта гуруҳдаги болалар даставвал тарбиячи рухсати билан, кейин ўzlари сувни, мўйқаламни ўз жойига қўядилар. Кичик гуруҳда болалар мустақил бўлмаганлари учун қўпроқ тарбиячининг ўзи болалар олдига келиб туради. Ўрта гуруҳдан бошлаб болалар тарбиячига қўлларини кўтариб, мурожаат этишга ўрганадилар. Болаларни аста- секин мустақил ишлашга ўргатиб борилади. Бор бўлган қийинчиликларни ўzlари ҳал этиш йўлларини ўрганиб борадилар. Машғулотни якунига 5 минут қолганда болалар огоҳлантирилади. Бу нарса кичик гуруҳ болалари учун ортиқча ҳисобланади, чунки улар ҳали бу алоқани эгалламаган бўладилар. Кичик гуруҳдан бошлаб болаларга ишини олдинроқ тугатган бўлса, ўзи яна расмни элемент билан бойитишни таклиф этилади.

**Машғулотнинг якуни**–болалар билан бажарилган топшириқни таҳлил қилиш. Тарбиячи ишни тугатишни қатъян таклиф этса, болалар ҳаммаси ишни тугатиши ва тарбиячи қуннинг иккинчи ярмида болаларга ўз ишларини тугатиб олишга имкон яратиши лозим. Болалар ишини таҳлил қилиш муҳим методлардан бири бўлиб ҳисобланади. Болалар ишларини таҳлили таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга. Болалар ишлари деворий рўзнома қилиб осилади. Болалар деворий рўзномадаги ишларини яхшилаб кўриб чиқадилар. Тарбиячи болаларнинг фикрларини сўрайди ва болалар ишларига умумий баҳо беради. Машғулотдан сўнг болаларга ўз ишларини кўриб чиқиши учун яна бир бор имконият яратиб беради. Агар машғулот чўзилиб, вақт қолмаса, сайдан кейин ёки қуннинг иккинчи ярмида амалга ошириш мумкин. Болалар ишларида тарбиячи ота-оналар учун бурчак ташкил этади ва болалар ишларини у ерда кейинги машғулотгача қолдиради. Албатта, улар даставвал яхшилаб безатилади. Уларни турлича безатиш мумкин. Агар бурчак ташкил этишни иложи бўлмаса, болалар ишидан альбом қилинади. Биттадан варақ бир кишига ажратилади ва варақ устига конверт ёпиштирилади. Боланинг исми ёзиб қўйилиб, шу конвертга боланинг ҳар бир бажарган иши қўйилади. Аralаш ёш

гурухларда машғулотни ташкил этиш ўзига хос хусусиятга эгадир. Бу гурухни 2-3 юқори гурухга бўлиб, ҳар бири учун ўзининг дастур мазмуни аниқланади. (болаларнинг ҳаммаси, биргаликда, бир вақтда, бир фаолият билан шуғулланса ҳам).

Таълим–мактабгача тарбия ёшидаги болаларни элементар билимлар тизимини билан таништиришда, мактабгача таълим муассалари учун ишлаб чиқилган дастурларда назарда тутилган қўникма ва малакаларни шакллантиришда етакчи ролни ўйнайди. Таълим жараёнида болаларга янги билимларни мунтазам бериб бориш, улар жамғарган тасаввурларни аниқлаш ва тизимлаштириш, болаларнинг билиш жараёнлари ҳамда тафаккур фаолликларини ривожлантириш амалга оширилади. Таълим – икки томонлама жараён: машғулотлар кузатилар экан, тарбиячининг таълим бериш фаолиятини, унинг болаларга таъсир этиш имкониятларини ҳамда болаларнинг жавоб бериш реакцияларини, ўқув ҳаракатлари сифатини ҳам баҳолаш мухимдир. Таълим жараёни болаларнинг жисмоний, маънавий, меҳнат ва эстетик ривожланишларига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Таълим жараёнининг мухим вазифаси унинг болаларга тарбиявий, умумтаълим таъсирини (кузатувчанлик, зеҳнлилик, ақлий, нутқий ва ҳаракат фаоллиги, мустақиллик, ижодий ташаббуснинг ривожланишини) аниқлашдир. Педагог ҳар бир машғулотда таълим ва тарбиянинг ўзаро боғланган вазифаларини амалга оширишни эсда сақлаши мухимдир. Масалан, болаларга расм чизиш усусларини тушунтирас экан, у болаларга предметни изчил таҳлил қилишни, кўрганларини тасвирлашни, ҳаракат усуслари ҳақида гапиришни, бўёқдан тартибли фойдаланишни, ўртоғига ҳалақит бермасликни охирида ҳамма нарсани ўзи жой-жойига олиб қўйишни ўргатади. Тасвирий фаолият машғулотларида болаларнинг ташқи дунё ҳақидаги тасаввурлари қандайлигини, улар ўз фикрларини эркин баён қила олишларини, уларнинг лугат бойликлари қандайлигини аниқлаш мумкин. Болалардаги маънавий тасаввур даражасини бажарилган ишларни баҳолаши ва шу кабилардаги фикрлари ҳамда луқмаларидан билиб олиш мумкин. Демак, кўрилган ҳар бир машғулотларда дастурнинг барча бўлимлари бўйича болалар билан олиб борилган ишнинг даражаси худди кўзгудагидек акс этади. Тарбиячи ўтказадиган машғулотларнинг муваффақияти уч шартга: дастурни яхши билишга, таълим методикасини эгаллаганликка, ўз гурухидаги болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳамда имкониятларини билишга боғлиқ бўлади. Тарбиячини назорат қилиш ва унга ёрдам кўрсатиш учун мактабгача таълим муассасаси мудираси барча ёш гурухларининг дастурини ҳамда таълим методикасини билиши, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг психо-

физиологик хусусиятларини тушуниши, янги илмий тадқиқотлар ва илгор педагогик тажрибадан хабардор бўлиши керак.

### **Назорат саволлари**

1. Турли ёш гуруҳларда тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш вақтини айтинг?
2. Тасвирий фаолият машғулотларининг муваффақиятли уюштиришда тарбиячи тайёргарлигининг афзаликлари ҳақида маълумот беринг.
3. Тасвирий фаолият машғулотларининг қисмлари ҳақида изоҳ беринг.
4. Тарбиячи ўтказадиган машғулотларнинг муваффақияти нималарга боғлиқ?

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.
2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014
4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда апликация машғулотлари. Т., 2014.
5. Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007
6. Логинова В.И, Самарукова Т.Г. таҳрири остида. Мактабгача тарбия педагогикаси. 2 қисмли. 1- қисм. Т., Ўқитувчи. 1991. 127
7. Т.С.Комарова. Методика обучения изобразительной деятельности и конструированию. М.: Просвещение. 1991.
8. Джалаева Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
9. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А-Приор, 2010.
10. Ишмуҳамедов Р., ва бошқ. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учунамалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
9. Хасanova Ш.Т.Эстетик тарбия методикаси..Маъruzалар матни Низомий номли ТДПУ., 2014.

## **4-мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларнинг расм чизишга ўргатиши. (2 соат)**

### **Режа:**

1. Мактабгача таълим муассасасида болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишида расм турлари.
2. Мактабгача таълим муассасасида алоҳида предметларнинг расмини чизишга ўргатишининг вазифалари.
3. Мактабгача таълим муассасасида мазмунли расм чизишга ўргатишининг вазифалари.
4. Мактабгача таълим муассасасида декоратив расм чизишга ўргатишининг вазифалари.

**Таянч тушунчалар:** *графика-рассомлик, колорит, композиция.*

### **Мактабгача таълим муассасасида болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишида расм турлари.**

Расм чизиш — предмет ва ҳодисаларни графика-рассомлик усулида тасвирилаш бўлиб, унинг асоси колорит, шакл ва композициядир. Предметни кузатар эканлар, болалар расмда унинг характерли хусусиятларини ифодалайдилар; бадиий образ яратар эканлар, мазмунни акс эттиришни ўрганадилар; расм чизиш техникасининг бошланғич малакаларини аста-секин эгаллаб, нақшнинг баъзи элементларини ўзлаштирадилар (декоратив расм чизишида):

Мактабгача таълим муассасасида болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишида расм асосий ўрин эгаллайди ва учта турни ўз ичига олади:

- Алоҳида предметларни чизиш.
- Мазмунли расм чизиш.
- Декоратив расм чизиш.

Тасвирий фаолиятга ўргатишининг асосий вазифаси—теварак-атрофдаги борлиқни тасаввур қилишда болаларга ёрдам бериш. Уларда кузатувчанликни ривожлантирумок, эстетик гўзаллик хиссини тарбияламок, ҳамда тасвиirlаб бериш усулларини ўргатмоқдир. Бу билан бирга тасвирий фаолиятнинг энг асосий вазифаси—маълум бир ёш учун мос тасвирий материаллари билан турли хил предметларнинг турли тимсолларини яратиш каби ижодий болаларда шакллантириш амалга оширилади.

## **Мактабгача таълим муассасасида алоҳида предметларнинг расмини чизишга ўргатишнинг вазифалари**

Психологларнинг тадқиқотларига кўра, битта предметни бошқа предметлар орасидан ажратиб олиш учун болага шу предметни идрок қилишда предметнинг шаклини билишга ёрдам берар экан. Шаклларни тасвирлаш жараёнидаги хатоликлар фақатгина боланинг нотўғри тушунчалари ва қўникмаларнинг етарли эмаслиги эмас, балки предметни тўғри идрок этишни билмаслиги билан тушунирилади. Боланинг тасвирлай олиш қобилияти ҳали яхши ривожланмагани учун унинг олдида фикр юритиб тасвирлаш каби қийинчиликлари ҳам туради. Расмда шакл тўғри контур билан чегаралаб чиқилган, лекин шу билан бирга ишнинг 1-босқичлари чизиқларни тўғри аниқ чизиш ва контурларни (аниқлаш) тасвирий, расмда ишлаш жараёнининг вазифаси бўлиб ҳисобланмайди. Агар умумий шакл топилмаган бўлса, контурни тўғри чизиқ билан чизиб бўлмайди, чунки у ҳар доим ўзгарувчан, шунга қараб уни чизиш ҳам ўзгаради, яъни нитижаси, расмнинг охири йўналиши ҳам ўзгарувчандир.



Рассом предметни тасвирлаётганда аввал асосий шаклнинг белгиларини қофозда белгилаб олади. Мактабгача тарбия ёшдаги болага, айниқса, 3-4 ёшли болага тасвирлашнинг бундай усули жуда қийин, чунки у предметни бутунлигича тасаввур қила олмайди. Унга предметни аста-секинлик билан бир томонга чизиш осонроқ. Тасвирлашнинг бу усули боланинг ишини осонлаштиради. олдин битта бўлагини танлаб, натурадаги кейинги бўлагини эслаб ёки кўриб шу бўлагини бўлакка бўлиб, расм чизишни давом эттиради. Аста-секинлик билан болаларга расмнинг умумий белгиларини қофозга тушуриб чизишни ўргатиш зарур, чунки расмни бўлакларга ажратиб чизишнинг ўзига ҳос қийинчилиги

бор. Бунда керакли шаклнинг асосий бўлаклари ва иккинчи даражали бўлакларнинг ўзаро жойлашишлари ва фазодаги ўринларини аниқ пропорционал ҳолатда чизиш, аниқлаш қийин бўлади. Ҳамма ёш гурӯхлар учин расм чизиш фаолиятига ўргатишнинг асосий умумий вазифалари қуйидагилар:



1. Предметнинг шакли ва тузилишини тасвирилашга, уларнинг қисмларини ўзаро пропорциялашни кўрсатиб беришга, ҳаракат натижасида уларда ўзгатишларда ўргатиш.

2. Тасвирилашни образли ёрқин қиладиган баъзи бир характерли қисмларни тасвирилашга ўргатиш.

3. Предметнинг рангини, унинг мазмуни ва образ характерини ўзаро бирлаштириб беришга ўргатиш.

4. Бўёқ, ранги қалам ва бошқа материаллар билан чизища техник кўникмаларни ривожлантириш.

**Кичик гурухда ўргатишнинг мазмуни ва вазифалари.** Икки ёшли бола қалам, мўйқаламни тўғри ушлаши мумкин, лекин унинг тажрибалари кам, бажара олиш ва билиш қобилиятлари йўқ, қўл ҳаракатлари етарлича ривожланмаган. Шунинг учун асосий вазифалар болаларга умумий тарбиявий таъсир қилиш билан боғлиқдир. Кичик гурухда ўргатишнинг вазифалари қўйидагилар:

□ Расм чизиш жараёнига қизиқишни ўйғотиш.

□ Расм чизиш материаллари “қалам, бўёқлар” ва улардан фойдаланиш усувлари билан таништириш.

□ Катта ёшли одам чизган расмни, предметнинг тасвири деб тушунишни ўргатиш.

□ Тўғри ва эгри чизиқларни, шаклларни чизишни ўргатиш. Бу гурухнинг дастури кейинги гурухларнинг дастуридан босқичма-босқич мураккаблашиб бориши билан фарқланади. Расм чизишнинг биринчи машғулоти қофоз ва қалам билан таништиришдан бошланади. Бу материалларнинг ўйинчоқлардан болаларга маълум бўлган турли хил предметлардан фарқ қилишини педагог

болаларга тушунтиради. Қаламлар билан турли фаолият турларини бажариш мумкин. Қофоз тоза эди, қаламнинг ҳаракатланишидан унда излар пайдо бўлди. Қаламнинг очилган учи қофозда из қолдиради. Икки учи эса, из қолдирмайди. Агар секин босилса, қофозда унинг излари кўринмайди. Агар қаттиқ босилса, қофоз йиртилиб кетиши мумкин. Бундай тушунтиришни ва ҳаракатларни

кўрсатиб бериш болаларда расм чизишга қизиқишни ўйғотади. Булардан ташқари оддий техник кўникмаларни қалам, мўйқаламни тўғри ушлаш, улардан тартибли фойдаланиш. Бўёқни мўйқаламнинг учига олишни билиш кабиларни ўргатишни дастур ўз ичига олган



Бу гурух болалар (3 ёшли болалар) психологик жиҳатдан ривожланади, турмуш тажрибалари ўсади. Тарбиячи бу ёшдаги болалар билан расм бўйича машғулот олиб борганда болаларнинг расмга нисбатан қизиқишларини орттиради. Бу гурухда болаларнинг расм ишининг сифати эмас, балки иш жараёни қизиқтиради. Расм бўйича барча гурух болалари тарбиячининг оғзаки кўрсатмаларини тинглашга, тарбиячининг кўрсатиб берган усулларини бажаришга ўрганиб борадилар. Бу ёшдаги болалар расм фаолиятида тезда ўйин фаолиятига ўтиш билан ажralиб туради.

Масалан: доирачалар чизиб, уни ичини қалам билан уриб чиқиб, уни қушдон чўқияпти деб ифодалайди. Бунда ёш болаларнинг ранг танлаш малакаси шаклланади. Боланинг диққатини уларга ёқсан ранглар тортади. Болалар тасвиrlаш жараёнида сўз билан ифодалашга ўрганадилар. Расмда тасвиrlай



олмаган воқеаларни сўз билан тўлдиради. Болаларда мустақиллик, фаоллик ўсади. Тарбиячи болаларга машғулотда олган билим ва кўникумалардан мустақил фойдаланиш имкониятини туғдиради. Кичик гурухда болаларни нарсаларни тасвиrlаш усулларига ўргатиб борилади. Болалар турли шаклдаги предметларни тасвиrlашга ўргатилади, доира, тўғри тўртбурчак, учбурчак ва турли йўналишдаги чизиқлар тўпламидан иборат нарсаларни чизадилар.

Предметларни шаклини тўғри тасвиrlашга ўргатиш учун болаларни қўлларини шаклий ҳаракат қилишга ўргатиш лозим. Болаларни предмет шакли билан қўлнинг шакл ҳаракатлари ўртасидаги боғлиқликни ўргатиш лозим. Тарбиячи предметни тасвиrlашга ўргатишдан олдин, уни машғулот олдидан кўриб чиқади, яъни кузатиш олиб боради. Болалар жону-дили билан турли рангдаги коптоклар, шарлар ва арча мунчоқларини тасвиrlайдилар. Тўғри тўртбурчак шаклини тасвиrlашга болалар бу гурухда қийналадилар, шунинг учун бу шакл йилнинг 2-ярмида берилади. Болалар арча, дараҳт турса йиқилмас қўғирчоқ, аравачани тасвиrlайди. Рангларни қизил, сариқ, кўк, яшил, қора, оқларни билишга ўргатилади. Шунингдек, ранг аралаштиришларни (пушти, ҳаво ранг ва зарғалдоқ, жигарранг) тавсия этиш мумкин. Бу гурух болаларини рангларни тўғри аташ ва тасвиrlаш аниқ талаб этилмайди, аммо тарбиячи астасекин предметларни ранг тусини ҳаққоний тасвиrlашга ўргатиб бориши керак. Масалан: кўм-кўк ўтлар ўсмоқда, ўтларда сап-сариқ жўжалар ўтлаб юришибди ва ҳоказо. Бу гурухда болаларнинг мазмун жиҳатидан жуда суст бўлади, яъни

ишлар мазмуни асосан сўзда ифодаланилади. Масалан: машина чизиб, сўз билан мазмун беради, у бу машина юриб кетди ёки юк олиб келяпти. Машғулот давомида болалар бир турдаги предметларни бир неча марта тасвирлашни ўрганадилар. Бу эса, болаларни техник кўникмаларини мустаҳкамлайди. Расм давомида ишни тезда тугатган болаларга тарбиячи расм мазмунини кенгайтириш мақсадида янги вазифалар бериши мумкин. Масалан: ўт устида юрган жўжалар ёнида дон ёки турличувалчангларни чизишни тавсия этиш мумкин ва бу билан болалар чизган ишларини мазмунан бойитиб бориш ва болаларни ҳам шунга ўргатиб бориш лозим.

**Кичик гуруҳда ўргатишнинг мазмуни ва вазифалари.** Ҳаётни 4 йилида бола предметни яхшироқ ёки ёмонроқ тасвиrlай олишни ҳам билмасалар ҳам, лекин улар расм чизишнинг маъносини биладилар. Улар ўzlари чизган шаклсиз расмларни предметнинг бирор бир белгисига асосан ўхшатиб чизадилар. педагог болаларнинг расм билан предметнинг ўхшашибелгиларини топишга уринишни рағбатлантириб туриши ва шу билан бир қаторда турли шаклларни тўғри тасвирийга ўргатиб бориш зарур. Бу ёшда тасвирий фаолиятни ўргатиш вазифалари бир режага қўйилган.

□ Содда предметларни асосий белгилари (ранг, шакл) бериб, турли хил тўғри ва айланасимон шаклларини тасвирлашга ўргатиш.

□ Рангни билиш сезгиси асосий рангларни ажратиш ва айтишни билишни ривожлантириш.

□ Композицион кўникмаларни, қоғозни ўртасига тасвиrlарни жойлаштирушни ривожлантириш.

□ Техник кўникмаларни ўзлаштириш.

Бу гуруҳда тўғри ва эгри чизиқларни тўғри чизишга ўргатиш биринчи вазифа бўлиб қолади. Бунда турли чизиқларни турлича чапдан ўнгга, тепадан пастга, кесишган чизиқни чизишга ўргатилади. Буларни, масалан, тизимча, йўлакча, қалам, ёмғир шаклида чизиш мумкин. Икки кичик гуруҳ болаларига бир хил шаклдан (қорбобо, икки ёки уч айланадан иборат) ёки икки хил шаклдан иборат (қуйи битта айлана ва биргина тўғри чизиқдан иборат) бўлган предметларни анча қийин, чунки уч ёшли боланинг таҳлил синтез қилиб фикрлаши яхши ривожланмагани учун бу гуруҳ дастурида фақат икки хил шаклдан иборат бўлган предметни, масалан, (куёшнинг нурлари, арчанинг игначалари) тасвири киритилган. Шакл қанчалик мураккаблашса рангдан фойдаланиши ҳам шунчалик мураккаблашади. Болалар расмда аниқ предметларни тасвири учун шу предметга мос рангни ишлата олишни ўрганадилар. Масалан, қизил ранг байроқ, яшил ранг арча ва бошқалар.

## **Ўрта гуруҳда расм чизишга ўргатишнинг мазмуни ва вазифалари**

Бу гуруҳда ўргатишнинг вазифалари куйидагилар:

- Тўғри тўртбурчакли ва айланасимон шаклдаги предметларни тасвираш уларнинг тузилишини, асосий қисми ва қисмларини беришга ўргатиш.
- Рангдан бадиий ифодалаш воситаси сифатида фойдаланишга ўргатиш.
- Қоғоз марказида предметни жойлаштиришда композицион укувини билишда ривожлантириш.
- Расмни қалам ва бўёқ билан бўяшда техник кўникмаларни мустаҳкамлаш.

Бу гуруҳда болаларга ритмик жойлашган предметнинг қисмларини тасвираш ўргатилади - юқорида, пастда, бир томонда, бошқа томонда ҳамда бир қанча пропорционал жойлашган қисмларни тасвираш ўргатилади. Бу алоҳида қисмларни ўзаро солишиши ва таҳлил қилиш имконини беради. Масалан, Қорбобо ва арча 2 томонлама жойлашган новдалари билан. Бу гуруҳда тасвири қийин бўлган объект - одамни расмини чизиш машғулотларга киритилади. Одамни чизишдан олдин болалар соддароқ шаклларни, қорбобо, матрёшка, қўғирчоқларини чизиш эди.

**Катта гуруҳда расм чизишга ўргатишнинг мазмуни ва вазифалари.** Бу гуруҳда болаларни тасвирий ва ёрқин образларни яратиш қобилиятларини тасвираш турли усуллардан фойдаланиб чизишга ўргатилади. Куйидаги вазифалар бор:

- Предметнинг шаклини унинг белгиларини, ҳажмини ва қисмларининг жойлашишини ўргатишни давом эттириш.



- Расмда содда харакатларни тасвирашга ўргатиш.

- Ранг қобилиятларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

- Қалам (штрихлаш усуллари) ва бўёқлар, мўйқалам ҳаракатларининг усуллари билан ишлашда техник кўникмаларни ривожлантириш.

- Рангли бўрлар, кўмирлар, акварель бўёқ билан чизиш усулларини ўргатиш.

Бу ёшда болалар расмда бир хил предметни ўхшаш ва фарқли томонларини тасвираш ва топишга ўрганадилар. Масалан, 2та турли олмалар шакли ва ранги билан фарқланади ёки лавлаги билан турп, улар сабзавотлар учун умумий бўлган думалоқ шаклда. Бу гуруҳда болалар яна асосий спектр ранглари билан танишиб, расмда уларнинг чиройли турланишларини келтириб чиқаришни ўрганадилар. Болалар рангли қаламлардан ташқари оддий қора

қалам билан предметнинг умумий белгиларини чизиб олиш учун фойдаланадилар.

**Тайёрлов гурухида расм чизишга ўргатишнинг мазмунни ва вазифалари.** Бу гурухда тасвирлаш қобилиятига ва кўнималарга ўргатиш якунланади. Қуйидаги асосий вазифалар бор:

□ Натурадан ва тасаввур қилишдан предметнинг характерли белгилари тузилишини, ҳажмини тасвирлашга ўргатиш.

□ Шакл ва бўёқларнинг бойлиги тасвирлаб беришга ёркин образлар яратишга ўргатиш.

□ Композицион қобилияtlарни ривожлантириш (предметнинг ҳажми ва шаклсининг характерини ҳисобга олиб предметни қофозда жойлаштириш).

□ Ранг қобилияtlарини ривожлантириш (1 рангни турли хосила рангни бера олиш қобилияти).

□ Техник кўнималарни ривожлантириш (бўёқларни бошқачароқ бўёқ олиш учун аралаштириш, предмет шакли бўйича қаламда штрих ўтказиш).



Олти ёшли болаларда аналитик фикрлаш қобилияти яхши ривожланган бўлади.

Улардан турга мансуб предметлар белгисини ажратса олганликлари каби, уларнинг бир предметни бошқасидан ажратиб турувчи индивидуал хусусиятларини ҳам тасвирлай оладилар. Бу эса ижодий тасаввурни ривожлантиради.

### **Мактабгача таълим муассасасида мазмунли расм чизишга ўргатишнинг вазифалари**

Мазмунли расм чизишнинг асосий мақсади боланинг атроф-муҳитдан олган таассуротларини ифодалашга ўргатиши. Мазмунли расм-бу бир неча мазмуннинг маълум рангда тасвирланишини тушунилади. Болалар қайси мазмун бўйича расм чизадилар? Болалар кичик ҳикоя, эртак асосида ва болаларни ўраб турган теварак-атрофни, табиатни чизишга ҳаракат қиласидилар. Болалар томонидан чизилган «Биз таътилда» ва «Кеч куз» расмлари бунга мисол бўла олади. Болалар билан олиб бориладиган бундай машғулотлар уларнинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам беради. Бунда болаларнинг ақлий қобилияти ривожланади. Бу болада аста-секинлик билан ривожланади, шунинг учун мазмунли расм чизиш ўрта гуруҳдан бошлаб киритилган. Бунда ҳам ёнма-ён турган 2-3 та предметни тасвирий ўргатилади. Мазмунни тасвирлашда предметларнинг бир-биридан ажратиш учун унинг ўлчамини, фазодаги ўринларига қараб, предметларнинг катта ёки кичиклигини ўргатиш керак. Мактабгача ёшдаги бола учун предметлар орасидаги фазовий

муносабатларни фарқлай олиш жуда қийин. Мазмунли расм чизишни, ўргатишининг умумий вазифалари қуидагилар:

□ Мавзунинг мазмунини ифодалашга унинг асосини ажратишиг ўргатиши.

□ Объектлар орасидаги ўзаро алоқани тасвирлашиг ўргатиши.

□ Объектлар орасидаги пропорционал жойлашувни тасвирлашиг ва уларнинг фазодаги ўринларини кўрсатишиг ўргатиши.

**Ўрта гуруҳда мазмунли расм чизишга ўргатишининг мазмуни ва вазифалари.** Ўрта гурух болаларига расм машғулотлари асосан йил бошидан ўта бошланади, сабаби кичик гурух болаларига қараганда улар маълум мазмун асосида лўнда қилиб расм ишлай олиш қобилиятига эгадирлар. Болаларда расм чизиш малакасини ривожлантириш мақсадида 2-3 предметни кўрсатиши машқлари билан бошлиш мақсадга мувофиқдир. Расм ишлаш мазмуни қуидагилардир:

□ Мазмуни жиҳатдан бир-бирига ўхшаш 2-3 предметли расм чиздириши.

□ Бир неча предметларнинг жойланишини белгилаш.

Бола 4 ёшдан бошлаб предметларнинг ёнма-ён жойланишини одамларнинг кўринишини фақат олд томондан, ҳайвонларнинг кўринишини фақат ён томондан бир йўлда чиза олиш қобилиятига эгадирлар. Масалан: "Болаларниг қишки ўйинлари".

Ўрта гурухларда расм чизиш орқали болаларнинг оғзаки нутқини ўстириш билан уларни ўраб турган теварак-атроф билан ҳам танишириш мақсадга мувофиқдир. Бу ёшдаги болалар учун қуидаги расмларни тавсия қилиш мумкин:

□ "Қизча уй атрофидаги ўйнаяпти".

□ "Қиши, болалар қорбобо ясаяптилар".

□ "Бўғирсоқ", "Чипор товук".

Ўрта гурухдаги болалар расм чизишни фақат бир йўналишда чизишларидан ташқари бир варакни тўлдириб чизиш малакаларини ҳам ривожлантириб боради. Маълум нарсани кўриб тасаввур қилган ҳолда расм чизади, унинг ақлий қобилияти ривожланади, ўсиб боради. Ҳар бир машғулот болаларнинг ақлий, эстетик руҳда тарбиялашиг, жамоат ишларини бажара олишига асос бўлади. Бу машғулотларни ўтказиши асосан болаларнинг кузатувчанлиги асосида олиб борилади, шунда уларнинг оғзаки нутқи, мустақил фикрлай олиши, ҳар-хил мавзуларда расм чиза олиш кўникумлари ривожланади. Болаларида расм чизиш кўникумаси асосан оғзаки нутқ орқали амалга оширилади. Масалан: бола биронта қиз, уй расмларини чизиб, унга кичик эртак ҳам тўқиши мумкин. Маълум мақсадли расм болага кўрсатилаётганда аниқ мақсадга эга бўлиши керак. Бола кўрсатилаётган расмни аниқ кўриб чиза олади, лекин уни ён томонини, устини чизишни билмаслиги

мумкин. Ишланган расмлар намунасидан қуидагиларга алоҳида эътибор беришларини эслатиш керак. Масалан: предметларнинг пропорционал, симметрик жойланганлиги уйлар, дараҳтлар, самолётнинг парвоз қилаётганини чиздириш орқали болаларда таҳлил-синтез усулидан фойдаланиш муҳимдир. Юқорида қайд қилинганидек, қуидагиларга аҳамият бериш керак:

- Мавзунинг мазмuni аниқ бўлишига;
- Объектлар орасидаги боғланишга;
- Маълум мақсадга йўналтирилган мавзу бўлишига эътибор бериш керак.

Бу ёшдаги болаларга рангли қоғозлар берилиб мақсад айтилади. Масалан, бола



кўк рангда-ўтларни, ҳаво рангда-сув, сариқ рангда-қум кўринишида тасвирлай оладилар. Масалан, “Балиқлар сузяпти”, “Жўжалар ўт устида ўйнайтилар”ни кўрсатиш. Болаларнинг ақлий қобилиятларини текшириш мақсадида тарбиячи бир предмет ёки жисмни кўрсатиб унинг варақ устида жойланишини

сўроқлар берган ҳолда сухбат орқали аниқ мақсад асосида расм чиздириш керак. Бунда албатта тарбиячининг билимдонлиги катта маҳорат талаб қиласи. Болаларнинг бир ярим йилда чизишган расмлари ўлчовлари асосан бир хил бола чизган расмларини паст ва баландлигини кўрсатиш ва фарқини тушунтириш лозимдир. Тўрт ёшли болаларда расм чизиш кўнижмалари ўсиб боради, улар катталар чизган расмларни томоша қилган ҳолда тақлид қилиб расм чизишга урина бошлайдилар. Хоҳ ота-она, хоҳ тарбиячи бола томонидан чизилган расмларни бола олдида баҳолаши керак. Болалар ўртоқларининг чизган расмларини яхши, ёмон ва хатоларини кўрсатишлари керак.

Қуидаги вазифалари бор:

- Бир-бирига мазмунан боғлиқ 2-3 та предметни тасвирлашга ўргатиш.
- Композицион қобилиятларни ўстириш (1 та чизиқда бир нечта предметни жойлаштириш ёки ёнма-ён ёки бутун варақда осмон ва ерни чизиш). Болаларга бериладиган мавзулар қийин эмас: уй, уйнинг ёнида дараҳти ўсяпти, скамейка турибди; уй ёки дараҳт ёнида қизча сайр қилиб юрибди, ўтлокда жўжалар сайр қилишяпти; ўт, гуллар, қуёш нур сочяпти. Бу расмларда мазмунли ривожланишини болалар кўрсатишмайди. Болалар 2-3 предметни ёнма-ён чизишади. улар орасида ҳеч қандай ҳаракат боғланмаган.

**Катта гурухда мазмунли расм чизишга ўргатишнинг мазмuni ва вазифалари.** Бола беш ёшдан бошлаб маълум мавзудаги расмларни чиза олиш қобилиятига эга бўлади. У теварак-атрофни ўзгаришларини тасаввур қила

олади ва чизишга ҳаракат қиласи. Бу ёшдаги болаларга қуйидаги мавзудаги расмлар чизиш тавсия қилинади:

“Болаларнинг қишиги йийилари”.

“Боғчада сенга нималар қизиқарли, шуларни чиз”.

“Мен онамга гулдаста совға қиляпман”.

“Курувчилик янги уй қуряптилар”

“Она болани боғчага олиб кетяпти”

“Болалар қорбобо ясаяптилар”.

Катта гурухдаги болалар бадиий асарлардан олинган таассуротлари асосида ва эртак мазмунини тушунган ҳолда қуйидаги мавзуда расм чиза оладилар. Масалан, “Икки очкўз айикча”, “Айёр тулки ва кулранг бўри”, “Мушук, хўроз ва тулки” ва бошқалар. Бу чиздирилган расмлар аниқ ва конкрет масалада бўлишига аҳамият бериш керак. Масалан, “14 январь - Ватан ҳимоячилари куни”, “8 март-Оналар байрами”, “21 март-Наврӯз байрами”. Катта гурухда ўтказиладиган расм машғулотлари қизиқарли, саволларга жавоб олган ҳолда, асарда қатнашаётган ҳар бир персонажга тавсиф берган ҳолда рангларни танлай олиш ва вараққа жойлаштириш вазифаларини белгилаш керак. Болалар томонидан ишланаётган ҳар бир расмда предметларнинг ҳажми, ўлчовларини чамалаш билан бирга ўзок-яқин, олдинма-кетин, устма-уст, кетма-кет жойлаш мумкинлигини тушунтириш керак. Бу ёшдаги болалар айниқса эртак мультфильмларни томоша қилишни яхши кўрганликлари сабабли шу мавзудаги расмлар чизишни яхши кўрадилар. Бола расм чизишни варақнинг энг четидан бошлаб чизиш билан бирга предметларни жойланисини кўрсатиши керак ва бўёқларни танлай олиши ҳам мухим аҳамиятга эгадир. Болани расм машғулотига тайёрлаш учун унга керакли расм анжомларини ҳозирлаган ҳолда, биронта куй эшиттириб акварел бўёқ бериб маълум мавзу ва мақсад асосида расм чизиш ишини бошлаш лозим.



5-6 ёшли болалар расмларининг мазмуни анча бой бўлади. Бунда болалар фақат предметларни чизишмайди, балки предметларнинг атрофдаги шароитни ҳам тасвирлайди.

Қуйидаги вазифалари бор:

Объектлар орасидаги ўзаро мазмунан боғлиқликни тасвирлашга ўргатиш.

Композицион қобилиятларни ривожлантириш (бунда қофозда горизонтал чизигини белгилаб чизиш).

- Ранг қобилиятларини ривожлантириш.

Бу ёшдаги болаларда ҳар бир мавзунинг мазмунин олдиндан конкрет аниқланган бўлиши керак. Уларга масалан, “Байрам” мавзусини бериш керакмас, чунки бола ё мавзуга алоқадор бўлмаган нарсани чизиш, ё ўзининг имкониятига тўғри келмайдиган, кучи етмайдиган масалани қўйиш мумкин.

**Тайёрлов гуруҳда сюжетли расм чизишга ўргатишининг мазмуни ва вазифалари.** Катта гуруҳда болалар орқали эгалланган кўникма ва малакалар тарбиячига 6-7 ёшли болага ўргатиш вазифаларини мураккаблаштириши имкониятини беради. Бунинг учун қўйидагилар керак:

□ берилган мавзу бўйича расмларнинг сюжетини бойитиш ва болаларга сюжетни мустақил ҳолда аниқлашга ўргатиш;

□ ҳаракат натижасида предметнинг шаклини ўзгартиришга ўргатиши (масалан, энгashiшни, югуришни);

□ композицион қобилиятларни ривожлантириш; предметларнинг жойлашиши, яқиндагиларни қоғознинг пастга, узоқдагиларни тепасига (ҳажмларини ўзгартирмаслик). Ранг қобилиятларини ривожлантириш мустақил ҳолда сюжетга мос рангни беришга ўргатиш. Бу ёшда болаларнинг аналитик фикрлаши яхши ривожлангани учун тарбиячига берилган мавзуга мос мазмунни мустақил ҳолда танлашга болаларга имконият яратиб беради. Масалан, “Уй қуриш” мавзуси бўлса, болалар ўzlари қанақа уй, ким қуряпти, қаерда каби саволларга жавоб берадилар. Болалар ҳаракатдаги предметнинг шакли ўзгаришини билишади шу ўзгартиришларни тасвирлай оладилар.

### **Мактабгача таълим муассасасида декоратив расм чизишга ўргатишининг вазифалари**

Декоратив расм чизиш тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари каби болада эстетик туйгуни ривожлантиради. Болаларни халқ амалий санъати намуналари билан таништиришда тарбиячи уларда ватанпарварлик рухини шу санъат асарларини яратадиган одамларнинг меҳнатига хурмат каби туйғуларни тарбиялаш керак.

Декоратив расм чизиш қўйидаги умумий вазифаларни ўз ичига олади.

□ Нақшнинг турлича шаклларини боғлиқ ҳолда композицион ҳисни болаларда шакллантириш.

- Ранг қобилиятларини ривожлантириш.

□ Халқ амалий санъатининг стилларининг фарқлашга ва уларнинг алоҳида элементларини болаларнинг ўз ижодида фойдаланишга ўргатиш.

□ Қалам ва мўйқалам билан чизишнинг техник кўникмаларини мустаҳкамлаш. Болаларни декоратив расм чизишга ўргата туриб, педагог болаларда бутун нақш компонентлари, ранглари, композициялари, шакл

элементлари ўртасидаги боғлиқликни кўра олиш малакасини ривожлантириши зарур. Бола предметни шаклига ва нима мақсадда ишлатилишига қараб, уни безайдиган орнаменти, нақши ўзгаришини ҳис қилиши ва албатта, тушуниши зарур. Шундан келиб чиқсан ҳолда, у нақш билан безашнинг аҳамиятини, мақсадга мувофиқлигини, шакл билан мазмун ўртасидаги боғлиқликни билиб, тушуниб боради. Болаларни декоратив расм чизиш билан таништира туриб, ритм нима ва симметрия нималиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ўргатиш зарур. Чунки декоратив санъат олами ритм ва симметриясиз мавжуд бўла олмайди. Декоратив расм чизишида асосий вазифалардан бири – рангни ҳис қилишни ривожлантиришдир. Ранг – нақш орнаментида композиция билан чамбарчас боғланган, нақш безагида уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Мактабгача ёшдаги болалар рангларнинг бир-бирига мос келиб уйғунлашишининг барчасини ўзлаштира олмайдилар. Лекин, ранг хисси уларда боғчагача бўлган ёшдан бошлаб ривожлана бошлайди. Декоратив расмда ранглардан фойдаланиш вазифаси ҳар бир групда мураккаблашиб боради: ёрқин, контраст рангларнинг мослашувидан бошлаб, илиқ ва совуқ ранглар жилоси (оттенок) нинг турли уйғунлашувига қадар. Бу вазифани амалга оширишни болалар энг содда тасвирий шаклларни чизишни ўрганиб бўлганларидан кейингина, болалар диққатини янги вазифага концентрациялаш, яъни қаратиш лозимдир: бу – шу оддий - содда шаклларни нақш ҳосил қилиш учун маълум бир кетма-кетлиқда жойлаштиришдир.

Бошлангич тасвиirlаш кўникмаларга болалар биринчи ва иккинчи кичик групда эга бўладилар. Иккинчи кичик групда айрим вазифалар декоратив характерга эга. Масалан: “Рўмолчанинг четини чизиқлар билан беза”. Лекин бундай машғулотнинг асосий мақсади – нақш ҳосил қилиш эмас, тўғри чизиқларни турли йўналишда ўтказиш малакасини мустаҳкамлашдир.

**Ўрта групда декоратив расм чизишга ўргатишнинг мазмуни ва вазифалари.** Декоратив расм чизиш болаларга 4 ёшдан бошлаб ўргатилади. Ўрта групда декоратив расм чизишга ўргатишнинг вазифалари қуйидагилар:

- Чизикда, квадратда, доирада шаклларни ритмик жойлаштиришнинг композицион малакасини ривожлантириш;
- Ранглар ҳиссини ривожлантириш, яъни контраст, ёрқин рангларни чиройли мослаштириш;
- Турли йирик ва майдада шаклларни – нақшнинг содда элементларини чиза олиш малакасини ривожлантириш;



- Мўйқаламдан фойдаланишнинг техник кўникмаларини ривожлантириш, қоғозга енгил текказиб, нуқталар ҳосил қилиш;
- Мўйқаламнинг бошчасидан тўғри чизиқлар ўтказишда ҳамда доғчалар ҳосил қилиш усулида мўйқаламдан тўлиқ фойдаланиш; ранг – нақш орнаментида композиция билан чамбарчас боғланган, нақш безагида уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Мактабгача ёшдаги болалар рангларнинг бир-бирига мос келиб, уйғунлашишини албатта, барчасини ўзлаштира олмайдилар. Лекин, ранг ҳисси уларда боғчагача бўлган ёшдан бошлаб ривожлана бошлайди. Декоратив расмда ранглардан фойдаланиш вазифаси ҳар бир грухда мураккаблашиб боради: ёрқин, контраст рангларнинг мослашувидан бошлаб, илиқ ва совуқ ранглар жилоси (оттенок) нинг турли уйғунлашувига қадар. Бу вазифани амалга оширишни болалар энг содда тасвирий шаклларни чизишни ўрганиб бўлганларидан кейингина, болалар диққатини янги вазифага концентрациялаш, яъни қаратиш лозимдир: бу–шу оддий–содда шаклларни нақш ҳосил қилиш учун маълум бир кетма–кетликда жойлаштиришдир.

Бошланғич тасвирлаш кўникмаларга болалар биринчи ва иккинчи кичик грухда эга бўладилар. Иккинчи кичик грухда айрим вазифалар декоратив характерга эга. Масалан: «Рўмолчанинг четини чизиқлар билан беза». Лекин бундай машғулотнинг асосий мақсади – нақш ҳосил қилиш эмас, тўғри чизиқларни турли йўналишда ўтказиш малакасини мустаҳкамлашдир.

**Ўрта грухда декоратив расм чизишга ўргатишнинг мазмуни ва вазифалари.** Декоратив расм чизиш болаларга 4 ёшдан бошлаб ўргатилади. Ўрта грухда декоратив расм чизишга ўргатишнинг вазифалари қуйидагилар:

- чизиқда, квадратда, доирада шаклларни ритмик жойлаштиришнинг композицион малакасини ривожлантириш;
- ранглар ҳиссини ривожлантириш, яъни контраст, ёрқин рангларни чиройли мослаштириш;
- турли йирик ва майда шаклларни – нақшнинг содда элементларини чиза олиш малакасини ривожлантириш;
- мўйқаламдан фойдаланишнинг техник кўникмаларини ривожлантириш, қоғозга енгил текказиб, нуқталар ҳосил қилиш;
- мўйқаламнинг бошчасидан тўғри чизиқлар ўтказишда, ҳамда доғчалар ҳосил қилиш усулида мўйқаламдан тўлиқ фойдаланиш;
- ўрта грухда декоратив расм чизишнинг композицион вазифаси тайёр шаклларни елимлашга ўхшашиб. Бошланғич машғулотларда, болалар мўйқалам билан текис чизиқлар чизиб, уларнинг орасида мўйқалам ёрдамида доғчалар ҳосил қилишни, нуқталар ҳосил қилишни ўрганадилар. Бунда

доғчаларнинг рангларини ва нақш мураккаблашган сари, ўрнини ўзгартирадилар. Мўйқалам ёрдамида доғчалар ҳосил қилиш усули (мазок) бажариш учун енгил бўлган декоратив элементdir. Бу аниқ бир ҳаракатни талаб қилмайди ва мўйқаламни қоғозга ботириб олишдан ҳосил бўлади. Шунинг учун нақш чизишда аввал ботириб олиш усули киритилади, сўнг нуқта ҳосил қилиш усули киритилади. Нуқта ҳосил қилиш мўйқалам билан ишлашда янги усулни талаб қиласди: мўйқаламни вертикал ҳолатда ушлаш лозим, шу билан бирга болада координацион ҳаракат етарлича ривожланган бўлиши керак, чунки мўйқалам қоғозга фақатгина уни билангина теккизилади. Бошланғич расмларнинг композицияси ҳам соддадир: биргина элементни ритмик қайтариб, нақш чизиш. Фақатгина инсонлар учун хос бўлган қўлнинг ритмик ҳаракати ана шу машқларни қайтаришни енгиллаштиради ва тасвирий шаклдаги ритмни етказиб беришга ёрдам беради.



Алмашинув – композициянинг мураккаблашган усулидир. Чунки у бир нечта шаклларнинг ўзаро мослашувига асосланади. Ўрта гурухдаги болалар учун иккитагина элементни шакли ва ранги билан навбатма-навбат алмаштириш етарли бўлади. Дастурдаги материалнинг мукаммаллашиб бориши мураккаброқ композиция билан нақшда янги тасвирий элементларни киритиш ҳисобидан ҳосил бўлади. Нуқталар чизиш ва мўйқаламни ботириб олиш усулидан ташқари, болалар нақшда доирачалар, халқалардан фойдаланиб чизишни ўрганадилар. Бу элементларни болалар кичик гурухларда тасвирлашни ўрганганлар. Декоратив расмда бу шаклларни чизиш анча ўзгаради: улар анча кичик ҳажмда, чизаётганда шакллар бир-бирига ҳажми жиҳатдан мос бўлиши керак; ундан ташқари, бу шакллар предмет образи билан боғлиқ эмас, бу албатта бола учун тасвирий жараённи мураккаблаштиради. Болалар яна нақшни фақат бир чизикда эмас, балки тўртбурчак шаклида, доирада ҳам жойлаштиришни ўрганадилар. Бу шакллар нақшда бошқа композицияни талаб қиласди. Квадратда, тўғри чизикда



жойлаштирилган нақшни чизиш ярамайди, чунки квадратнинг тўртта томони, бурчаги, маркази мавжуд; доирада эса марказ билан чекка айлана чегараси бор.

Куйидаги вазифаларни ўз ичига олади.

- Айлана, квадрат, тўғри тўртбурчак ичига нақш чизишда шаклларнинг ритмик жойлаштиришда қўлланадиган композицион қобилиятни ривожлантириш.

- Ранг қобилиятини ривожлантириш, контраст рангларни мос ҳолда ишлатишни ўргатиш.

- Нақшнинг оддий элементларини чизишга ўргатиш.

- Мўйқаламдан фойдаланишнинг техник кўникумларини ривожлантириш (қоғозда енгил юрғизиш, нуқталар қўйиш, чизиқлар чизаётганда мўйқаламнинг бутун усти билан чизиш).

- Аввал болалар мўйқалам билан тўғри чизиқларни чизишни ва уларни орасига нуқталар қўйиши, рангларни кетма-кет алмаштириб чизишни ўргатадилар. Ундан ташқари болалар, думалоқ ва айлана шаклларни чизишга ўрганадилар.

**Катта гурухда декоратив расм чизишга ўргатишнинг мазмуни ва вазифалари.** Беш ёшдаги болалар учун декоратив расмда анча мураккаброқ топшириқларни бериш мумкин. Чунки бу ёшда болаларнинг эстетик ҳиссиётларининг ривожланиш даражаси анча юқоридир. Болаларга қуйидагиларни ўргатиш зарур:

- Қоғоз шаклига ёки ҳажмли предметга нисбатан нақшни симметрик жойлаштириш;


- Нақшда турли хил тўғри, доирасимон чизиқлардан, шакллардан ҳамда ўсимлик элементларидан фойдаланиш;

- Асос (фон)га нисбатан рангларнинг чиройли мослашувини топиш;

- Мўйқаламдан маҳорат билан фойдаланиш (учи билан чизиш, бошчаси билан тўлиқ чизиш, мўйқаламни турли йўналишда ҳаракатлантира олиш). Бошланғич машғулотларда ўрта гурухда ҳосил қилинган малакалар мустаҳкамланади. Улар қуйидагилардан иборат: турли шаклларда мўйқалам ёрдамида тўғри чизиқ чизиш, ботириб олиш усули билан чизиш, нуқталар



чишиш. Бу - ўрта гурӯҳ материалини оддийгина қайтариш эмас. Болаларнинг ихтиёрига бир неча хил ранглар ҳамда нақшда бир-бирига мослашадиган элементларнинг турли ҳажмлари ҳавола қилинади. Йилнинг бошида болаларга доира ичидаги нақшни чизишнинг янгича усули ўргатилади, яъни марказ ҳамда концентрик айланада бўйлаб симметрик элементлар чизилади. Доира ва квадратдан ташқари нақшни тузиш учун болаларга овал, учбурчак, розета (тўпбаргул шаклидаги безак), олтибурчак каби шакллар берилади.



Катта гурӯҳда композицион усул сифатида элементларни навбат билан алмашиб чизиш принципидан фойдаланилади; бундай усул нақшни янада декоративлаштиради. Навбат билан алмашиб чизишда нақш ўз ичига турли хил шаклдаги ва рангдаги 2-3 хил элементни олиши мумкин. Нақшнинг безак элементи сифатида болалар турли чизик шаклларидан (энли ва энсиз чизиклар, ботириб олиб чизиш, нуқталар, доирачалар, айланалар чизиш) ва мураккаброқ бўлган – ўсимлик шакллари (барглар, мевалар, гуллар) дан фойдаланишни ўрганадилар. Бундай ўсимлик шаклидаги элементларни бир неча марта қайтариб чизиш болалар учун анча мураккаблик қиласи. Болаларга яна мўйқаламдан фойдаланишнинг янгича усули кўрсатиб берилади, яъни қоғозга мўйқаламни ён томони билан ботириб олиш усулидир. Бундай ботириб олиш натижасида ҳосил бўладиган босмалар барг шаклида бўлади ва улардан гулларнинг, баргларнинг нақшини чизишда фойдаланиш мумкин. (мўйқаламнинг рақамини инобатга олган ҳолда: № 3, № 5, № 6.)

Катта гурӯҳда болалар рангли фонга мослаштирган ҳолда турли ранглар жилосидан фойдаланишни ўрганадилар. Декоратив расмда мазмунли расмга нисбатан фоннинг ранги жуда ҳам турли хил бўлиши мумкин. Ёрқин рангларнинг мослашувидан ташқари, болалар рангларнинг чиройини маълум бир ранглар мажмуи (гамма) да (кўк, ҳаво ранг, оқ, қизил, олов ранг, сариқ ва ҳоказолар) кўришни ўрганадилар. Болалар бир хил рангдаги, сидирға нақшларни ҳис қилиш лаёқатига эгалар. Масалан: қор парчасининг нақши, турнинг жимжимадор нақши. Катта гурӯҳда болаларни ҳажмли буюмларда нақшларни ҳосил қилишга ўргатилади. Бундай расм чизишнинг мураккаблиги шундаки, нақш композициясини



кузатиш қийин, негаки чизувчи уни қисман кўра олади ва нақш элементларининг шакли буюмнинг юзаси қавариқлигидан озмунча ўзгаради. Масалан: қўзани ёки бирор ўйинчоқни безатиш. Шунинг учун болаларга нақш билан безаш учун бериладиган ҳажмли буюмлар содда шаклга эга бўлиши керак.

Масалан: Ҳамро буви ўйинчоқлари намунаси асосида лойдан ясалган – қушлар, отлар. Ҳамро буви ўйинчоқларининг нақши содда ва ритмиқдир – турли кенгликдаги тўғри ва тўлқинсимон чизиклар билан нуқталарнинг, доирачаларнинг, халқачаларнинг мослашувидан иборат. Бу орнаментлар ранги жиҳатдан оқ фоннинг бир неча асосий ёрқин ранглар билан оддий контраст (кескин) мослашувини беради.

Болаларни қуидаги вазифаларга ўргатиш керак.



- Варақнинг шаклига мос қилиб нақшни симметрик чизиш.
- Нақшда турли тўғри, эгри чизик ва шакллардан ўсимлик элементларидан



фойдаланиш.

- Фондан келиб чиқиб, рангларнинг турли жилоларидан фойдаланиш.
- Мўйқалам билан ишлаш (учи билан, бутун учи билан, турли йўналишларда эркин ҳаракатлантириш).

Болалар тўғри тўртбурчакка, айланага, квадратга нақшни чизишни ўрганиб борадилар. Булардан ташқари овал, учбурчак ва олтибурчак ичига нақш чизишни ўрганади.

**Тайёрлов гурухда декоратив расм чизишига ўргатишнинг мазмани ва вазифалари.** Олти ёшдаги болаларни декоратив расм чизишига ўргатиш вазифалари қўйидагича:


- Композициялаш ҳиссини ривожлантириш: ясси ва ҳажмли шаклларда предметнинг аҳамиятлилигига ва белгиланган мақсадига нисбатан нақшларни тузиш.

- Ранглар ҳиссини ривожлантириш: турли хилдаги ранглардан, уларнинг нозик ранг жилоси (оттенок) дан турли мослашувларда фойдаланиш.(Қизил-пушти ранг; кўк-мовий ранг; яшил-оч яшил ранг; қора-кул ранг).

-Халқ декоратив нақшларининг турли кўринишларининг аҳамиятини кўра олишни ўргатиш; расмларда халқ нақшининг алоҳида элементларидан фойдаланиш;

-Қалам ва бўёқлар билан чизиш техник кўнималарини такомиллаштириш.

Мактабга тайёрлов гурухига юмалоқ тўғри бурчакли шаклларда нақш чизишининг асосий принциплари билан таниш бўлган болалар келади. Уларга янги шакллар – тўғри тўртбурчак ва кўпбурчак, ҳамда турли хилдаги ясси шаклли предметлар – вазалар, кўза (кувшин) лар, пиёла (чашка) лар, қўлқоплар, шапкалар ва ҳоказолар тавсия қилинади. Бу предметлар тўғри геометрик шаклга эга эмас, ва уларда нақш чизиш турли принциплардан фойдаланиши талаб қиласи. (Масалан: кўзача бўйининг четига-чизиқли орнамент (нақш) чизилса, юмалоқ қисми эса-марказда чизиладиган нақшдан фойдаланилади). Ундан ташқари симметрия ҳақидаги тушунча ҳам мураккаблашади. Бир хил шаклни чап ва ўнг томонга жойлаштириш билан танишадилар. Ундан сўнг болалар тўрсимон безак принципи асосида бир турдаги нақш билан-элементларни шахмат кетма-кетлигида қайтариб, галма-гал чизиш билан бутун шаклни тўлдириш усулини эгаллайдилар. Болалар матолар учун, қўғирчоқнинг кўйлаги учун турли нақшларни чизадилар. Учбурчакдаги нақш фақат четларида, бурчакларида бўлмай, балки бир бурчакдан бошланиб, бутун учбурчак бўйлаб тарқалиши мумкин. Бундай ҳолларда тенг томонли учбурчак шакли эмас, балки ён томонлари тенг бўлиб, тугри ёки утмас бурчакли учбурчак шакли олинади. Болалар уларда учбурчак шаклга эга бўлган рўмолча нақшини чизадилар. Нақшни чизиш учун болалар турли табиий шакллардан (ўсимликлар, ҳайвонлар) фойдалана бошлайдилар. Мактабга тайёрлов гурух болалари халқ декоратив нақш безакларининг элементларидан ўз нақшларида фойдаланишлари мумкин. Бунда асосий усул сақланиб қолиши керак. Тарбиячи болаларни халқ санъатининг намуналарига қараб, нақш жимжималарини, майда ва йирик шаклларни ўзаро мослаштиришни, уларни ўтсимон безак билан безашни, берилган нақшга ҳос равишда ранглардан маълум мослашувда фойдаланишни ўргатади. Хамро буви уйинчоклари намунасида лойдан ясалган



ўйинчоқларни безащдан ташқари, болалар яна папье-машедан ясалган катта-кичик ликобчаларни, пиёлаларни нақшлар билан безашлари мумкин.

Тайёрлов гурухда болалар фақат бўёқдан эмас, балки рангли қаламлардан ҳам фойдаланишни ўрганадилар. Кичикроқ гурухларда рангли қаламлардан фақат мазмунли расм машғулотларида фойдаланилар эди, чунки болалар қалам билан керакли рангларни меъёрига етказа олмасдилар; бу эса декоратив расмда жуда катта аҳамиятга эга. Озода, бир текисда ёрқин штрихлаш каби техник қийинчиликлар кўпгина диққатларини ва кучларини олиб қўяр эди.

Тайёрлов гурухидаги болаларда маълум кўнималар мавжуд бўлиб, улар қаламдан турли ранг жилоларини ҳосил қила оладилар. Масалан: гулнинг ҳар бир гулбаргини марказдан қалам билан турли хил босимда штрихланади. Болалар фақат ёрқин рангларнинг мослашув гўзаллигини эмас, балки нозик, сокин ва бир вақтнинг ўзида кўзлар учун ёкимли бўлган рангларнинг гўзаллигини кўришга ўрганадилар. Тайёрлов гурухида бу вазифа қалам ҳамда бўёқлар билан чизишда хал қилинади. Декоратив расмда барча гурухларда фақатгина гуашъдан фойдаланилади, чунки гуашъда бир ранг устига бошқа ранг билан чизиш имкони бор; декоратив расмда кўпинча бундай устма-уст чизиш талаб қилинади ва акварель бўёқ бундай имконга эга эмас.

### **Назорат саволлари**

- 1.Расм чизишга изоҳ беринг.
2. Мактабгача таълим муассасасида расм чизиш турлари ҳақида маълумот беринг.
- 3.Мактабгача ёшдаги болаларни расм чизишга ўргатишда машғулот тузилмасига изоҳ беринг.
4. Кичик гурухда ўргатишнинг мазмuni ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Такомилластирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.
2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014
4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда апликация машғулотлари. Т., 2014.

5. Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007
6. Сакулина Н.П. Рисунок, аппликация, работа с глиной в детском саду. М.: Просвещение. 1993.
7. Джалаева Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
8. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А- Приор, 2010.
9. Ишмуҳамедов Р., ва бошқ. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учунамалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
10. Хасанова Ш.Т.Эстетик тарбия методикаси..Маъruzалар матни Низомий номли ТДПУ., 2014.

**5-мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида лой иши машғулотлари. (2 соат)**

Режа.

1. Моделлаштириш-бадиий ижодиётнинг аниқ шакли.
2. Лой ишида қўлланиладиган усуллар.
3. Моделлаштириш техникаси.

**Таянч тушуунчалар:** модельяштириши, конструктив услуг, ҳайкалтарошлик услуги.

Пластилин, лой иши, чинни хамир тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлик ва амалий санъатнинг муҳим турларидан бўлган кулолчилик, сополдўзлик халқ ҳунармандчилиги санъатлари билан мустаҳкам боғлиқдир.

**Моделлаштириш** - бадиий ижодиётнинг энг аниқ шаклидир. Бола яратган нарсанини нафакат кўради, қўлига олади, пайпаслайди, керак бўлса ўзгратиради. Моделлаштиришнинг асосий асбоби қайчи, қалам, мўйқалам эмас балки қўлдир, тўғрироғи икки қўлидир, шу сабабли маҳорат даражаси ўз қўлларнинг эгалик даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, модельяштириш техникаси оддий, содда ва ўзини ривожлантириш учун энг қулай восита деб ҳисоблаш мумкин.

Моделлаштириш, яъни лой иши машғулотлари, бола ривожланишида комплекс таъсир этади:


- Шакл, ҳажм, пластик, рангни идрок этиш ҳиссиётини, сенсор сезувчанлигини ривожлантиради;

- Майда қўл моторикасини, фазовий таффакурни ва тасаввурни ривожлантиради;
- иккала қўл ишини синхронлаштиради;
- ишни режалаштириш, амалга ошириш, натижани башоратлаш ва унга эришиш, керак бўлса ўзгартириш киритиш ишларида кўникма, малакалари шаклланади;

### **Лой ишида қўлланиладиган усуллар**

1. Юмалоқлик – бир бўлак лойдан кафтда айлана ҳаракатлар билан шар ясалади.
2. Шар ясаш, сўнгра узунасига ҳаракатлар билан уни тухум, устун кабиларга айлантириш.
3. Яссилаш – шарикдан яssi non ясалади, қўлнинг ҳолати доимо ўзгариб туради.
4. Чўзиш – шарикнинг бир қисми чўзилади.
5. Суриш (ямаш) буюмнинг айрим қисмларини ўзаро бириктириш.

Лой билан ишлаш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда иш жойини бекаму-кўст жиҳозланганлиги муҳим аҳамиятга.



### **МОДЕЛЛАШТИРИШ ТЕХНИКАСИ**

Моделлаштириш техникасининг усул ва методларнинг хилма-хил, ранг-баранглигига қарамай мактабгача ёшдаги болалар осон эгаллаб олишади.

#### **Конструктив услуб**

Моделлаштиришнинг бу услуби конструктор қисмларидан каби алоҳида қисмлардан яратилади (номи ҳам шундан келиб чиқсан).



Тарбиячи даставвал болаларнинг дикқатини ўша предметнинг йирик қисмларига, унинг майда қисмларига, шаклига, рангига жалб этади. Даствлабки машғулотларда тарбиячи тасвирлашнинг техник үсулларини кўрсатиб тушунтириб беради.

Шунингдек,

тарбиячи болаларни лойдан нарсалар ясашда кўпроқ ўйин үсулларадан фойдаланади. Бу грухда лой машғулотлари предметли характерга эга бўлади, яъни болалар алоҳида, якка предметларни ясадилар, бу грухда болалар ишига ёки фаолтятига баҳо бериш ҳам муҳим үсуллардан ҳисобланади. Тарбиячи албатта болаларни, улар қандай ишлаганларини ва ишни қандай бажарганларини айтиб ўтиш лозим.



Бола ўйлаб топган образни тасаввур қилиб, қандай қисмлардан иборатлигини аниқлаштириб, ясади. Конструкторлик услуби билан болалар 2-З ёшдан бошлаб ясашни бошлайдилар ва кўпинча ўзларига бу “янгиликни” мустақил “очишади”.

Кўп ҳолларда кичик ёшдаги болаларда моделлаштириш қуидаги варианларда намоён бўлади:



- иккита бир хил шаклни бирлаштириш (мунчоқ, девор);
- ўхшаш, аммо турли ҳажмдаги шаклларни бирлаштириш (халқачалар, пирамида, қорбобо, сарак-сарак қўғирчоқ, минора);
- турли шаклларни бирлаштириш (қўзиқорин, капалак, қуш)



### Ҳайкалтарошлиқ услуби

Бу услубни яна пластик ёки бутун бўлақдан моделлаштириш деб аташади. Болаларни лой бўлагининг майда қисмларини



чўзиб чиқаришга, бармоқ билан чуқурча ҳосил қилишга, буклашга, биритирилган қисмини маҳкам қилиб ёпиширишга ўрганадилар. Чимдиг чнқаришга болалар жўжа, қушларни ясашда ўрганадилар. Шу жараёнда болалар предметларни, уларнинг қисмларини, шакл

каттали жиҳатдан таққослашга ўрганадилар. Масалан: балиқни олдин танасини овал шаклида ясаб оладилар, сўнг балиқнинг бир томонини салгина чўзиб ва думалоқлаб, бошини, қарама-қарши томонини кўпроқ чўзиб чиқариб, япалоқлаб, унинг думини ясайдилар, сузгичларини чимдиг чиқарадилар. Шунингдек болалар лой бўлагини бир неча бўлакка бўлишга ўрганадилар. Масалан, қушни ясашда юқоридагилардан ташқари идишлар ясашга ўрганадилар. Улар идишларни якка усулда: яъни юмaloқсимон ва цилидрсимон шаклларни бармоқ билан босиб чуқурча ҳосил қилиш, бандини эса алоҳида лой бўлагидан ёки асосий лой бўлагидан чўзиб чиқариб ясаш мумкин. Болалар олган билим ва малакаларни ўстириб мустаҳкамлайдилар. Болалар тарбиячи билан бирга типратикан, сичқон, мева солинган идишча, қўзиқорин солинган саватча кабиларни ҳам лойдан ясашга ўргатиб боради. болалар бошлаган ишларини охирига етказишга мустақил ишлашга, ўз ишларини янги қисмлар билан бойитиб боришга ўрганадилар.

### Комбинациялашган услуг

Бу услуг иккита услугини ўз ичига олади: конструкциялаш ва ҳайкалтарошлиқ услублариdir. Бола ҳаётининг 6-чи йилида унинг теваракатроф ҳақидаги билимлари, турмуш тажрибаси кенгая боради. Унинг қўл мускуллари мустаҳкамланиб тараққий этади. У кўл бармоқлари билан нозик ҳаракатларни бажара оладиган бўлади. Унинг психикасида ҳам сифат ўзгариши юз беради. Хотираси ўсади, барқарор бўлади, диққат ҳам тобора барқарор бўлади. Болалар олдин предметни ясашда унинг қисмларини ва қисмларнинг шакли, унинг хусусиятларини аниқ тасаввур эта оладилар. Шу билан биргаликда болалар предметларни кўпроқ ҳаракатда тасвирлашга ҳаракат қиласадилар. Болаларни лой ишларига ўргатишда қўйидаги вазифалар туради: предмет шаклини, пропорциясини, унинг тузилишини, характерли қисмларини



Основные способы лепки:  
а – конструктивный; б – скульптурный; в – комбинированный

ва  
ҳаракатини  
тасвир этиш  
ва  
бошқалард  
ир. Болалар  
идишлар  
ясаб, сўнг



уни бўядилар, декоратив пластинкалар ясаб уларни безайдилар. Бу грухда болалар сюжет мазмун асосида яшлайдилар. Техник усуллар ҳам бу грухда мураккаблашади. 4 ёшли болалар қисмлардан ясашса, 5-6 ёшга келиб бутун бир лой бўлагидан ясайдилар. Шу билан бирга стек билан ишлашга ҳам кенг имконият ёки ўрин ажратилади. Болалар даставвал ўзларига таниш бўлган содда предметларни ясайдилар. Улар лой билан ишлашнинг икки усули: конструкторлик ва ҳайкалтарошлиқ усулларидан фойдаланиб, турли хил мева ва сабзавотлар ясайдилар. Бодринг, лавлаги, сабзи, олманинг икки хил сорти.

Болалар шу икки усулда одам; фигурасини ва ҳайвонларни ясайдилар. Бу ишларнинг мазмуни асосан ҳали ўйинчоқларидан олинади.

### **Образни жиҳозлаш, декорациялаш восита ва усуллари**

Пластик материаллар билан ишлашда турли ёрдамчи усул ва методлардан фойдаланилади. Болаларни предметнинг сифатларини лойдан тасвирилашга ўргатиб борилади. Масалан: узун, қисқа, ингичка, калта, шунингдек, предметларни вертикал, тик ҳолатда ўрнатадилар, қисмларни маҳкам бириктиришга, бирлаштирилган қисмларни силлиқлашга ўрганадилар. Болалар

аста-секин ўз ишларига мазмун беришни кенг тадбиқ этадилар, асосан бир бутун лой бўлагидан ҳайкалтарошлиқ усулида ясайдилар. Масалан: мушук, кучук, қуён ва бошқалар. Бутун бир лой бўлагидан лентасимон усули билан идишлар ясайдилар, сўнг уларни безайдилар. Болалар ўзларига таниш техник усувлар ёрдамида турли нарсаларни ясайдилар. Масалан: хўroz, товуқ, ўрдак, жўжа ва бошқаларни ясаб, паррандалар шаклини мазмунида ишлайдилар. Кўпроқ натура асосида, ихтиёрий лой ишларини бажарадилар. Даставвал предметни ёки натурани кузатиб, кўриб чиқилади. предметнинг шаклини, қисмларини, пропорциясини бармоқ ҳаракатлари билан кўриб чиқишлари мумкин. Агарда болалар ясаш усулини билишса, унда мустақил ясайдилар, агарда билишмаса, унда тарбиячи қисман кўрсатиб бериши мумкин. Ишларни бажаришда турли востилардан фойдаласа бўлади. Фломастер, турли идишларнинг қалпоқчаларидан ясалган балиқнинг “тангачаларини” из қолдириш учун ишлатиш тавсия этилади.



Стек ёрдамида кўп ҳаракатлар бажариш мумкин. Масалан: ясалган буюм устида штрихлар, “қанотчаларни” бўрттириб чиқарса бўлади.

Ясалган ўйинчоқларга мунчоқлар, тугмалар, қушлар патлари, чиғаноқлар ёрдамида майда қисмларни безаклар берип комбинациялшатирса бўлади.

### **Назорат саволлари**

1. Пластилин, лой иши, чинни хамир билан ишлаш қайсиамалий тасвирий санъатнинг турлари билан боғлик?
2. Моделлаштиришдаги пластик материалларни афзалликлари ҳақида маълумот беринг.
3. Лой ишида қўлланиладиган усувлар ҳақида сўзлаб беринг.
4. Мактабгача ёшдаги болаларни лойиши машғулот тузилмасига изоҳ беринг.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.
2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014
4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда аппликация машғулотлари. Т., 2014.

5. Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007

6. Сакулина Н.П. Рисунок, аппликация, работа с глиной в детском саду. М.: Просвещение. 1993.


7. Сакулина Н.П. Рисунок, аппликация, работа с глиной в детском саду. М.: Просвещение. 1993.

8. М.Нурматова, Ш.Хасанова. Д.Азимова. Устахонада амалий машғулот. «Чўлпон». Т., 2010 й.

9. Джалаева Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.

10. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А-Приор, 2010.

11. Ишмуҳамедов Р., ва бошқ. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учунамалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.



## **6-мавзу: Мактабгача таълим муассасида аппликация ишига ўргатишнинг вазифалари ва турлари. (2 соат)**

Режа

1. Кичик групкаларда аппликация қилишга ўргатиш.
2. Ўрта групда аппликация қилишга ўргатиш.
3. Катта групда аппликация қилишга ўргатиш.
4. Тайёрлов групидаги аппликация қилишга ўргатиш.

*Таянч тушунчалар: фазовий тушунчалар, борлиқни тасаввур қилиш, тимсол*

Аппликация ишига ўргатишнинг асосий мақсади–теварак-атрофдаги борлиқни тасаввур қилишда болаларга ёрдам бериш. Уларда кузатувчанликни ривожлантиримоқ, эстетик гўзаллик ҳиссини тарбияламоқ ҳамда тасвиirlab бериш усулларини ўргатмоқдир. Бу билан бирга тасвирий фаолиятнинг энг асосий вазифаси – маълум бир ёш учун мос тасвирий материаллари билан турли хил предметларнинг турли тимсолларини яратиш каби ижодий болаларда шакллантириш амалга оширилади.

**Кичик гурухларда аппликация қилишга ўргатиш.** Аппликация сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, «жойлаштириш» деган маънони англатади. Аппликация тасвирий фаолиятнинг бир туридир. Аппликацияда ишлатиладиган ашё ўзига хослиги билан ажралади. Қоғоз, сомон, қуритилган ўсимлик ўрамга жойлаштирилиб, турли хил елим билан елимланади. Мато, чарм, жун, пахмоқ – уларга эса тикилади. Аппликация бир хил рангли ёки рангли бўлади. Бир хил аппликация график тус берса, кўп ранглиси эса гўзаллик. Уни ҳам буни ҳам бадиийлик бўлади. Аппликациянинг чамалаш асосий белгиси бўлиб ҳисобланади.

Аппликация ўзига хослиги катта доирачалардан иборат. Ранг аппликациянинг ифодалаш даражасини оширувчи воситадир. Шунинг учун аппликация ишида рангларнинг уйғунлашувига мос тушиши хаёлий ва декоратив композициянинг ифодалилиги гармониясини излаб топишидир. Аппликация қоғозда композицион уқувни билишга шароит яратади. Тарбияланувчи тайёрлаган аппликация иши эстетик талабга жавоб бериши керак. Аппликация предметнинг умумий, типик ва индивидуалдан белгисини кўра олишига ўргатади, уларни ўзаро боғликлigi, бутун, қисмлар, симметрик чамалаш ривожланади, предметнинг шаклини, рангини босқичма–босқич кўрсатиш малакасини кўрсата олади.

Мактабгача таълим муассасасида аппликация машғулотлари биринчи кичик гуруҳдан бошлаб олиб борилади. Бу гуруҳда барча машғулотларда болалар катталар томонидан қилиб берилган тайёр шаклларни қоғозга тўғри, турли хил жойлашишда териб чиқиб ва ёпиштиришга қаратилгандир. Бу гуруҳда асосий вазифа - болаларни елимлаш усусларини ўргатишидир.



Катталар учун оддий ҳисобланган, бу малака қатор ҳаракатларни кетма-кет бажаришдан иборат бўлади, яъни мўйқаламни тўғри ушлаб, унда озгина елим олиш, шаклни тескариси билан қўйиб, елимни бутун шаклга

текис қилиб суриб чиқиши, сураётган чап қўлининг бармоғи билан шаклни тутиб туриш, сўнг мўйқаламга эҳтиёткорлик билан қўйиб, шаклни секин ранг томони билан ўгириб, қоғоз варагининг керак жойига қўйиш ва салфетка ёрдамида секин босиши, четларидан чиқиб кетган ортиқча елимни секингина артиб олиш. Бу ёшдаги болаларга ана шу ҳаракатларни эгаллаб олиш, албатта осон эмас. Энг содда шакл - квадрат ва доира унинг учун шу шакллардан ишни бошлиш

лозим. Йил давомида болалар шу шаклларни номини түгри айтишни эгаллаб олишлари лозим. Лекин бутун йил давомида ўтказиладиган аппликация машғулотларида фақат шу шакллар билан кифояланиб қолиш бўлмайди. Бу гурӯҳда болаларда дастлаб бир; кейин 2-3 қисмдан тузилган предметларни (қўзиқорин, байроқча, қорбобо, уй) ёпиширишга ўрганадилар. Шунингдек, йил охирига бориб болалар олти-етти хил ранги қизил, кўк, сариқ, яшил, жигаррангни түгри айтиб беришлари лозим. Бу гурӯҳ болаларига қайчи берилмайди, чунки болаларнинг қўл ҳаракати етарли тараққий этмаган ва ҳали қуриш назорати етарли бўлмаганлиги сабабли болалар қўлидаги қайчи хавф туғдириши мумкин.



Кичик гурӯҳда болаларни аппликация қилишга ўргатишида иш учун бериладиган материаллар ва машғулотни ташкил этиш аҳамиятига эгадир. материалнинг ранги болаларни диккatinи тортиб уларни чалғитади. Шунинг учун дастлабки машғулотларда материал алоҳида пакетларда, тушунтирилиб бўлгандан сўнг тарқатилади. Тарбиячи мавзуни тушунтириб бўлганидан сўнг материал тарқатилиб, болалар материални топшириққа мос равишда кесмага териб чиқадилар. Тарбиячи дастлаб элементларни қўйиб чиқилганини текширади, шундан кейингина болаларга елим ишлатиш учун берилади. Бу гурӯҳда тарбиячи болалар билан натурани кузатиш намуна билан биргаликда олиб бориш керак. намунани қўрсатиш жараёнида тарбиячи шаклнинг рангини аник аташ ва бармоғи билан уни кўрсатиб, шу шаклнинг хусусиятларини болага аник кўрсатиб беради. Тарбиячи томонидан ишни бажарилишини кўрсатиб берилиши, болаларни турли малака ва ўқувини вужудга келишида муҳимдир. шунингдек, тарбиячи иш тартибини ҳам бошидан кўрсатиб боради. Қандай шаклни олди, қандай ишлаб қўйиб елим суртди ва бошқалар. Тарбиячи ўзининг ҳар бир ҳаракатини сўз билан биргаликда олиб боради.



Кичик мактабгача тарбия ёшдаги болалар эса тайёр шаклларни ва уларнинг рангини бир-бирига мослаб, танлаб ёпиширадилар. Жуда яхши эстетик эффект билан қилинган ишлар, айниқса декоратив безаклар гурӯҳ хонасини безатиш мумкин. Шундай қилиб, олиб борилган текшириш ишлари шуни кўрсатадики, яхши уюштирилган аппликация машғулотлари, болаларни бошқа

машғулотларга, декоратив, предметли ва сюжетли машғулотларига ижобий таъсир этади. Болаларда сенсор маданият ошади, қўл билан таҳлил қобилияти ўсади ва бадиий дидлари шаклланади.

**Ўрта гуруҳда апликацияга ўргатиш.** Бола ҳаётининг 5ёшида ҳам психологик, ҳам жисмоний томондан ўсади. Бу эса боланинг апликация бўйича бажарадиган ишнинг сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келади. Болалар тузилиш жиҳатдан анча мураккаб бўлган предметларни тасвирилашга ўрганадилар.

Ўрта гуруҳ болалари кичик гуруҳга нисбатан малака ва қўнималарини анча эгаллаган бўладилар. Бу гуруҳ болалари 2-3 қисмли эмас, балки 4-5 қисмдан иборат предметларни тузишга ўрганадилар. Дастреб, бу гуруҳга қайчи билан ишлаш киритилади. Болалар қайчини тўғри ушлашга, уни ричагини ёпишга ва очиш тўғри қирқим олишга ўрганадилар. Бунинг учун олдин эскиз, кейин эса энли ёки кенг қоғоз ленталар қирқишига ўрганадилар. Бу



гуруҳда болалар елимлаш малакасини эгаллаши давом эттирадилар. Бола ҳаётининг 5 йилида доира, квадратдан ташқари учбурчак, овал, ўзун тўғри тўртбурчакни биладилар. Трапеция шаклини эса кичик гуруҳда бўлгани каби образли тасвирида давом этади. Масалан: том, қайиқча, кичик гуруҳга яна қўшимча ҳаво ранг, пушти, кулрангни сезишга ва тўғри

айтишга ўрганадилар. Улар қоғоз вароғида тез ва осонлик билан мўлжал олишга ўрганадилар. Улар орқада, кетма-кет, teng масофада ва бошқа фазовий тушунчаларни эгаллайдилар. Болалар тўғри кесмалар қирқишдан ташқари айланавий шакллар қирқишига ўрганадилар. Улар квадрат ва тўғри тўртбурчакнинг бурчакларини думалоқлашга ўрганадилар. Ана шу қирқиб олинган айланавий шакллардан қўзиқорин, минорча, қорбобо каби предметларни ҳосил қилишга ўрганадилар.

Ёпишириладиган қисмлар сони ҳам кўпаяди, масалан: уйчани тасвирида фақат девори эмас, балки эшик ва деразаларни ҳам тасвириладилар. Шакл ва ранг билан ишлаш ҳам ривожланади: тўртбурча, квадрат, доира, учбурчак, пушти ранг, кулранг, ҳаво ранг ва бошқалар. Бу гуруҳда қоғоз вароғида тўғри мўлжаллашга ўрганадилар ва қуйидаги тушунчалар билан танишиб борадилар. Масалан, орасида, чеккада, бир хил масофада ва бошқалар. Ўрта гуруҳда

тарбиячи ўзининг асосий дикқатини болаларни қайчи билан ишлашга қаратилади. Йил давомида тарбиячи болаларни қирқишининг турли усуллари билан таништиради. Тарбиячи қайчини, қоғозни тўғри ушлашга ўргатиб боради. Ёпиштириш малакаси эса мустаҳкамланиб боради. Бу гурӯҳда асосий вазифа болаларни қирқиш техникасини эгаллаб олишга қаратилгандир. Бу гурӯҳда тарбиячи болаларни предметли декоратив, мазмунли аппликацияга ўргатиб борадилар. Содда предмедлардан мураккаб предмедларни тасвирига ўргатилади. Тарбиячи болаларни қайчи билан ишлашга, уни тўғри ушлашга ўргатиб борилади.

Болалар қайчи билан ишлашга дарҳол ўзлаштира олмайди. Шунинг учун тарбиячи қайчи билан ишлашга ўргатища дастлаб энли, энсиз кесмалар қирқишига ўргатиб, машқлантиради, хар бир аппликация машғулотларининг мавзу ва мазмuni турлича бўлиши лозим. Масалан: дастлабки машғулотларда тарбиячи болаларга «дўкон» учун чипта, чеклар қирқиши таклиф этади. Қирқилган кесмалардан уйча, дараҳт, панжара, нарвон каби предметларнинг оддий кўриниши тасвир этиши мумкин. Бу эса, болаларни машғулотга қизиқишини оширади ва машғулотни бир хил тарзда бўлишини олдини олади. Бир-иккита машғулотни ўтказгач, кейинги машғулотларни болаларни ижодий фаоллигини ўстириш учун тавсия этиш мумкин. Масалан, болаларни ўzlари қирқиб олган рангли кесмачалардан турли хил предмедларнинг кўринишини тасвир этадилар. Масалан: юлдузлар, байроқчалар, гуллар. Кейинги аппликация машғулотларида болаларни тўртбурчак, квадратни диагонали бўйича, трапеция ва учбурчак ҳосил қилишга ўргатилади. Шарф, сочиқни квадрат ва учбурчаклар билан безайдилар, шунингдек, квадрат - гиламга, даствромлча, доира-таксимчани ҳам безайдилар. Тайёр силуэтлар ҳам бериш мумкин. Болалар овал ва доира шаклни ҳосил қилиб қирқишига анча қийналадилар. Улар доиравий шаклдаги предметлардан: турса йиқилмас қўғирчоқ, мева-сабзавотлар, пирамида ва бошқаларни қирқиб ёпиштирадилар. Ўқув йилининг давомида болаларга мазмунли аппликация ишларини ҳам таклиф этиши ҳам мумкин. Масалан: Бўғирсоқ йўлдан думалаб кетаяпти, ўтлоқдаги жўжалар, қўзиқоринлар ва ҳоказо.





Бу гурухда болаларни жамоа бўлиб ишлашга ўргатамиз. Масалан: катта гилам ёки сабзавот мевалардан ташкил топган витринани ёки ҳавода, осмонда самалётларни тасвир этишлари мумкин. Бундан ташқари болалар ўз хоҳишлари бўйича хилма-хил аппликация ишларини бажарадилар. Масалан: онам учун совга, тайёр силуэтни нақшлар билан безатиш мумкин. Масалан: фартук, қўлқоп, шапкани қирқиб ёпишириш ёки безатиш мумкин.

Тарбиячи бу гурухда ҳам ҳилма-хил метод ва усуллардан фойдаланади. Мухим бўлган методлардан бири иншаклацион - рецептив ҳисобланади. Бу метод тасвири лозим бўлган предметни ҳар томонлама кўриб чиқиш ва таҳлилни ўз ичига олади. Тарбиячи бу гурухда кўпроқ болаларнинг ўзларига тасвирланаётган предмети ҳақида гапириб беришни, унинг сифат, белгисини конкрет айтиб беришга, тасвирий йўлларини мустақил билишга ўргатиб боради. Болалар предметининг тасвирини тузиш орқали, ўша предмет шаклини қирқишига, унинг тузилишини тўғри тасвирига, қисмларнинг катталигини тўғри беришга ўрганиб борадилар. Бу гурухда қирқиши биринчи марта киритилади.

Шунинг учун энг мухим дикқат-эътиборни қайчини ушлашга, қирқиши усулларини кўрсатишга боғлиқ бўлади.



Дастлабки машғулотларда тарбиячи қайчи билан қандай ишлаш кераклигини кўрсатиб беради (ричагини очиб, ёпишни қандай, қаердан ушлашни кўрсатиб беради). Қоғоз қирқиши болаларга намойиш қилиш орқали қайчини олдинги қандай қилиб ҳаракат қилишни кўрсатади. Болаларни квадратлардан доиравий шакллар қирқища уларнинг фақат бурчакларини қирқиши кераклигини кўрсатиш керак ва қоғозни қўлда бироз ҳаракат қилдириш кераклигини намойиш қилиб беради. Бу усулда болаларга оқ қоғоз, сўнг рангли қоғоз бериш тавсия этилади. Тарбиячи таниш бўлган қирқиши усулларини бирорта болани чақириб, болалар учун намойиш қилиб беришни таклиф этиш мумкин. Ҳар бир ҳаракатни тарбиячи сўзи билан тушунтириб бориши керак.

Агарда мураккаб аппликацияни тузиш керак бўлса, тарбиячи фланиграфдан ўша нарсани иллюстратив расмларни кўриб чиқишини таклиф этиш мумкин. Масалан: қўзиқорин, унинг оёқчаси ва шапкачаси бор, оёқчаси пастда, шапкаси юқорида жойлашган. Сўнг тарбиячи болаларга саволлар



беради, образли сўзлардан фойдаланади, қўл билан шакл кўринишини тасвирловчи ҳаракатларни бажаришлари мумкин. Шунингдек, тарбиячи намуна кўрсатишда фойдаланади.

Машғулотда энг муҳим методлардан бири ёпиширишни кўрсатиш ва тушунтириш ҳисобланади. Ёпишириш жараёнини ҳамма болаларга кўринадиган қилиб, намойиш қилиш лозим. Бунинг учун доска ёки мольбертдан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ёпишириш жараёнида кетма-кетликни болалар яхшлаб ўзлаштириб олишса, уни болаларнинг

ўзларига таклиф этиш мумкин ёки кўрсатишни ўрнига, фақатгина оғзаки тушунтириш билан кифояланиб қолиш мумкин. Бу ёшдаги болалар билан ишлашда ўйин усулдан кенг фойдаланиш мумкин ва лозим. Чунки бу усул болаларни машғулотга нисбатан қизиқиши ўйғотиб, уларни фаоллаштиради. Бу ёшдаги болалар билан ишлашда индивиудал ишлаш, муҳим роль ўйнайди.

Тарбиячи бир болага ёпиширишни кўрсатса, иккинчисига нимасини қилиш кераклигини тушунтириб беради. Болалар ишини кўриб чиқиш ҳам муҳим метод ва усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Тарбиячи болалар ишини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш фақатгина барча болаларни ишини мақташ лозим. Кейинги машғулотларда тарбиячи болалар ишини таҳлил қилишда ишнинг озода бажарилганлиги, рангнинг тўғри танланганлиги ва қоғозда тўғри жойлаштирилганлигини ҳисобга олиб, таҳлил қиласи ва болаларни ҳам шунга ўргатиб боради. Масалан: болалар турса йиқилмас қўғирчоғини ичидаги чиройли, сингиллари ҳам борлигини айтишга ўрганадилар. Бунга тарбиячи болаларни йилнинг II яримидан бошлаб ўргатиб боради.

Ўрта гуруҳда болалар тайёр шакллардан аппликация тузиш билан бирга ўзлари ҳам мустақил қирқиб ёпиширадилар. Натурани таҳлил қилишда болаларни диққати фақатгина ранг ва шаклга тортилмай, балки қисмларнинг ўлчами ва сонига ҳам тортилади. Масалан: турса йиғилмас қўғирчоқ у шарчалардан катта, ўртача ва икки шардан иборатлигини аниқлайдилар. Мураккаб топшириқларни бажариш жараёнида уларга материал алоҳида берилади.

Масалан, уйни ёпишириш. Унинг девор, том ва ойнага мос бўлган ўлчамдаги рангли қоғозлар берилади. Бу гуруҳда натурани кўриб чиқиш намунаси билан



бирга олиб борилиши шарт эмас. Намунани таҳлилини ўзи етарли бўлади. Намунани қуриб чиқишида тарбиячи болаларининг дикқатини уни яхшлаб қуриб чиқишига тортиб, қуйидаги саволларни беради: Предмет қандай шакллардан тузилган? Бу қандай шакл? Ранги қандай? ва бошқалар.

Тарбиячи предметнинг қисмларини ёки нақш элементларини ёпиштириш тартибини кўрсатиб беради. Бу гуруҳда тарбиячи фақатгина қисмини кўрсатиб беришдан ҳам фойдаланади. Масалан: уйни ёпиштиришда уни томини қирқиши кўрсатиб беради, холос қолганини болаларнинг ўзлари бажарадилар. Бу гуруҳда алоҳида аҳамият қайчи билан ишлашга берилади. Тарбиячи болаларга қайчи билан ишлаш техникасини кўрсатиб тушунтиради. Кўлни қайчининг ричагини қандай ҳаракатлантиришини ўргатади. Қайчи билан дастлабки машқларни яхшиси 8-10 бола билан ўтказган маъқул, чунки уларни кузатиш ва ўз вақтида ёрдам кўрсатиш мумкин бўлади.

Машғулотнинг охирида тарбиячи болалар билан биргаликда бажарилган аппликацияни кўриб чиқади: предметга ўхшайдими, шакллар тоза ёпиштирилганми? Тарбиячи болаларнинг таҳлилига якун ясад, болалар дикқатини яхши ишларга жалб этади.



**Катта гуруҳда аппликация қилишга ўргатиш.** Катта гуруҳларда кўпинча машғулотининг маълум бир қисми икки ва ундан ортиқ болалар билан бирга ишлайдиган жамоа иш сифатида ташкил этиш лозим. Болалар биргаликда олдида турган вазифани

муҳокама қиласидар, иш тартибини режалаштиришади, бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар. Аппликация машғулоти шартсиз равишда болаларда ижодий қобилиятларининг ўсишга таъсир кўрсатади.

Бола ҳаётининг 6-йилида кузатишлар, ўйин сенсор тарбиянинг таъсири остида болаларда предметнинг ранги, шакли, катталиги ва бошқа сифатлари тўғрисида билим ва тасаввурлари шаклана боради. Бу ёшга келиб болаларда тасвирий ўкуви ва техник усуллари мавжуд бўлади, қўл мускуллари ривожланган бўлиб, қайчи билан қиласидаги ҳаракатлари анча аниқ ва ишончли бўлади, бу эса ўз-ўзидан аппликацияга ўргатишнинг анча мураккаб вазифаларини ҳал этишни тақозо этади. Аппликация машғулотлари жараёнида предмет тўғрисида хилма-хил маълумотлар бериб борилади. Болалар хилма-хил



шаклларни аташга, квадрат, тўртбурчакни бир-биридан фарқ қилишга, уларнинг асосий белгиларини тўғри аташга ўргатиб борилади. Шунингдек, болаларни овал, доира, учбурчакни тўғри ажратишга фарқ қилишни ўргатади. Шундай қилиб, болалар фақат шакллар билан эмас, балки ранглар билан танишиб борадилар. Масалан: оч, тўқ, ёрқин ранглар ва бошқалар. Булар орқали болалар рангни сезишга, уни танлай билишга ўрганиб борадилар. Аппликация жараёнида фигуralарни бир-бири билан таққослашга ўрганадилар, баланд-паст, кенг-тор яъни қалин-ингичка каби тушунчаларни эгаллаб, тушуниб борадилар. Шунингдек, қоғоз варагини мўлжаллай билиш билан боғлиқ бўлган тушунчалар, тепада, пастда, ўртасида, кетма-кет тушунчаларни эгаллашга ҳаракат қиласидилар. Бу ишда болаларни қайчи билан қирқишиш усулларига ўргатиб бориш давом эттирилади. Бу билан ўргатиб бориш давом эттирилади, бу билан болалар ўрта гурӯҳда эгаллаган қирқишиш усулларини такрорлаб, мустаҳкамлайдилар ва янги қирқишиш усулларини эгаллайдилар. Булар қўйидагилар: қоғозни 2 буклаб бир хил шакллар қирқишиш усули, симметрик шаклларини ҳам бир неча марта буклаб (гармошка қилиб тахлаб) қирқишишга ўрганадилар. Масалан: гуллар, барглар ва ҳоказо.

Бу гурӯҳда тарбиячи болаларнинг диққатини доимо ишнинг сифатига қаратиб боради. Чунки қирқишиш ва ёпиштиришнинг сифати бутун бир ишнинг, аппликациянинг сифатига таъсир этади. Ўқув йилининг бошида болалар билан доиравий шаклларни қирқишиш устида ишланади, чунки болалар бу усулини ўрта гурӯҳда етарли даражада эгалламаган бўладилар. Болалар предметларни қисмларга бўлиб, қирқиб ёпиштиришни ўргангач, уларнинг қирқишининг рационал усули, яъни гармошка усулида қоғозни буклаб қирқишишга ўрганадилар. Аммо йилнинг бошида думалоқ шаклидаги предметларни қирқишини мустаҳкамлашга тарбиячи қўйидаги мавзуларда ишлар бериши мумкин. Масалан: кузги барглар, сабзавот, мевалар, қўзиқоринлар ва ҳоказо. Ўқув йили давомида болалар предметли аппликация ишларини бажарадилар. Масалан: самолёт, ракета, машинава ҳоказо. Қоғозни гармошка усулида буклаб қирқишишга турли ҳил предметларни таклиф қилиш мумкин. Масалан: баргли шохча, гуллар, арча ўйинчоқлари. Шунингдек, декоратив аппликация бўйича ҳам шар, сочиқ, квадрат, гилам, доира, тарелка ва шунингдек тайёр силуэтларни зонтик, чойнак, фартук кабиларни безатишни таклиф этиш мумкин. Болаларни симметрик фигуralарни



қирқишига ўргатишида тарбиячи симметрик тузилишга эга бўлган предметларни таклиф этади. Масалан: гулдон, нок, капалак, масхарабоз ва ҳоказо.


Болалар предметли, декоратив аппликациядан ташқари мазмунли аппликация ҳам бажарадилар. Масалан: қуённинг бўғирсоқ билан учрашуви, қор босган уйча, қиз байроқ ушлаб турибди ва ҳоказо. Катта гуруҳда болалар ўз ихтиёrlари билан ҳам аппликация ишларини бажарадилар. Болалар олган билим, малакалар асосида ўzlари мустақил аппликация ишларини бажарадилар. Аппликация машғулотларида болалар жамоа ишлар бажарадилар. Гуллар ва афсонавий қушлар тасвирланган гилам, севимли ўйинчоқлари ва бошқалар.

Катта гуруҳда ҳам аппликация машғулотида тасвирлаш керак бўлган предметларни таҳлил қилишга катта ўрин ажратилади ва унда болаларни саволлар билан фаоллаштирилса, катта гуруҳларда эса болаларни мустақиллигини қўпроқ таъминлайди. Таҳлил жараёнида болалар предметнинг шаклига, рангига, турли хил хусусиятларига эътибор бериши лозим. Халқ амалий санъати асарларини кўриб таҳлил қилишга, болаларга ранглар гармониясининг гўзаллигини сезишга, кўпинча композициянинг мазмундорлигини очишга ўргатилади. Бу гуруҳдан намунадан айрим ҳолларда, яъни ишнинг якунини намойиш қилишда фойдаланиш мумкин. Ҳар бир қирқишиш усулларини кўрсатиб беришга мақсадга мувофиқ бўлмади. Тарбиячи кўпроқ болаларнинг ўzlарини фаоллаштириб, болаларнинг ўzlарига мустақил равишида қирқишиш йўлларини, ёпиштириш тартибини қидириб топишга ундейди. Агарда янги қирқишиш йўллари киритиладиган бўлса, тарбиячининг ўзи қирқишиш йўлларини кўрсатиб беради. Масалан: қат-қат усулида қирқишиш, айникса, симметрик фигуralарни қирқишида болалар анча қийналадилар. Шунингдек, тарбиячи айрим предметнинг қофоздаги тасвиридан фойдаланиш мумкин (кўл ҳаракатлари билан юргизиб чиқиши). Дастлаб тарбиячи «предметнинг ярми» деб тушунтириш асосида болалар усулни тушуниб етадилар. Бу гуруҳда болалар қофозни кўл билан йиртиб, майда бўлакчалардан фойдаланиб тасвирини ҳосил қилишга ўрганадилар. Тарбиячи болаларни мустақил, ижодий ишлашга ўргатиб, мазмундор аппликация яратишга, тайёрлов гуруҳга ўтгач уларнинг аппликация бўлими анча мураккаблашади. Улар қирқимнинг янги усулларини эгаллай бошлайдилар. Бу усуллари - бир неча марта букланган қофоздан қирқишиш ва силуэт қирқишиш ҳисобланади. Шу билан бу гуруҳ болаларни турли хил шаклларда декоратив нақш тузишга ва бир неча қисмдан тузилган предметларни тузишга ҳамда мазмунли аппликация тузишда предметларни жойлаштиришга ўрганадилар. Шу билан бирга ранг спектрининг барча рангларидан фойдаланишга ўрганадилар.

Силуэт қирқишиш - энг мураккаб усуллардан биридир. Силуэт киритиш жараёнида бола доимо предметнинг образни хотирасида тутиб туришга ва

унинг конструкцияси ва пропорциясини кузатиб туришга, қўл ҳаракатини ҳосил қилинаётган шаклнинг йўналишига мослашишга тўғри келади. шунинг учун болаларни силуэт киришга ўргатишни содда шаклларидан балиқлар, сабзавот, мевалардан бошлаш лозим.

Катта гурухда болаларни аппликация қилишга ўргатища қуйидаги вазифалар турди: Болаларни тўғри ҳаракат бўйлаб қирқиши, думалоқ шаклларни ва иккига бусланган қофозни қирқишига ўргатилади. Бир нечта қисмдан тузилган предметларни ҳосил қилишга,



геометрик шаклларидан чиройли декоратив нақш тузишга ўрганадилар. Демак, бу гурухда асосий вазифа қирқишининг хилма-хил усулларини эгаллашдан иборат экан. Олдин бу гурухда ҳам ўрта гурухдаги каби мавзуларда, фақат қисмлар сони қўпайтирилиб қорбобо, қалпоғи


бошида ёки қўлида халтаси билан, самолёт эса қанотларида юлдузи билан ва қорбобонинг юз қисмидан майда қисмларини: бурун, кўз ва бошқалар. Бу гурухда болалар баъзи шаклларни иккига бусланган қофоздан, шохчаси барглари билан. Бу усулларни ишлатилиши вақтни анча тежайди ва чиройли мазмун ёки композицияни тайёрлаш мумкин. Қофозни иккига буслаб қирқиши, бир-бирига симметрик шаклларни қирқишини осонлаштиради. Бу усулдан фойдаланиб болалар ваза, барглар, сабзавот ва меваларни шаклини қирқадилар. Катта гурухда болалар шаклларни қофознинг учини қўли билан текислаб, бармоқларда қирқишига ўрганадилар. Катта гурух болаларнинг ишлайдиган иш мазмунни шу болаларда қирқишининг кўникма ва малакасини ривожлантиришdir. Декоратив аппликация ишларида эса, бу гурухда фақатгина тайёр геометрик шакллар берилмай, балки хилма-хил ўсимлик шаклларидан барг гуллар ва бошқаларни элементлари киритилади.







Тайёрлов гурухга ўтгач, уларнинг аппликация бўлими анча мураккаблашади улар қирқишининг янги усулларини эгаллай бошлайдилар. Бу усуллар-бир неча марта букланган қофоздан қирқиши ва силуэт қирқиши хисобланади. Шу билан бирга бу гурух болаларини турли хил шаклларда декоратив нақш тузишга ва бир неча қисмдан тузилган предметларни тузишга ҳамда мазмунли Аппликация тузишида предметларни жойлаштиришга ўрганадилар. Шу билан бирга спектрнинг барча рангларидан фойдаланишга ўрганадилар.

Силуэт қирқиши - энг мураккаб усулларидан биридир. Силуэт қирқиши жараёнида бола доимо предметининг образини хотирасида тутиб туришга ва унинг конструкцияси ва пропорциясини кузатиб туришга, қўл ҳаракатини ҳосил қилишаётган шаклининг йўналишига мослашишга тўғри келади. Шунинг учун болаларни силуэт қирқишига ўргатишни содда шаклларидан (балиқлар, сабзавот ва мевалар) дан бошлаш лозим.




Катта гурух болаларини апликация қилишга ўргатишида қирқимнинг турли усулларини эгал


лаш муҳим аҳамиятга эгадир. Болаларнинг тасаввурига асосланган ҳолда тарбиячи болалар билан натурани, унинг қисмлари, тузилишини таҳлил қилиб, алоҳида қимларга ажратиб кўрсатади. Намунада болалар предметни биринчи марта тасвиrlаётган бўлишса фойдаланиш мумкин. Уни таҳлил қилишни болаларнинг ўзига топшириш мумкин бўлади. Агар болалар ўзларига таниш предметни бир неча қисмлари билан тасвиrlанаётган бўлишса, намуна ўрнини натура билан алмаштириш мумкин бўлади. Масалан, оддий уйни эмас, афсонавий уйни ёки байрамга безатилган уйни;



катта ва тайёрлов гурухларда бир неча намуналардан фойдаланиб, кўрсатиш



тавсия этилади. Чунки бу нарса болаларнинг ижодий фаоллигини тарбиялайди. Бу гурухда болалар қоғозни ингичка буклаб симметрик шакллар қирқишига ўрганадилар. Бу албатта қийин усул, шунинг учун И.А.Гусакова болаларни бу усул билан дастлаб таништиришда қоғозни буклаб чизилган контур беришни тавсия этади. Болалар бу усулни эгаллаб олгач уларни қунт билан чамалаб қирқишига ўргатилиди. Катта гурухда жамоа бўлиб аппликациялар бажарилади. Масалан: «Аквариумдаги балиқлар», «Ўтлоқдаги гуллар», «Кўчадаги уй ва машиналар». Ҳар бир бола ишнинг қайсиdir қисмини бажаради. Кейин ҳар бир қисм умумий фондга бирлаштирилади. Тарбиячи ишни болаларни ҳохишига қараб тақсимлайди. Баъзи жамоа ишларни бажаришда болалар 4-5 та бўлиб, гуруҳчаларга бирлашишади.



**Тайёрлов гуруҳида аппликация қилишга ўргатиш.** Тайёрлов гуруҳ болалари билан дастурда мазмунли аппликацияларни бериш кўзда тутилади. Улар кўча, аквариум каби мавзуларда шунингдек, «Бўғирсок» каби эртакларга иллюстрациялар бажаришлари мумкин.

Тайёр шаклларни ёпиштириш тайёрлов гуруҳида ҳам давом эттирилади. Симметрик шакллардан нақишлиар тузищда уларга турли размер ва рангдаги тайёр шакллар берилади ва бу гурухда ҳам катта гуруҳдаги каби қоғозни қўл билан йиртиш усулидан фойдаланиш давом этади.

Тайёрлов гуруҳ болалари билан дастурда мазмунли аппликацияларни бажариш кўзда тутилган. Улар «Кўча», «Аквариум» каби мавзуларда, шунингдек, «Бўғирсок» каби эртакларга иллюстрациялар бажаришлари мумкин. Тайёр шаклларни ёпиштириш тайёрлов гуруҳида ҳам давом эттирилади. Симметрик шакллардан нақишлиар тузищда турли ўлчам ва рангдаги тайёр шакллар берилади. Бу гурухда ҳам катта гуруҳдаги каби қоғозни қўл билан йиртиш усулидан фойдаланиши давом этилади. Иккинчи кичик гуруҳда болаларни аппликация қилишга ўргатишга иш учун бериладиган материаллар ва





машғулотни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Материалнинг ранги болаларни диққатини ўзига тортиб уларни чалғитади. Шунинг учун дастлаб машғулотларда материал алоҳида пакетларда тушунтирилиб бўлгандан сўнг тарқатилади. Тарбиячи мавзуни тушунтириб бўлгандан сўнг материал тарқатилиб, болалар материални топшириқка мос равишда қоғоз варагида териб чиқадилар. Тарбиячи дастлаб элементларни қўйиб йифилганлигини текширади, шундан кейингина болаларга елим ишлатиш учун берилади. Бу гуруҳда тарбиячи болалар билан натурани кузатиши намуна билан биргаликда олиб бориши керак. Намунани кўраётган жараёнидатарбиячи шаклнинг рангини аниқ аташи ва бармоғи билан уни кўрсатиб, шу шаклнинг хусусиятларини болага аниқ кўрсатиб беради. Тарбиячи томонидан ишни бажарилишини кўрсатиб берилиши болаларни турли малака ва ўқувини вужудга келишида муҳимдир. Шунингдек, тарбиячи иш тартибини ҳам бошидан кўрсатиб беради. Қандай шаклни олди, қандай қилиб қуйиб елим суртди ва бошқалар. Тарбиячи ўзининг ҳар бир ҳаракатини сўз билан биргаликда олиб боради.

Тайёрлов гуруҳда ишнинг дастур материалига силуэт қирқиши усули киритилади. Шунинг учун ўргатиш усулларининг характеристи бир мунча ўзгаради. Натурани таҳлил қилишда тарбиячи уларнинг диққатини предметни контурига тортади, бармоқ ҳаракати орқали. Бунда ҳаракатни қирқиши қайси қисмдан бошланадиган бўлса ўша қисмдан бошлаш лозим. Бу гуруҳда болалар энди предмет контурига қандайдир қисм қирқишига ўрганадилар (типратикан игналари билан). Албатта болаларга бу қийн. Шунинг учун бу ишда икки этапдан фойдаланилади. Олдин тайёрланган қоғоздан умумий контур қирқилади. Сўнгра унинг қисмлари, масалан: оёғи ёки сузгичлари қирқилади. Баъзи вақтларда силуэт қирқиши олдиндан чизилган контур асосида қирқилади. Бу нарса кўпроқ мураккаб ўсимлик элементларидан декоратив шакллар тузишида кўлланилади. Бу гуруҳда қоғозни иккига буклаб қирқишининг мураккаброқ усули билан таништирилади. Масалан: арча, одам, ҳайвон шакллари. Яна бу гуруҳда қирқишининг мураккаб усули-қоғозни бир неча марта буклаш орқали қирқишига ўргатиш усули ўргатилади. Бу усул салфетка, қор парчалари ҳосил қилишда кўлланилади.

### **Назорат саволлари**

- 1.Аппликацияга ўргатишнинг асосий мақсадини айтинг.
- 2.Аппликация турлари ҳақида маълумот беринг.

3.Аппликация ишини бажаришда ишлатиладиган керакли асбоб ускуналарга бўлган талаблар ҳақида маълумот беринг.

4.Мактабгача ёшдаги болаларни табиий ва ташландиқ материаллар билан ишлашга ўргатишда машғулот тузилмасига изоҳ беринг.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.
2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014
4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда аппликация машғулотлари. Т., 2014.
5. Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007
6. "М.Нурматова, Ш.Хасанова. Д.Азимова. Устахонада амалий машғулот. «Чўлпон». Т., 2010 й.
7. Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
8. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А-Приор, 2010.
9. М.А.Гусакова. Аппликация. М., «Просвещение» 1977.

### **7-мавзу: Мактабгача таълим муассасининг турли ёш гуруҳларида қуриш-ясашга ўргатиш методлари, турлари. (2 соат)**

#### **Режа**

1. Қуриш - ясаш машғулотларини бола ривожланишидаги аҳамияти.
2. Қуриш - ясаш материалларининг турлари.
3. Кичик гуруҳларда қуриш - ясашга ўргатишнинг вазифалари.
4. Ўрта гуруҳларда қуриш - ясашга ўргатишнинг вазифалари.
5. Катта гуруҳларда қуриш - ясашга ўргатишнинг вазифалари.
6. Мактабга тайёрлов гуруҳларда қуриш - ясашга ўргатишнинг вазифалари.

**Таянч тушунчалар:** ташаббускорликни уйғотиш, реал воқелик, горизонтал ҳолда жойлаштириш.

Қуриш-ясаш лотин тилидан олинган бўлиб, турли предметларни, қисм ва элементларни маълум бир ҳолатга келтириш, деган маънони билдиради. Болаларни қуриш-ясашида қурилиш материалларидан, қоғоздан, картон, дараҳт ва бошқа материаллардан турли хил ўйинчоқлар ясаш ўргатилади. Ўз характерига кўра болалар қуриш-ясаши кўпинча тасвирий ва ўйин фаолияти билан ўхшашдир—бу теварак атрофда акс этади. Болаларнинг ясаган нарсалари асосан амалиётда ишлатилади. Масалан: ўйинлар, арчани ясатиш учун, оналарга совға учун.



Қуриш-ясаш фаолияти—амалий фаолият бўлиб, олдиндан белгиланган, бирор мақсадга қаратилган реал воқеликдир. Қуриш-ясаш фаолиятига ўргатиш жараёнида болаларда ақлий, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбияси янада шаклланиб боради, ҳамда уларда теварак-атрофдаги предметларни таҳлил қилиш кўникмаси, мустақил фикрлаш, бадиий дид, шахснинг иродавий сифатларидан (мақсадга интилиш, қатъийлик ва ҳоказо...) таркиб топа бошлади, буларни барчаси болаларни мактабда ўқишига тайёрлади. Мактабгача таълим муассасасида болаларни қурилиш материаллари ёрдамида ўйин ва машғулотлар ўтказишнинг аҳамияти катта. Ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашда



мактабгача таълим муассасасида қурилиш материаллари ёрдамида ўтказиладиган ўйин ва машғулотлар катта ўрин эгаллайди. Болаларнинг қурилиш ўйинлари ролларга бўлиниб, ўйналадиган ўйинларнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Қурилиш ўйинларида ҳам болалар теварак атрофдаги нарсаларни, катталарнинг фаолиятларини акс эттирадилар.

Қурилиш ўйинларининг мазмуни болаларнинг ўзлари яратадилар. Болалар кўпинча катталарнинг қурилишдаги фаолиятларига тақлид қилиб, «Қурувчи ишчи» ролини бажарадилар. Болаларнинг қурилиш ўйинлари қизиқарли ижодий фаолиятдир. Улар ўз ўйинларида қурилишларни транспорт ҳаракати, катталарнинг меҳнати ҳақидаги таассуротларини акс эттирадилар. Бундай ўйинлар болаларда ташаббускорликни уйғотишга, уларни фикр юритиш ва ҳаракат фаолиятларини фаоллаштиришга кенг имкон яратади. Машғулот ва



ўйин вақтида болалар бир–бирлари билан турлича муносабатда бўладилар. Улар ролларни ўзаро бўлишиб оладилар, ишларни бажаришда бир бирларига ёрдам берадилар ва маслаҳатлашадилар. Курилиш ўйинларида ҳаракат элементлари кўп бўлиб, у болаларнинг ҳаракат қилишга

нисбатан бўлган талабларини кондиришга ёрдам беради. Бола бирор нарсани қура бошлаганда қурилиш материалларини тегишли жойга олиб боради, уларни стол ёки пол устига жойлаштиради, энгашади, бу вақтда унинг қўллари фаол ҳаракат қиласди, яъни маълум миқдорда жисмоний куч сарфлайди.

Майдага қурилиш материаллари билан ўйнаганда қўлнинг майдага мускуллари яхши ривожланади. Қурилиш ўйинлари ўйнаш натижасида болаларнинг кузатувчанлиги ортади, техникага бўлган қизиқишлари ўсиб боради. Бундан ташқари улар ўйин жараёнида оддий геометрик шаклларнинг тузилиши билан ҳам танишадилар. Қурилиш ўйинларининг тарбиявий тасири болалар акс эттирадиган ходиса ва нарсаларнинг ғоявий мазмуни ўз аксини топади. Мактабгача тарбия ёшдаги болаларда тафаккурнинг таҳлил ва синтез, таққослай билиш каби жараёнлари ҳали суст ривожланган бўлади. Қурилиш материаллари ёрдамида ўтказиладиган ўйинлар эса болаларнинг тафаккурини, ижодий қобилиятини ўстиради.

Тарбиячининг кўрсатган нарсасини эсда сақлаб қолиш ва уни қайта эсга солиши болаларни нарсаларни бир–бирига солишишига, таҳлил ва синтез қилишга, ўхшашини топиб қўйишга ва фарқини ажратади билишга мажбур қиласди ва қурилишдаги вазифаларни пала– партиш бажармасликка, тасодифий хулоса билан қониқиб қолмай, балки мақсадга мувофиқ йўл тутишга ўргатади. Болалар билимини мавзули равишда қурилиш ўйинлари фақат теварак–атрофни билиб олиш воситасигина бўлиб қолмай, балки ахлоқий сифатларни тарбияловчи восита ҳамдир. Болалар бевосита кузатаётган қурилишдаги конкрет мисоллар болаларнинг ўзбек халқи ўз меҳнатини қанчалик севишини тушунишларига ёрдам беради. Қурилиш ўйинлари орқали тарбиячи болаларда меҳнатсеварлик, мустақиллик, ўз ишига жавобгарликни ҳиссини тарбиялаб боришга ҳаракат қилиди.

Болалар жамоасини тўғри ташкил этишда қурилиш материаллари билан ўтказиладиган ўйин ва машғулотлар катта аҳамиятга эга. Қурилиш материаллари билан ўтказиладиган ўйин ва машғулотлар болаларни мактабга тайёрлаш ишини амалга оширишда ҳам ёрдам беради. Бу ўйин ва машғулотлар

жараёнида болаларда дикқатни бир жойга тўплаш, олдига қўйган мақсадга чидам ва сабот билан эришиш, олган билими ва малакаси асосида ижодий ташаббускорлик кўрсатиш хусусиятлари шаклланиб боради. Қурилиш ҳақидаги асосий билимни болалар қуриш–ясаш машғулотида эгаллайдилар. Ана шу машғулотларда улар нарсаларнинг элементар қўринишларини, қурилиш қисмларидан мақсадга мувофиқ фойдалана олишни ўрганадилар ва қурилишни бадиий жиҳатдан безашнинг оддий усусларини ўзлаштириб оладилар.

Мактабгача тарбия ёшидаги кичик болалар қуриш–ясашга бир неча бор уринадилар, улар фақат қурилиш тўпламларидаги материалларни япалоқ томони билан қўйиб териб чиқадилар ёки бир-бирининг устига қўядилар.

Тарбиячи болаларни ҳар хил нарсалар қуришга ўргатган бўлса, кичик ёшдаги болаларнинг қурилиш ўйинларида у ўз аксини топади. Қурилиш материаллари

билан ўтказиладиган ўйин ва машғулотлар учун зарурӣ шароитлар. Болалар қуриш техникасини яхши ўзлаштириб олишлари учун гуруҳларда зарур шарт–шароитларни яратиш лозим. Бунинг учун аввало гуруҳда етарли микдорда қурилиш материаллари бўлиши, яъни ҳамма болалар бир вақтда ёки ҳеч бўлмаганда ярим гуруҳ болалар машғул бўла оладиган даражада материал бўлиши зарур. Намунага қараб қуриш машғулотида ҳам болаларни материалдан чеклаб қўймай, балки ҳар кимга керагини тақсимлаб бериш лозим. Материал ҳар доим зарур бўлганини олиб ишлата билишни ўргансинлар. Болалар қуриш–ясаш малакаларини эндиғина эгаллай бошлаганлирида, яъни иккинчи кичик гуруҳдан бошлаб қуриш машғулотларини ўтишга рухсат берилади. Машғулотларда қуриш–ясашга ўргатиш учун стол устида ўйналадиган қурилиш тўпламидан фойдаланган маъқул, чунки бу қурилиш материаллари бир вақтнинг ўзида кўпчилик болалар қуриб ўйнаш учун йирик қурилиш материалларидан фойдаланилади. Бу материаллар болаларни кўпчилик бўлиб қуришга, ўйнашга ўргатади. Гуруҳдаги болаларнинг ҳаммаси қуриш усусларини яхши ўзлаштириб олишлари учун машғулот вақтида столларни ҳар





хил жойлаштириш мумкин. Қурилишни якка—якка бажараётганды столларни одатдаги тартибда ёки П ҳарфи шаклида териб қўйиш мумкин, агар болалар бир қурилишни гурух бўлиб бажарсалар, 2-3 столни бирлаштириб қатор қилиб қўйиш керак. Машғулот вақтида болаларга қурилишнинг энг зарур усуллари кўрсатилади, шунинг учун машғулот узоқ

чўзилмаслиги (10–12 минутдан ошмаслиги) керак. Қуриш—ясаш машғулотларини ўқув йилининг биринчи ярмида ўтказиш мақсадга мувофиқдир, иккинчи ярмида эса ўйинлар билан чегараланса ҳам бўлади. Болаларни қуриш—ясашнинг ҳамма усулларини кўрсатишдан иборат. Қурилишни қуришда қуриш—ясашнинг ҳамма усуллари кўрсатиш ва ҳаракат билан тушунтириш, тайёр қурилган нусхани кўрсатиш ва унга кирган элементларни таҳлил қилиш. Намуна сифатида қурилиш материалларидан нималар ясаш мумкинлигини кўрсатувчи тайёр қурилишдан фойдаланиш.



Болалар бино, иншоотни қуришни билиб олишлари учун (баланд пойдеворнинг устини қандай бекитиш, бир қисмни қандай қилиб бошқаси билан алмаштириш, текисликни қандай кенгайтириш ва шу кабилар) қурилишнинг айrim қисмларини кўрсатиш. Тарбиячи томонидан бажарилаётган қурилишнинг айrim қисмини давом эттиришни болаларга таклиф қилиш.

Қуриладиган объект ҳақида тушунча бериш, масалан, қурилишнинг ҳажмини (катта—кичиклигини) аниқлаш, бунда қурилишнинг ўйинчоқларга мос бўлишини айтиш. Болаларни ўzlари ижод қилиб қуришга ўргатиш учун зарур шароитлар ва ашёлар билан таъминланган бўлиши керак.

**Қуриш—ясаш материалларининг турлари.** Мактабгача тарбия муассасаларида болаларга қуриш—ясаш фаолиятини ўргатища қурилиш материали, конструктор, қофоздан, табиат, ташландик материалларидан ва бошқалардан фойдаланилади. Материални тури қуриш ясаш турини аниқлаб беради. Қурилиш материали – майда ва йирик-геометрик фигуralардан (куб, цилиндр, призма ва ҳоказо...) иборат.

Машғулотларда қурилиш материалларидан турли хил майда тўпламлардан фойдаланилади. Машғулот пайтида материаллар кўп бўлиши керак. Тарбиячи

қурилиш материалларидан қуриш-ясаш фаолиятини ташкил этаётган одам, ҳайвон, ўсимлик ва транспортни ифодаловчи майда ўйинчоқларни танлаши мақсадга мувофиқдир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар теварак атрофдаги конкрет нарсаларни, яъни қуён учун уй, машиналар ва йулловчилар учун кўприк ясайдилар.

Ўйинчоқларни қуриш-ясашда ишлатиш катта аҳамиятга эга, ўйин фаолиятини ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Қурилиш материалларни маълум бир шкафларда, тартиб билан сақланади.

**Конструкторлар.** Катта мактабгача ёшдаги болалар машғулотдан ташқари конструкторлардан (тахтали, пластмасса, металл ва керамика) фойдаланадилар. Бу тўпламлар орқали турли конструкциялар ясаш мумкин. Тарбиячи раҳбарлигига болалар оддий бирлаштириш усулидан суратлар бўйича турли хил ҳаракатли конструкциялар ясайдилар. Асосий диққат болаларни маълум қисмларини бирлаштириш малакаларини шакллантиришга қаратилилади. Бунда болаларни қўлларини мускуллари иштирок этади, бу ёшда қўл мускуллари хали яхши ривожланмаган бўлади. Тарбиячи аввал конструктор йиғишни методик кўрсатмаларини ўрганади. Тарбиячи раҳбарлигига қурилиш материали ва конструкторлар болаларга кетма-кет берилади. Катта мактабгача ёшдаги болалар машғулотдан ташқари вақтда турли хил конструкторлардан: ёғочли, платмассали ва металлдан тайёрланган конструкторлардан фойдаланадилар. Бу тўпламлар ёрдамида қисмларнинг жойлаштирилиши анча мураккаб бўлган қурилмалар ясайдилар.



Тарбиячи раҳбарлиги остида болалар янги бирлаштириш йўлларини ва турли хил характердаги конструкцияларни расмга, чизмага қараб яратишга ўрганадилар. Бу ишларни болаларга таклиф этишдан олдин, тарбиячининг ўзи бу конструкторлар, уларга берилган методик кўрсатмалар билан яхшилаб танишиб, ўрганиб чиқиши зарур. Болаларга қурилиш материаллари ва конструкторлар тўплами ҳаммаси бирданига берилмайди, балки аста-секин, кетма-кет болаларнинг ўзлаштиришларига қараб берилади.

## **Кичик гурухларда қуриш-ясашга ўргатишининг вазифалари.**

Болаларга қурилиш материалы – кубик, ғиштча, турли хил шаклдаги шакллар билан, уларнинг қандай ҳолатда жойлашганлиги (ғиштча ётибди, турибди) билан таништирилади. Бундан ташқари кубикларни горизонтал ҳолда жойлаштириш, бир-бирини устига қўйиш, дарвоза, уйча қуриш кабилар ҳам ўргатилади. Тарбиячи қурилмалар ва теварак оламдаги таниш предметлар ўртасидаги ўхшашибликни топишни болалардан сўрайди.

Болаларга асосий қурилиш материалларини (кубик, ғиштча, пластилин) фарқлаш билан бирга уларни номини айтиш, катта, кичик, узун, қисқа, баланд, паст каби сўзларни маъносини тушуниб айтиш, ғиштчаларни орасини тенг масофада жойлаштириш кераклиги тушунтирилади. Болаларга 8-10 қурилмалар қуриш ўргатилади: мебель (стол, стул, диван, кроват), зинапоя, кўприк, уйча. Биринчи машғулотларда болалар олдинги гурухларда ясалган қуриш-ясаш ишларини қайтарадилар, сўнг болалар мебель қўрадилар. Аввал болалар алоҳида предметларни турли вариантларда, сўнг 2-3 қурилмаларни бирданига қуришни ўрганадилар (стол ва стул, диван ва ҳоказолар). Кейинги машғулотда



болалар катта уй қурадилар, 3-4 кубиклардан, сўнг 6 кубик ёки ғиштчадан зинапоя қурадилар. Ишнинг кейинги этапи – кўприк қуриш, 2 кичик призмадан кўприк қуриш. Дастробки машғулотлар ғиштчаларни 1 текисда йўлакча қилиб териб чиқиш малакаларини ривожлантириш, мустаҳкамлашга қаратилади. Болалар қисқа йўлка, кенг йўлкалар қурадилар. Кейинчалик трамвай йўли қуришни болалардан талаб қилиш мумкин. Бу машғулотларнинг асосий мақсади – болаларга ғиштчаларни бир текисликда жойлаштиришга ва узун-қисқа, тор-кенг каби тушунчаларини ўргатиш. Кейинги машғулотларда болалар ғиштчаларни вертикал ҳолда жойлаштиришни ўрганадилар. Шундан кейин болаларга тарбиячи дарвозани турли варианта ясашга ўргатади. Ғиштчалардан, кубик, пластилиндан, буларни болалар маълум кетма-кетликка асосланган ҳолда бажарадилар. Тор-кенг, баланд-паст тушунчалари дарвоза қуриш жараёнида болаларга тушунтириб борилади: кенг дарвоза – юк машинаси учун, тори эса – енгил машина учун, баланд дарвоза – катта қўғирчоқ учун, пасти эса – кичик қўғирчоқ учун мўлжалланган. Болаларга бир неча машғулот давомида мавзули равишда уйчани янги конструкцияси бериб борилади. Тарбиячи ҳар гал янги конструкцияни олдинги конструкция билан солиширади, улар ўртасидаги

кенг йўлкалар қурадилар. Кейинчалик трамвай йўли қуришни болалардан талаб қилиш мумкин. Бу машғулотларнинг асосий мақсади – болаларга ғиштчаларни бир текисликда жойлаштиришга ва узун-қисқа, тор-кенг каби тушунчаларини ўргатиш. Кейинги машғулотларда болалар ғиштчаларни вертикал ҳолда жойлаштиришни ўрганадилар. Шундан кейин болаларга тарбиячи дарвозани турли варианта ясашга ўргатади. Ғиштчалардан, кубик, пластилиндан, буларни болалар маълум кетма-кетликка асосланган ҳолда бажарадилар. Тор-кенг, баланд-паст тушунчалари дарвоза қуриш жараёнида болаларга тушунтириб борилади: кенг дарвоза – юк машинаси учун, тори эса – енгил машина учун, баланд дарвоза – катта қўғирчоқ учун, пасти эса – кичик қўғирчоқ учун мўлжалланган. Болаларга бир неча машғулот давомида мавзули равишда уйчани янги конструкцияси бериб борилади. Тарбиячи ҳар гал янги конструкцияни олдинги конструкция билан солиширади, улар ўртасидаги

ўхшашлик ва фарқларини топади. Болаларни намунага қараб уйчани қуриш малакаси ҳосил бўлганлигини текшириш учун, намунани ўзлари мустақил тарзда қуриб беришларини тарбиячи илтимос қиласди. Масалан: тарбиячи боладан худди намунада қурилган уйчани, фақат баланд қилиб қуриб беришни сўрайди. Масаланинг бу тури болаларда ақлий фаолликни янада оширади. Биринчи кичик групда тарбиячи даставвал болаларни қурилиш материаллари—куб, ғишт, билан уларнинг шакли катта-кичиклиги, текис стол юзасида турлича жойланиши (яъни, ғишт ётибди, ғишт турибди) ва унинг мустаҳкамлиги, ҳолатига боғлиқ эканлиги билан таништириб боради. Ғиштларни кетма-кет горизонтал жойлаштириб (поезд, йўлкача) бир-бири устига қўйиш орқали оддий тўсиклар (дарвозалар, уйларни) қуришга ўргатиб борилади. Тарбиячи болаларни ўз қурилмалари билан ҳаётдаги таниш предметлар ўртасидаги ўхшашликни топишга, аниқлашга ўргатиб боради. Иккинчи кичик групда болаларни фақатгина қурилиш қисмлари (куб, ғишт, пластина) ни билишга фарқ қилишга уларни тўғри аташга ўргатиб борилади. Масалан: катта-кичик, ўзун-қисқа, паст-баланд ғиштларни бир биридан бир хил масофада дойра, тўғри



тўртбурчак бўйлаб (панжара) уларни энсиз томони билан қўйиб чиқишига ўргатиб борилади. Биринчи кичик групда болаларни 8-10 оддий бўлган қурилмаларни барпо этишга ўргатилади, (стол, стул, диван, кроват, минорача, кўприкча, уйча, трамвай) кабиларни қуришга ўргатилади. Дастребки машғулотларда болалар олдинги групда бажарилган қурилмаларни қайтадан қурдилар, сўнг мебель қуришга ўрганадилар. Олдин бу предметлар алоҳида турли хил вариантларда қурилади, сўнг болаларга биратўласига 2-Зта қурилмаларни қуриш таклиф этилади. Стол, стуллар, стол ва диванлар, бу қурилмалар билан болалар ўйин ўйнашлари учун болаларга турли хил қўғирчоқлар, идишлар берилади. Кейинги машғулотларида болалар уйча, қуришлар учун 3-4 кубикдан бир-бирининг устига қўйиш 3 ёқли призма билан устини қоплаш орқали қурадилар. Сўнг кубикдан ёки ғиштдан юқорига тахлаш орқали нарвонча қурадилар. Болалар бу қурилмаларни қуриш йўлларини ўзлаштириб олишгач, улар тарбиячининг сўзи орқали қурилмаларни қуришга 2 та кубикдан пластиналар ва икки кичик уч ёқли призма ёрдамида кўприк

ўрганадилар. Тарбиячи болаларни боғча участкасида ва гурух ҳовлисида машғулот жараёнида ўрганган қурилмаларни кўриб, улар билан ўйинлар ўйнашга нисбатан қизиқиш уйғотиш керак. Иккинчи кичик гурухда дастлаб биринчи кичик гурухда олган билим ва малакалари мустаҳкамланади. Болалар кенг ва тор йўлкачаларни, ғиштларни қаторасига текисликда жойлаштириш орқали қурадилар. Кейинчалик поезд учун ҳар бир бола калта йўлкачани, ҳаммаси бир бўлиб поезд йўлини қурадилар. Бу машғулотлардан мақсад болаларни ғиштчаларни тартибли қилиб бир-бирига улашга ёки бирлаштиришга уларнинг фазовий белгиларини тўғри аташга узун қисқа, кенг-торлигини ўрганадилар. Кейинги 2-3 та машғулотларда болаларни ғиштларни бир-бирига зич ёки маълум бир оралиқда вертикал жойлаштиришга ўрганадилар. Бунда ғиштларни узунасига ёки энсиз қисқа томони билан жойлаштиришга ўрганадилар. Масалан: шу мақсадда болалар ўз ҳайвонлари ўрдакча, кучукча учун панжаралар қурадилар. Кейинги машғулотларда болалар дарвозаларнинг турли вариантлари билан танишадилар. Буларни куб ва пластиналардан қурадилар. Тарбиячи болаларни кенг ва тор ҳақидаги тушунчаларни эгаллашлари учун, юк машинаси учун кенг дарвоза енгил машина учун тор дарвозалар қуришни таклиф этади. Битта қурилма қисмларни ўзгартириш орқали унинг қурилиш йўлларини ўзгартириш мумкинлигини болалаларга тушунтириш мақсадида тарбиячи бир нечта машғулотлар уюштиради. Ҳар бир машғулотда қатъий сисмавзу асосида янги қуриш конструкцияси билан таништирилади ва уни эски конструкция билан солиширилиб, улар орасидаги фарқ аниқлаштирилади. Болалар тарбиячининг намунасига қараб қуришни ўзлаштириб олишгач, тарбиячи болалар олдига худди шундай уйча аммо баландроқ ёки узунроқ қилиб қуришни таклиф этиши мумкин. Аввало, тарбиячи шу конструкцияни сақлаб қолиб, фақатгина уни узунроқ ёки баландроқ қилиб қуриш йўлларини олдиндан тушунтириб беради. Бу эса болаларни ақлий фаоллигини ўсишга олиб келади. Биринчи ва иккинчи кичик гурухда болаларни қуришга ўргатишда кублар, ғиштлар, пластина ва уч ёқли призмалар тўпламидан иборат қурилиш тўпламларидан фойдаланадилар. Йил давомида тарбиячи биринчи кичик гурухда тўртта олтитадан бўлиб машғулотларни уюштиради. Аста-секин гурухчалар сони кўпайтирилади, йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун гурух болалари билан ўтказилади. Кичик гурух болаларини қуришга ўргатишда турлича методлардан фойдаланилади. Болаларни нимани қуриш ва қандай қуриш кераклиги билан таништирилади. Шу мақсадда тарбиячининг қуриш намунасидан қуриш йўлларини кўрсатиш ва тўғри тушунтириш жараёни билан биргаликда фойдаланилади. Болаларни у ёки бу қурилмани қуришда ўргатишдан олдин тарбиячи болаларни ўша предмет, унинг қисмари билан уларнинг амалий

белгилари билан таништириб борилади. Масалан: тарбиячи сайд вақтида болалар билан аргимчоқни кузатади, у икки қисмдан иборат: биринчи қисм зинапоя, яъни болаларнинг тепасига чиқишлари учун, иккинчи қисми эса тушиши учун сирғалувчи қисми. Бундай мақсад сари кўриб чиқишлар, уюштиришлар ёрдамида болалар бу нарсаларни ўз қурилмаларида ижобий ҳал қилишларига ёрдам беради. Тарбиячи болаларни қуришга ўргатишида ўз намуналарини кўриб таҳлил қилиб чиқади. Олдин намуна яхшилаб кўриб чиқлади, бутун бир ҳолда, сўнг эса уларни қисмма-қисм кўриб чиқилади. Масалан: уйча деворлари, тўсиқлари ва томи. Сўнг уларнинг шакллари ва бир-бирига нисбатан жойланишлари кўриб чиқилади. Сўнг ҳар бир қисмнинг қайси қисмлардан қурилганликлари кўриб чиқилади. Масалан: уйчанинг томи, қаторма-қатор қуийлган призмалардан иборат ва ҳ.з.

Намунанинг бундай тартибда кўриб чиқиш, қурилмани бундай бунёд этишда кетма-кетликка риоя қилишга ёрдам бериб, болалар учун ҳам қуриш ясаш жараёнини анча осонлаштиради. Тарбиячи болаларни қуриш ясашнинг техник усуслариiga ўргатишида, болаларни ўzlари мустақил равишида ҳаракат қилишлари учун қуриш ясашнинг хилма-хил вариантларидан ва уни қуришнинг турли йўлларидан фойдаланишга ўргатиб борилади. Бу вақтда тарбиячи репродуктив ва эвристик методлардан биргаликда фойдаланади ёки қўллади. Ҳар бир машғулот охирида тарбиячи болаларни ўзи қурган ишларини ёки қурилмалари билан ўйин ўйнашлари учун икки-уч минут ажратиб берилади бу эса болаларда ўйин жараёнига нисбатан қизиқишини уйғотади, унда фойдаланадиган ўйинчоқлар эса болаларни қуриш-ясашга чалғитмай, балки қуриш ясашга нисбатан қизиқиши ҳавас пайдо қиласди. Тарбиячи болаларни қурилиш материаллари қисмлари номини фақатгина машғулотларда эмас, балки машғулотдан кейин уларни йиғиб қўйиш жараёнида ҳам бу нарсани ҳам амалга оширади. Масалан: қурилмаларни йиғиб терганда, олдин кублар, сўнг пластиналарни ва болалар қуриш-ясаш жараёнида шеър, кўшиқлардан, эртаклар мазмунидан эртагида улар мебель қуришда фойдаланиш болалар қурилиш ишларини яна ҳам қизиқарли бўлишига олиб келади. Шунингдек, қуриш-ясаш жараёнида баъзи болаларга саволларни амалий ҳаракат



орқали бериш мумкин. Агарда кўнгилли болалар вазифани бажаришга қийналсалар ёки билмаса унда тарбиячи қайтатдан тушунтириб беради. Болалар ишларини таҳлил қилишда фақатгина болалар ишларидан тоза ва туғрилиги қўрсатиб ўтилмай балки барча жараён, яъни, намунани қандай кўриб чиқишлиги материал қандай танланганлиги айрим ҳаракатлар қандай бажарилганлиги ҳақида тарбиячи гапириб ўтади. Ҳар бир машғулотдан сўнг тарбиячи болаларга қурилмани қандай жой-жойига тахлашни, қандай иш қўйишни мавзули равишида қўрсатиб беради. Куриш-ясашнинг оддий қурилмаларини ясашда болалар техник малакаларга эга бўладилар;



Йилнинг бошида кичик гурухда ўтилган мавзуларни такрорловчи машғулотлар ўтказилади. Масалан: Дарбоза куриш (кенг-тор, баланд), мебель, ўйинчоқларни катталигига қараб гараж куриш. Тарбиячи гараж куриб қўрсатишдан аввал болаларга машинани катта-кичиклигига эътибор беришни илтимос қиласди. Юк машинаси учун катта гараж, енгил машина учун кичик гараж куриш керак. Кейинги машғулотларда болалар тарбиячини қўрсатмаси ва намунаси асосида кўприк, автобус, юк машинасини кўра бошлайдилар. Шунда болалар цилиндр билан, ундан қурилмада қандай фойдаланиш кераклиги билан танишадилар. Ҳар бир қурилмани ўрганиш учун бир нечта машғулотлар ўтказилади. Даствабки машғулотларда болалар намуна бўйича, кейингиларида эса мустақил қуришни ўрганадилар. Масалан: Болалар намуна бўйича кўприк қуришни ўрганиб бўлганларидан сўнг, уларга мустақил тарзда баланд, кенг кўприк қуриш таклиф этилади. Бунда болалар ўзлари қурилиш материали танлаб, кўприкни конструкциясини ўйлаб топадилар. Ҳар бир мавзу, конструкция борган сари мураккаблашиб боради. Ҳар бир машғулот тарбиячи раҳбарлигига олиб борилади, баъзи бир вариантларни болалар ўзлари мустақил бажарадилар, шу орқали болаларда мустақил фикрлаш малакаси ривожланади.

Йилнинг иккинчи ярмида болалар ўз ўйлаган, истаган нарсаларини ясашлари мумкин. Бундан мақсад ҳосил бўлган малакаларни мустаҳкамлаш, мустақил фикрлашга ўргатиш ва ўйлаган нарсаларини ижодларида қўллашга ўргатиш. Биринчи ва иккинчи кичик гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг метод ва усуллари. Биринчи ва иккинчи кичик гурухларда кубиклар, ғиштчалар, пластилин, призмалардан фойдаланилади. Йил бошида тарбиячи 4-6 нафар болалар гурухи ташкил қиласди. Секин-аста гурухлар сони кўпайиб боради, йилнинг 2 яримида эса машғулотлар бутун гурух билан биргаликда

олиб борилади. Кичик гурухда қуриш-ясашга ўргатишда тарбиячи турли методлардан фойдаланади. Асосий методлар инновацион-рецептив ва репродуктив методлардир. Болаларга нимани, қандай ясаш кераклигини тушунтирилади, тарбиячи болаларга намуна кўрсатиб, тўла тушунча беради. Ўргатишдан аввал тарбиячи тасвиrlenадиган предметни яхлит ўзини, унинг қисмларини болаларга тўлалигича кўрсатиб тушунтирилади. Болалар предметни кузатишлари асосида ўз қурилмаларини кўрадилар.

Масалан: Тарбиячи сайд вақтида болаларга аввал зинапоядан тепаликка кўтарилиб, сўнг сирпаниб тушиш кераклигини айтади. Машғулотни бошида намуна яхлитлигича кўрсатилади. Сўнг намунани қисмлари, унинг шакли қандай, жойлашганлиги тушунтирилади. (Уйнинг— девори, томонлари, томи ва ҳоказо) Тарбиячининг бундай тушунтириши болалар ишини анча осонлаштиради. Болалар олган билимлари асосида ўз қурилмаларини мустақил тарзда ясай олишлари керак. Шунинг учун бирор бир қурилмани турли хил

вариантларда кўриб кўрсатиш лозим. Ҳар бир машғулот якунида тарбиячи болаларга бу қурилма билан қандай ўйнаш мумкинлигини кўрсатади. (2-3 мин) Бу пайтда болаларда ўйин фаолиятига қизиқиш уйғонади. Бу ўйин фаолияти болаларни қуриш-ясаш жараёнидан чалғитади, лекин



кичик гурухда бу янада қизиқарли ўтиши учун тарбиячи болалар билан ишлаганда эртак парчалари, топишмоқ шеърлардан кенг фойдаланиши лозим. Бу тарбиячининг маҳоратига боғлиқ. Тарбиячи қуриш-ясаш жараёнида болаларни ишларини тўғри бажаришларини, материалдан тўғри фойдаланишларини кузатиб боради. Агар тарбиячи болаларни бирон бир хатоларини кўрса, у пайтда қайтадан тушунтириб, кўрсатиб бериши мумкин. Болаларни иш фаолиятини таҳлил қилганда тарбиячи фақатгина натижаларнигина эмас, балки болалар намунани қандай кўзатганликлари, материални танлаб, бажара олишларини ҳам ҳисобга олади. Машғулот якунида педагог болаларга қурилиш материалларини йиғиб жойига жойлашни ҳам кўрсатиб беради.

**Ўрта гурухларда қуриш-ясашга ўргатишининг вазифалари.** Ўрта гурухда болаларга таниш бўлган қисмларни (кубик, ғиштча, пластилин) номлаш билан бирга, уни бир-биридан фарқлашга ҳам ўргатилади. Болалар

қурилмаларни мустақил таҳлил қилишни ўрганадилар: унинг асосий қисмларини ажратиш, уни катта кичиклиги, тузилишини фарқлаш, нарсаларни қандай жойлашганлигини

ўрганадилар. Болалар кичик гурӯҳда тарбиячини намунаси асосида кўрган бўлсалар, ўрта гурӯҳда эса, мавзуни

номланиши, ўzlари ўйлаганлари бўйича қурадилар. Шунинг учун болалар диққати қурилмани олдиндан режалаштириб, унга керакли бўлган шаклларни танлашга қаратилади. Ўрта гурӯҳда қуриш ясаш предметларини фарқлаш, уларни хусусияти билан танишиш, шу хусусиятига асосланиб предметларни гурӯхларга ажратишни ўрганадилар.

Қурилмаларни қуриш ишнинг кетма-кетлигини режалаштиришга болаларни олдиндан қисмларни шаклига, катта-кичиклигига ва мустаҳкамлигига қараб танлашга ўргатилиб борилади. Буларни қуриш жараёнида болалар цилиндр номини тўғри айтишга уни ўз ўрнида тўғри фойдаланишга ўрганадилар.

Болаларнинг ҳар бир конструкциясини ўзлаштириб олишлари учун бир неча машғулот ўтказилади. Биринчисида болалар намунага қараб қуришга ўрганадилар, кейинги машғулотларда эса, бу намунани ўzlари мустақил хал қилишга яъни конструктив масалани хал қилишга ўрганадилар. Масалан: болалар намуна асосида кўпроқ, қуришни ўрганиб олишгач, масалан, кўприкнинг таянч қисмини, кўприк қуриламларини ва машиналар учун пластик қисми, яъни тушувчи қисмини билиб олишгач, уни қуриш учун қандай қисмлардан фойдаланиш кераклигини ўргатиш орқали болаларга шу усулда кўприк, аммо баланд ёки кенг кўприк қуриш тавсия этилади. Кейинчалик, болалар ўzlарида бор бўлган қурилиш материалларидан кенг фойдаланиб, ўzlари янги кўприк конструкциясини ўйлаб топадилар. Тарбиячининг раҳбарлигига болалар битта конструкцияни бир неча мураккаблашган кўринишларда қуришга ўрганадилар. Бу эса болаларда қуришнинг турли йўллари ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради, фикрлаш қобилияtlарини ўстиради.

Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб болаларга юқоридаги вазифалардан ташқари, болаларга ўз ихтиёрлари бўйича қуриш ясашлар берилади. Бу ихтиёрий қуриш машғулотлари давомида болалар қуриш бўйича олган билим



малакалари ривожланади, мустақиллик ва ташаббускорликлар ўсади. Ўз мақсадларини ва қуриш ясаш ишларида амалга ошириш ўқувлари шаклланади. Машғулотларини уюштирганда турли-туман майда ўйинчоқлардан (одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, транспорт) фойдаланадилар. Бу эса болалар қурилиш ўйинларини янада бойитади, уни мақсад сари йўналтиради ва ўйин фаолиятларини янада ривожланишига олиб келади. Қурилиш материаллари алоҳида-алоҳида бўлакчаларга ёки бўлимларга ажратилган шкафларда сақланиши мумкин. Ҳар бир қурилиш материалларининг тури бир-биридан алоҳида сақланади, тузилишига, яъни шаклига қараб, чунки болалар ўзлари тезда ва осонликча керак қурилиш материалларини ажратиб оладилар ва ҳар бир шаклни тезроқ, ўзлаштириб олишларига ёрдам беради.

Йилнинг иккинчи ярмидан “Шаҳарча” мазмунли тўпламидан фойдаланилади, бу набор призма, кубик ва дараҳт силуэтларидан иборат. Тарбиячи болаларга янги билим бераётганда, болаларга иллюстрацияни кўрсатиб, унинг асосий қисмларини ажратиб кўрсатади. Намунани кузатиш пайтида тарбиячи болаларга улар ўртасидаги фарқ, ўхшашликни тушунтириб беради. Болаларни таҳлил қилишга жалб қилиш лозим, қурилма нимадан



иборат, унинг қисмлари қайси қисмлардан иборатлиги сўралади. Тарбиячи агар болалар хато қиласа тўғрилайди, қийналса йўлланма беради. Тарбиячи болаларга кўприк конструкциясини ўйлаб топиш вазифасини берётганда болалар билан

қисқа суҳбат ўтказади: кўприкни асосий қисмлари нимадан иборатлиги эслатиб ўтилади. Мавжуд материалдан қурилма учун керакли бўлган қисмларни танлаб олиш таклиф этилади.

Қуриш-ясаш машғулотида болаларга таниш бўлган материаллар стол устига қўйилади, уни ёнига турли хил майда ўйинчоқлар: қўғирчоқ, ҳайвон, транспорт териб қўйилади. Машғулотни бошида тарбиячи болаларни нима ясамоқчи эканликларини, ким учун, қандай материалдан фойдаланишларини билиб олади. Бунинг учун болалар керакли материални танлаб олиб, кейин қуришни бошлашлари лозим. Тарбиячи болалар ишини кузатиб, уларга ёрдам беради, рағбатлантиради. Болаларни ўзлари ўйлаб топган қурилмаларни асосан таҳлил қилинади. Болаларни қуриш-ясашга ўргатишда тарбиячи ҳар бир болага берилган вазифани мустақил бажаришга имконият берилади.

**Катта гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари.** Катта гурухда предметни таҳлил қилиш уларни характерли, белгиларини солиширишга ўргатиб борилади. Бу гурухда ўргатиш фаолиятининг оддий элементлари катта аҳамиятга эга; яъни вазифанинг тушуниши уларни мустақил бажариши. Болаларга сўзлаб бериш орқали қуриш-ясашга ўргатади. Тарбиячи болаларга ўз сўzlари орқали мавзуни расм, иллюстрациялар кўrsатиб тушунтириб беради. Асосий диққат болаларни ўз ўйлаганлари бўйича ишлашга қаратилади. Болаларда қурилмаларни мустаҳкам қуриш ғишчаларндан устунча қуриш каби янги малакалар шаклланади. Жамоа қурилмаларни қуришда (ҳайвонот боғи, кўча, болалар боғчаси) болалар бир бирлари билан бирга бажаради. Юқоридаги малакаларни болалар турли қурилмаларни ясашда эгаллаб борадилар. Баъзи қисмларни алмаштириб ясаш учун турли мавзулар танланади: уйлар, транспорт, кўприк. Бу пайтда тарбиячи мавзуни номлашни болаларга айтади. Шундан сўнг тарбиячи тайёр қурилмани болаларга кўrsатиб, худди шундай бажаришлари кераклигини айтади. Бундай машғулотларда болалар бор бўлган материаллардан мустақил равишида конструктив вазифаларни бажаришни ўрганадилар. Болаларда олдиндан, қуриладиган материални ориентирлаш малакасини шакллантириш унинг деворчалар қуриш-ясаш машғулотларини ўtkазиш мумкин. Дастребки машғулотларда болаларга оддий вазифа, яъни деворни наъмуна орқали қуриш вазифаси берилади. Тарбиячи устунчаларни қуриш, сўнг ғиштчаларни тўғри жойлаштиришни кўrsатади. Кейинги машғулотда эса болалар 2 уй қурадилар. Бу вазифа наъмунасиз бажаради. Вазифани шу тариқа берилиши ва унинг аста-секин мураккаблаштириб бориш болаларни кейинги бўладиган фаолиятга тайёрлаб беради. «Тепалик қуриш» машғулотларда болалар аввал тарбиячини наъмунасини кўриб, тепаликни баландлигини белгилаб оладилар. Шундан сўнг бу тепаликдан кантокчани думалатиб кўрадилар. Тарбиячи болаларга тепаликни баланд, пастликка кўра коптокчаларни тезва секин думалатишни тушунтириб беради. Болаларга топшириқ берилади, яъни баланд тепалик ва паст тепалик қуриш. Бу машғулотдан болалар коптокчани тез ёки секин думалатиш тепаликни баланд пастликга боғликлигини аниқлайдилар, яъни баланд тепаликдан копток тез думалайди, паст тепаликдан эса секин думалайди. Бундай машғулотлар болаларни мустақил фикрлаш қобилятини ўстиради.

Катта гурухларда қурилиш материалларидан, наборларидан фойдаланиш мумкин. Болалар намуна орқали тасвирлайдилар, тарбиячи тушунтиради, сайдра мақсадга қаратилган кузатишлар олиб боришади. Тарбиячи бу методлар ёрдамида болаларда мустақилликни ривожлантиради. Сўзлашув усули ҳам болаларда фаоллик, мустақилликни ўстиради. Тарбиячи мавзу номини айтиб

намунани кўрсатади (кема). Болалар моделни кузатиб топшириқни бажарадилар. Тарбиячи эса олдиндан бир қанча қисмларни тўплайди ва уларни болалар олдинга қўяди. Топшириқни бажараётганда тарбиячи болаларга саволлар бериб, болаларни мустақил фаолиятга ундейди. Тарбиячи болаларга гапириб беришини ўргатгандагина улар ўзлари ўйлаганлари бўйича қурилмаларни қуришлари мумкин. Қурилмаларни таҳлил қилаётганда шуни кўрсатиб ўтиш керакки, бир предметни турлича қилиб қуриш мумкин.

**Мактабга тайёрлов гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари.** Тайёрлов гурухда болаларга предметни умумий ва индивидуал хусусиятларини ажратишга ўрнатилади. Болалар нарсаларнинг қисмларини пропорциясини, симметриясини аниқ чамалашга, нарсаларни чиройли безашни ўрганадилар. Бу ёшдаги болалар олдиндан кўрмоқчи бўлган нарсаларини тасаввур қилиб, уни қандай тузилишини гапириб бера олишлари керак, бунинг учун қандай материални танлаб, ишни қандай бажарилишини билишлари лозим. Тарбиячи болаларга комплекс нарсаларни коллектив бўлиб қуришни, гурух билан қуришни ўргатиб боради. Болалар бундан ташқари мавзуни аниқлаб, керакли материаллар танлаш, бир-бирлари билан маслаҳатлашиб бирга фикрлаб қуришни ўрганадилар. Тайёрлов гурух тарбияланувчилари берилган топшириқ бўйича, расмлар орқали мураккаб бўлган турли нарсаларни ясайдилар. Қуриш - ясаш жараёнида предметлар шакли орасида боғлиқликни ўрганиш, уларни қўлланилиши алоҳида қисмларни катта-кичиклиги, конструкциясини болалар эгаллаб борадилар. Тайёрлов гурухда болалар транспортнинг турлари билан, бинолар билан танишиш катта аҳамиятга эга. Педагог асосий диққатини бинокорларни нима учун қўлланилишга (айтилади) қаратилади. Болалар олган билимларини ўз ишларида қўллайдилар. Тайёрлов гурухда болалар предмет шакли ўртасидаги боғлиқликни ўрганадилар. Тарбиячи машғулот ўтишдан аввал болаларни транспортни тури билан таништиради. Бундан ташқари болалар кемаларни турлари билан ҳам танишадилар: катта ва кичик, юқ, ҳарбий, пассажир кемалари. Тарбиячи кемаларни турларина солиштириб болаларга тушунтиради; тез юрар кемалар, узун ингичга асосга эга, юқ кемаси-кенг асосли, пассажир кемаси ҳарбий кемага қараганда кенг бўлади. Биринчи машғулотда болалар ҳарбий кема, кейингисида пассажир кемасини ясайдилар. Шу чизма асосида “шахар транспорти” мавзусида машғулот ўтказилади. Кузатиш пайтида болаларда шаҳар транспортининг турли-туманлиги ҳақида тасаввури ривожланади. Тарбиячи транспортнинг ҳар бир турини нима учун қўлланилиши такидлаб ўтади. Кейинчалик болаларда предметнинг қўлланишига кўра конструкциясини ажратиш, конструкцияни ва предметнинг алоҳида қисмларининг катта кичиклигини аниқлаш малакаси шаклланади. Бу вазифани кўприк қуриш

жараёнида ҳал қилиш мумкин. Болалар бир нечта конструкцияси билан танишадилар ва қуидаги фикрга келадилар: Қурилмаларнинг ўлчами, уларнинг қўлланилиши бўйича аниқланади. Кемалар қатнайдиган кенг ва чукур дарёга баланд ва кенг кўприк қурилади. Кўприкнинг тепа қисмида транспорт ва йўловчилар учун йўлаклар қурилади. Биринчи машғулотда тарбиячи болаларга йўловчилар учун ва транспорт учун кўприк куришни таклиф қилади. Иккинчи машғулотда болалар, ҳам йўловчи ҳам транспорт учун умумий кўприк қурадилар. Учинчи машғулотда эса болаларни ўзлари мустақил конструкция ўйлаб, уни нима учун қўлланилишини тушунтириб берадилар. Тайёрлов гурухда болаларда турли бинолар ҳақида тушунча бўлади: кўп қаватли бино, театр, вокзал, эртак-уйчалар.

Педагог асосан болалар диққатини фазовий жойлаштириш, қурилмаларини фазовий жойлаштиришга қаратади. «Кўча, шаҳар майдонларни куриш» мавзуни ўтишдан аввал педагог болаларни шаҳар бўйлаб экскурсияга олиб боради ва болалар диққатини шаҳарни қурилиши ва эстетик тузилишига қаратади. Машғулотда болаларни гурухчаларга бўлиб, ҳар бир гурухга бирор бир майдон, кўчалари куриш топширилади. Болалар турли биноларни кураётганларида уларда предметнинг асосий қисмларини ва таниш бўлган геометрик шаклларни ажратиш малакаси шаклланиб боради. Кинотеатрга экскурсиядан сўнг болалар томошабинлар зали, фойега кириш қисмини куб, призма, ярим доира шаклига эга эканлигини кўрадилар ва ўзлари кинотеатр қурганларида шу нарсаларга эътибор берадилар. Тарбиячи томошабинлар зали ва фойени қурилиш усулини кўрсатиб беради. Болалар жамоа бўлиб бирга турли мавзуларда нарсалар қурадилар (кўчалар, темир йўллар, вокзал, ҳайвонот боғлари, кинотеатрлар ва ҳоказо).



Тайёрлов гурух болалари асосан қуриш-ясаннинг қуидаги усулидан фойдаланадилар, яъни тарбиячининг топшириғи бўйича бола ўз тасаввурига таянган ҳолда расм, фото расмлардан фойдаланади. Кўпгина қурилма мавзуси берилади. Катта гурухга қарагандা бу гурухга бериладиган шартлар мураккабдир. Намуналар кўпинча расм, фото расм бўлиб, бу расмда болалар ишлатилмайдиган қурилиш материалидан қурилган қурилмалар акс этган бўлади. Баъзида тарбиячини ўзи ясаган нарсани намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Лекин бу усул бу ёшдаги болаларга тўғри келмайди. Тарбиячи

топшириқни тушунтираётганда қуриш-ясашни янги усулини қисман күрсатиб ўтади. Тайёрлов гурухыда экскурсия ва сұхбатлар болаларни қуриш-ясаш объектларини тасаввурларини қилишларига ёрдам беради. Ҳар бир экскурсия болаларни кейинги машғулотга тайёргарлигини оширишга қаратади.

Фотогалерея бүйлаб сайрда тарбиячи асосий диққатни майдон, күчаларни тузилишини, биноларни чиройли қурилғанлығын қаратади. Бирор бир майдонни тарбиячи болалар билан фазовий жойланишини, биноларни таҳлил қиласы. Машғулотта эса топшириқни тушунтириб, болалар билимнің фаоллаштиради. Машғулотни бошида ўтказиладиган сұхбатлар - болалар билимнің фаоллаштиради. Тарбиячи күпприк қураётганида болаларга эслатиб ўтилади: күпприклар ҳар хил бўлади. Йўловчилар учун ва транспорт учун ҳам кўпприклар. Машғулотни бошида, кинотеатр қуришда тарбиячи сұхбатида бинонинг асосий қисми томошибинлар зали, фойени ажратади, унинг асосий шакли, фазовий жойланишини аниқлайди. Агар машғулот бошқа бўлса-тарбиячи болалардан ўйлаган қурилмаларини, унинг нима учун қўлланиши танланган материаллар ҳақида гапириб беришни илтимос қиласы.

### **Назорат саволлари**

1. Қуриш-ясаш машғулотларини бола ривожланишидаги аҳамияти ҳақида маълумот беринг.
2. Кичик гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
- 3 Үрта гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
- 4 Катта гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
- 5 Мактабга тайёрлов гурухларда қуриш-ясашга ўргатишнинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.
2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014
4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда аппликация машғулотлари. Т., 2014.
5. Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007
6. “Бола шахсини ривожланишининг долзарб муаммолари”. Халқаро илмий – амалий анжуманининг теъзис ва мақолалар тўплами. 2008 йил.

7. Джалаева Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
8. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А- Приор, 2010.
9. Ишмухамедов Р., ва бошқ. Таълимдаинновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учунамалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
10. Хасанова Ш.Т.Эстетик тарбия методикаси. Маъruzалар матни Низомий номли ТДПУ., 2014.



# **АМАЛИЙ МАШӮЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-амалий машғулот: Тасвирий фаолият машғулотларини үтказиш технологиялари. (2 соат)**

**Ишнинг мақсади.**

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият билан таништириш машғулотларини үтказишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни тасвирий фаолият билан таништириш орқали меҳнатсеварлик, мустақиллик қўникмаларини шакллантиришда турли шакл, усул ва воситалардан фойдаланиш.



Ҳар бир болани ҳаётда, давлатимизнинг моддий ва маънавий ривожланишида фаол иштирок этадиган қилиб тайёрлаш учун унга фақат билим бериб тарбиялашгина камлик қиласди, унинг шахсий қобилиятини ривожлантириш, янгилик яратишни ўргатиш, гўзаллик қонуни бўйича яшаш ва ижод қилишни шакллантириш лозим. Ҳаёт гўзаллигини қўришга интилиш инсонни олижаноб қилиб тарбиялади, унинг кундалик ишини эстетик роҳат-фароғат манбаига айлантиради. Болалар кўнглида гўзаллик ва юксак ғоялар ҳиссини уйғотишга даъват этишда тасвирий фаолиятнинг ўрни ғоят каттадир.



“Болажон” таянч дастурида катта ёшдаги болаларда меҳнатсеварлик, мустақиллик, меҳнати натижасидан қоникиш сифатларини шакллантириш, ҳунармандчиликка қизиқтириш, халқ амалий санъати турлари билан таништириш таъкидлаб ўтилган.

Тасвирий фаолияти бўйича ишни маълум бир вақтга режалаштиришда, шу даврда фаолиятнинг бошқа турлари бўйича ҳам амалга ошириладиган таълим-тарбиявий ишларни ҳам назарда тутмоқ лозим. Тасвирий фаолияти бўйича машғулотларни режалаштиришда, албатта тасвирий фаолият машғулотлари ўртасида ўзаро боғлиқликни ҳам ҳисобга олмоқ зарурдир.

Тасвирий фаолиятининг ҳар бир тури ўзига ҳос вазифаларни ҳал этади, аммо қандай бўлсада, уларни бир йўналиш, мақсад бўйича (теварак-атроф ҳаётни хилма-хил ўзига ҳос кўринишларида тасвирий) бирлашадилар.

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият билан танишириш орқали болаларда меҳнатсеварлик, кўникмаларини шакллантиришда турли шакл, усул ва воситалар ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, кўргазмали метод орқали расмлар, касблар билан таниширилади. Оғзаки методларга тарбиячининг болалар билан ва болаларнинг ўзаро суҳбатлари киради. Амалий методда болалар ўзлаштирилган билимларини турли ўйинлар орқали мустаҳкамлайдилар. Бу усуллар орқали машғулотларни ранг-баранг ҳамда қизиқарли ташкил этилади. Шунингдек, меҳнат билан танишириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг узлуксиз, изчил, мақсадга мувофиқ ташкил этилиши ҳам тарбияланувчиларнинг машғулотлар жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлайди.

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият машғулотларида болалар билим ва кўникмаларини шакллантириш қуйидаги шартларга қўра амалга оширилади:

■ машғулотларни ташкил этишда мақсадни аниқ белгилаш (аниқ мақсад асосида машғулотларнинг ташкил этилиши ўз навбатида вазифаларнинг тўғри белгиланиши, машғулот жараёнининг умумий ҳолатини олдиндан башоратлай олиш натижаларнинг тахминий бўлса-да, белгилаб олиниши учун шароит яратади);



■ машғулотларни пухта режа ёки лойиҳа асосида ташкил этиш (ушбу ҳолат аниқ мақсад негизида хусусий мақсадларни аниқлаш, машғулот жараёнининг умумий даври ҳамда босқичларида амалга оширилиши талаб этилувчи вазифаларнинг мавжуд вазиятга мувофиқлигини назорат қилиб бориши, машғулот жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чоратадбирларини кўриш, ҳар бир босқичнинг ягона тизим мазмунига мувофиқ келишига эришиш борасида имконият яратади);

■ машғулотлар режасини ишлаб чиқишида тарбияланувчиларнинг хоҳишистаклари, қизиқишилари ва эҳтиёжларини инобатга олиш (назарда тутилаётган ҳолат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини

машғулотларга жалб этиш, уларнинг машғулотлар жараёнида фаоллик кўрсатишлариға эришишни кафолатлади);

■ машғулотлар жараёнида ҳар бир тарбияланувчига нисбатан уларнинг психологик ҳамда физиологик хусусиятларини эътиборга олиш асосида индивидуал ёндашиш (қайд этилган ҳолат тарбияланувчиларнинг машғулотлар жараёнида руҳан ва жисмонан толиқиб қолишларининг олдини олади, ҳар бир тарбияланувчига унинг ички имкониятлариға мос келувчи топшириқларнинг берилишини таъминлади);

■ машғулот жараёнида ушбу жараённинг асосий субъектлари бўлган тарбияланувчилар шахсининг хурмат қилиниши, ҳар қандай кўринишдаги фаоликларини рағбатлантирилиб борилишига эришиш (мазкур ўринда рағбатлантириш усуслари сифатида маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зоро, мактабгача тарбия ёши болаларнинг психологик хусусиятига кўра улар ўзларининг энг оддий хатти-харакатлариға нисбатан ҳам атрофдагилар эътибор бериларини, қўллаб-қувватлашларини истайдилар. Атрофдагилар томонидан болаларнинг жуда оддий даражада бўлса-да, динамик хусусиятга эга хатти- харакатларининг “Жуда соз”, “Баракалла”, “Буни уддалай оласан деб кутгандим, янгишмаган эканман”, “Берилган топшириқни сифатли қилиб бажаришингга ишонаман”, “Жуда сифатли бажарилибди” каби олқишлиар ёрдамида рағбатлантирилиб бориши уларнинг машғулотларга бўлган ёндашувларини кескин даражада ижобий аҳамият касб этишига олиб келади. Болада тарбиячи томонидан берилаётган топшириқни ўз вақтида, сифатли бажарилишига нисбатан масъулиятли ёндашувни қарор топтиради, шунингдек, талаб этилаётган қоидаларга қатъий амал қилиш кўникмалари шаклланади).

■ машғулотлар жараённинг оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришига эришиш самарали натижаларга эришиш имконини беради. Тасвирий фаолият билан таништириш мазмуни билан боғлиқ бўлган билимлар атроф-оламда болалар фаолиятини ва уларнинг ўзини тута билишини, интизомини бошқариб туряди ва мақсад сари йўналтиради. Инсон қайси соҳада ишламасин, у адабиётчи, географ ёки химикми, у нафосат ва гўзалликларни кўра олиши ва тушуна олиши керак.

Мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолияти бўйича ишларни режалаштиришда асосий тамойил – бу тасвирий фаолиятини таълим тарбиявий ишнинг энг муҳим бўлимларидан бири сифатида қараш ҳисобланади.

Тасвирий фаолияти турлари – расм чизиш, лой билан ишлаш, апликация ўзига хос тасвирий техникасига эгадир. Тасвирий фаолияти бўйича ишни режалаштиришда тарбиячи албатта ҳар бир турдаги машғулотлар сонига

қатъий риоя қилиш лозим. Тасвирий фаолияти бўйича машғулотларни режалаштириш, юқоридагилардан ташқари машғулот қандай материаллари билан ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлишларини ҳам тарбиячи назарда тутмоқ лозим.

Масалан, лой билан ишлашда – лой ёки пластилин, расм чизишида – гуашь, рангли қалам, кўмир таёқчаси ва ҳоказо. Шунингдек, тарбиячи машғулотнинг дастур мазмунини танлашда, болаларга қандай предметларни чиздириш ҳақида эмас, балки шу предметни чиздириш ёки лойдан ясатириш орқали қандай билим ва қўникма бериш ёки ўргатиш ҳақида кўпроқ ўйлаши лозим. Ихтиёрий машғулотлари режалаштиришда эса тарбиячи болаларнинг мустақиллиги ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам берувчи ўргатиш усуллари тўғрисида ўйлаб олиш керакдир. Тарбиячи ишларни режалаштиришда у ёки бу гуруҳ бўйича дастур қўйган вазифаларни барчасини эътиборда тутган ҳолда иш режасини тузади.

Шунингдек, тасвирий фаолиятлари бўйича бир ойга мўлжалланган истикбол режа тузиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда тарбиячи тасвирий фаолияти машғулотлари ўртасидаги ўзаро боғланишни ҳам назарда тутади. Шундай қилган такдирдагина, болалар маълум билим, малака ва қўникмага эга бўлишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари тасвирий фаолият турлари ўртасидаги ўзаро боғланиш натижасида теварак-атрофни бадиий жиҳатдан ўзлаштиришларнинг янги-янги йўллари вужудга келади ва болалар теварак атрофни образли қилиб тасвирнинг турли хил усуллари билан танишадилар. Демак, тасвирий фаолияти турлари ўртасидаги ўзаро алоқа ишларини режалаштиришда катта аҳамиятга эга экан, хўш бу ўзаро боғланиш қайсилар экан?

1. Тасвирий фаолиятига таълим-тарбия ишининг муҳим бўлаги деб қарашиб ҳамда расм чизиши, лой билан ишлаш, аппликация машғулотларини режалаштиришда дастурнинг барча бўлимлари ўртасидаги ўзаро алоқа, боғланишни доимо диққатда тутиш лозим. Яъни, теварак-атроф билан таништириш ва мусиқа машғулотлари ва ҳоказо. Булар тасвирий фаолияти учун қизиқарли ҳодисалар ва воқеаларни танлашга ёрдам беради.

2. Тасвирий фаолиятининг барча турлари теварак-атроф ҳаётни образларда тасвирлайди, аммо ҳар бири ўзига ҳос хусусиятга эга эканлиги ҳисобга олмоқ зарур. Расм чизиши – предмет ва воқеаларни рангда текис юзада тасвирлайди, лой ҳажмларда аппликация – рангда, силуэт равищда. Шунингдек, ҳар бири ўзига ҳос тасвир техникасига эга: расм чизиши чизиқли график равищда, ранг тасвир усулида, лой-пластик равищда аппликация - қоғоздан қирқиши ва алоҳида қисмлардан тузиш.

3. Даструрда тасвирий фаолияти турлари олдига қўйилган вазифаларнинг ҳам ўзаро алоқада эканлигидир. Масалан, болалар ранг билан расм чизишда ва шу билан бир вақтда аппликацияда ҳам танишиб борадилар.

4. Тасвирий фаолияти турлари ўртасидаги боғланиш тарбиячига расм чизиш, лой, аппликация бўйича вазифаларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, кичик груп доиравий шаклларни ўргатишда, олдин тайёр доира шаклларини аппликацияда берган маъкул, сўнг эса расм чизиш машғулотларида берган маъкул.

5. Тасвирий фаолияти турлари ўртасидаги боғланиш маълум бир мавзудаги машғулотлар асосида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, “Бўғирсоқ” ни болалар ҳам чизиш, аппликация ва лойдан ясами мумкин. Бу турдаги тақрорланиш болаларнинг мавзуга нисбатан қизиқишлигини пасайтирумайди, чунки ҳар бир фаолият тури жараёнида болалар эртак қаҳрамонларини хилма-хил тасвирининг янги усул ва йўллари билан танишадилар.

6. Тасвирий фаолияти машғулотларни тўғри режалаштиришда, машғулотлар ўртасида уларнинг даструр вазифалари, мавзулар ўртасида боғланиш вужудга келадики, бунинг натижасида болаларнинг янги малака ва кўникмаларини ва билимларни эгаллашларида маълум кетма-кетлик ва боғланиш вужудга келади. Масалан, “Қушлар” мавзуси асосида олиб борилган машғулотлар жараёнида болалар дон чўкиётган қушни лойдан ясашни, шоҳда ўтирган қушни расмини чизишни, афсонавий қушни қандай қилиб, қофоздан қирқиб олишни билиб оладилар.

7. Шунингдек, тасвирий фаолияти бўйича ишни режалаштиришда фақатгина уларнинг турлари ўртасидаги кетма-кетликни назарда тутмай, балки ҳар бир турдаги машғулотлар ўртасида ҳам боғланиш ўрнатиш ва уларни диққатда тутиш лозим. Масалан, предметли расм чизиш лой ишларидан кейин мазмунли ишларни режалаштириш лозим.

Тасвирий фаолияти бўйича ишни режалаштиришда тарбиячи болалар билан ишлашда фойдаланадиган метод ва усулларига ҳам аҳамият бермоғимиз лозим. Булар кўрсатмали ва оғзаки метод ҳисобланади. Кўрсатмали ва оғзаки методнинг ўзаро биргаликда олиб борилиши лозим. Демак, тарбиячи тасвирий фаолияти бўйича ишларни режалаштиришга жуда катта аҳамият бермоғи лозим экан. Тарбиячи ишни режалаштиришга қандай аҳамият берган бўлса ишни ҳисобга олишга ҳам шундай эътибор бермоғи лозим бўлади. Чунки бу нарса – тарбиячига тасвирий фаолиятига ўргатиш бўйича даструр вазифалари талаблари қандай бажарилганлиги аниқлашга ва машғулотларни сифатли чиқиши учун қандай тайёргарлик ишларини кўпроқ олиб бориш лозимлиги, ҳамда ўргатишларнинг янги хилма-хил метод ва усуллари устида кўпроқ ишлаш лозимлигини аниқлаб олишга ва кейинчалик улардан болалар билан ишлашда

фойдаланиш учун янги-янги имконият яратиб беради.

#### **4-амалий машғулот: Мактабгача ёшдаги болаларни расм чизиш фаолиятига ўргатиш. (4 соат)**

**Ишнинг мақсади:** Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг расм чизиш малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Чизилган расм ишларини таҳлил қилиш, турли ёш гурухлари учун расм чизиш машғулотларининг интерфаол ишланмаларини ишлаб чиқиши.

**Алоҳида предметларнинг расмини чизишга ўргатишда** шаклларни тасвирлаш жараёнидаги хатоликлар фақатгина боланинг нотўғри тушунчалари ва қўникмаларнинг етарли эмаслиги предметни тўғри идрок этишини билмаслиги билан тушунтирилади. Боланинг тасвирлай олиш қобилияти ҳали яхши ривожланмагани учун унинг олдида фикр юритиб тасвирлаш каби қийинчиликлари ҳам туради. Расмда шакл тўғри контур билан чегаралаб чиқилган, лекин шу билан бирга ишнинг 1-босқичлари чизикларни тўғри аниқ чизиш ва контурларни (аниқлаш) тасвирий, расмда ишлаш жараёнининг вазифаси бўлиб ҳисобланмайди. Агар умумий шакл топилмаган бўлса, контурни тўғри чизик билан чизиб бўлмайди, чунки у ҳар доим ўзгарувчан, шунга қараб уни чизиш ҳам ўзгаради, яъни нитижаси, расмнинг охири йўналиши ҳам ўзгарувчандир.



Барча ёш гурухлар учун расм чизиш фаолиятига ўргатишнинг асосий умумий вазифалари қуйидагилар:

1. Предметнинг шакли ва тузилишини тасвирлашга, уларнинг қисмларини ўзаро пропорциялашни кўрсатиб беришга, ҳаракат нитижасида уларда ўзгатишларда ўргатиш.
2. Тасвирлашнинг образли, ёрқин қисмларни тасвирлашга ўргатиш.
3. Предметнинг рангини, унинг мазмуни ва образ характерини ўзаро бирлаштириб беришга ўргатиш.
4. Бўёқ, рангли қалам ва бошқа материаллар билан чизишда техник қўникмаларни ривожлантириш.



### **Сюжетли расм чизиш.**

Сюжетли расм чизишнинг мақсади боланинг атроф-муҳитдан олган таассуротларини ифодалашга ўргатишидир. Сюжетли расм чизиш ўрта гурухдан бошлаб киритилган. Бунда ҳам ёнма-ён турган 2-3 та предметни тасвирлаш ўргатилади. Сюжетли тасвирда предметларнинг бир-биридан ажратиш учун унинг

ўлчамини, фазодаги ўринларига қараб, предметларнинг катта ёки кичиклигини ўргатиш керак. Мактабгача ёшдаги бола учун предметлар орасидаги фазовий муносабатларни фарқлай олиш жуда қийин.

Сюжетли расм чизиш ўргатишнинг умумий вазифалари қуйидагилар:

- ✓ Мавзунинг мазмунини ифодалашда унинг асосини ажратишга ўргатиш.
- ✓ Объектлар орасидаги ўзаро алоқани тасвирлашга ўргатиш.
- ✓ Объектлар орасидаги пропорционал жойлашувни тасвирлашга ва уларнинг фазодаги ўринларини кўрсатишга ўргатиш.

**Декоратив расм чизиш.** Декоратив расм чизиш тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари каби болада эстетик туйғуни ривожлантиради. Болаларни халқ



ама  
лий  
сан  
ъати  
нам  
уна  
лар  
и  
бил  
ан

таништиришда тарбиячи ватанпарварлик руҳини шу санъат асарларини яратоётган одамларнинг меҳнатига ҳурмат каби туйғулар тарбияланади.

Декоратив расм чизиш қуидаги умумий вазифаларни ўз ичига олади:

- ✓ Нақшнинг турлича шаклларини боғлиқ ҳолда композицион ҳисни шакллантириш;
- ✓ Ранг қобилиятларини ривожлантириш;
- ✓ Халқ амалий санъатининг стилларининг фарқлашга ва уларнинг алоҳида элементларини болаларнинг ўз ижодида фойдаланишга ўргатиш;
- ✓ Қалам ва мўйқалам билан чизишнинг техник кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Болаларни декоратив расм чизишга ўргатишида тарбиячи уларда нақш компонентларининг ўзаро боғлиқлигини, рангини, композициясини шакл элементини кўришга ўргатади. Декоратив расм чизишда ранг қобилиятининг ривожланиши асосий масала бўлиб ҳисобланади. Болаларда расм чизиш кўникмаси асосан оғзаки нутқ орқали амалга оширилади. Масалан: бола биронта қиз, уй расмларини чизиб, унга кичик эртак ҳам тўкиши мумкин. Маълум мақсадли расм болага кўрсатилаётганда аниқ мақсадга эга бўлиши керак. Бола кўрсатилаётган расмни кўриб чиза олади. Болаларга ишланган расмлар намунасидан кўрсатиб қуидагиларга алоҳида эътибор беришларини эслатиш керак. Масалан: предметларнинг пропорционал, симметрик жойланганлиги уйлар, дараҳтлар, самолётнинг парвоз қилаётганини чиздириш орқали болаларда таҳлил-синтез усулидан фойдаланиш муҳимдир.

Юқорида қайд қилинганидек, қуидагиларга аҳамият бериш керак:

- ✓ Мавзунинг мазмуни аниқ бўлишига;
- ✓ Объектлар орасидаги боғланишга;
- ✓ Маълум мақсадга йўналтирилган мавзу бўлишига эътибор бериш керак.

Бу ёшдаги болаларга рангли қаламлар берилиб мақсад айтилади. Масалан, бола кўк рангда-ўтларни, ҳаво рангда-сув, сариқ рангда-қум кўринишида тасвирлай оладилар. Бунда албатта тарбиячининг билимдонлиги катта маҳорат талаб қиласи.

Мактабгача таълим муассасасида трафарет, шаблон асосида чизиладиган буюмларни, шаклларни чизишга, қирқиши, елимлашга, ясашга ўргатилади.

**Трафарет**-қалин қоғоз, юпқа картон, тунука, пластмассадан тайёрланадиган турли мураккабликдаги нақши таркиб топтирадиган тирқишлир қилинган пластиинкадир. Трафаретдан кўп карра такрорланувчи расмлар, ҳарфлар, ёзувларни олишда фойдаланилади.

Трафарет орқали мўйқаламда бўёқ берилади. Бу мақсадда маҳсус мўйқаламлардан фойдаланиш мумкин. Мўйқалам билан бериладиган бўёқ қуюқроқ бўлиши керак, акс ҳолда у трафарет тагига оқиб тушиши мумкин. Кўп рангли расмларни бажаришда бўёқлар белгиланган изчилликда тартиб билан берилади.

Трафарет, шаблон тайёрлаш учун тасвирни чизиб олинади ва кесиб олинади, сўнгра қайчини узмасдан қирқишига ҳаракат қилинади. Агар узиб - узиб қирқилса тасвир нотўғри чиқиши мумкин. Трафарет шаблон 2 хил усулда бўлади:

1. Оддий трафарет.
2. Мураккаб трафарет.

Оддий трафарет - деб бир қисмдан иборат бўлган тасвирга айтилади.

Мураккаб трафарет- деб, 3-4 қисмдан иборат бўлган шаклга айтилади. Ҳар бир бажарилаётган ишга эътибор, меҳр, дид, фаросат талаб этилади.

**Шаблон** - бутқул қабул қилинган намунадир. Керамика саноатида лаган, тарелка, чашкаларни тайёрлашда доира шаблон қўлланилади. Доира ва қайтарма шаблондан симметрик шаклдаги моделларни ясашда фойдаланилади.

Оддий, мураккаб трафарет ва шаблон намуналари: картошка, пўкак ва ўчириғичдан ясалган муҳрдан фойдаланиб чизилган расмлар болалар учун қўлайлик яратади.

Мактабгача таълим муассасаларининг катта ва тайёрлов гурухларида кўнгил очар соатларини мазмунли ўтказиш учун шаблон, муҳр, трафарет ёрдамида эртак қаҳрамонларини тайёрланади.

Қоғозни бўяшда қуйидаги бўёқ ва мосламалардан фойдаланилади.

**Акварел бўёқлар**- сувда эритилади, тюбиклардаги акварел бўёқлардан

фойдаланиш жуда қулай.

**Мой бўёқларнинг**- тайёр аралаштирилганини олиш лозим. Қуюқ пастасимонидан фойдаланиш мумкин.



**Қуюқ бўёқларнинг**- энг яхшилари тоза, очиқ ранглари бадиий бўёқлар дейилиб, герметик ёпиқ идишларда бўлади. Бўёқ танлашда фақат уларнинг рангигагина эмас, балки хусусиятларига ҳам эътибор бериш керак.

Қоғозни бўяшда сабзавот меваларни яъни қизил сабзи, сариқ сабзи, лавлаги, ўсма, турп, помидор, мандарин сувларини сиқиши орқали бўёқ тайёрлашимиз мумкин. Уларни қирғичдан ёки майдалаб тўғраш орқали сиқиб олинади. Ҳосил бўлган рангларни алоҳида оғзи беркитиладиган идишларда сақлаш мумкин.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

- 1.** Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.
- 2.** Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
- 3.** “Билимдон” дастури. Т.: 2014
- 4.** Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда аппликация машғулотлари. Т., 2014.
- 5.** Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007
- 6.** “Бола шахсини ривожланишининг долзарб муаммолари”. Халқаро илмий – амалий анжуманининг теъзис ва мақолалар тўплами. 2008 йил.
- 7.** Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
- 8.** Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А- Приор, 2010.
- 9.** Ишмуҳамедов Р., ва бошқ. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
- 10.** Хасanova Ш.

### **5-амалий машғулот: Мактабгача таълим муассасаларида лой иши машғулотлари. (2 соат)**

**Ишнинг мақсади:** Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг лой иши малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Чинни хамирни тайёрлаш, мазкур маҳсулот билан ишлаш усулини ўргатишишларини таҳлил қилиш, турли ёш гурухлари учун лой иши машғулотларининг интерфаол ишланмаларини ишлаб чиқиши.

**Пластилин** доимий ҳолда ишга тайёр бўлади. Пластилиндан предметлар тасвирини яратиш мумкин. Пластилин иссиқда юмшаб, совукда

қотиши хусусиятига эгадир. Шу боисдан пластилин совук хонада сақланса, уни ишлатиш олдиdan иссиқ сувга солиб олиш лозим. Пластилинни қўлда ушланиб турилса, албатта у юмшайди ва иш ҳолати яхшиланади. Аммо уни узоқ қўлда ушлаб турмаслик керак. Чунки, уни узоқ қўлда ушлаб турилса, ўз ҳолатини йўқота бошлайди.

Пластилиндан асосан кичик моделларни ясашда фойдаланилади. У **сунъий пластик масса** бўлиб лойга ўхшаб, қурилмаслиги ва доимо ишлатишга тайёрлаш билан фарқланади. Пластилиннинг ҳар хил - оддий ва мураккаб турлари мавжуд.

**Лой** нарсалар ясашда асосий материал ҳисобланади. Чунки у исталган жойда топилади, арzon ва қайишқоқдир. Лойнинг таркибида бошқа нарсалар (тош, қум ва шу кабилар) бўлмаслиги керак. Лой ўзининг хоссасига қўра юмшоқ, ёпишқоқ, илашувчан, яхши текисланиш ва исталган шаклга кириш хусусиятига эга бўлиши керак. Лой билан ишлаганди асосан оддий асбоблар: оддий конструкциядаги ёғоч ва стеклардан фойдаланилади.

Бундай лойни тайёрлаш учун тупроқ танланади. Тупроқ жигарранг, қўнғир бўлиб, улар икки хил хусусиятда, қуруқ ва ёғли бўлади. Ёғли тупроқ қуруқ тупроққа нисбатан намлиги яхши, ёпишқоқ, юмшоқ, текисланиш ва пардозланиш хусусияти яхши бўлади. Тупроқни текшириш одатда бир сиқим тупроқни олиб, сувга солинади, ёпишқоқлиги, илашимлиги текширилади.

Лой тайёрлашни бир неча усуслари мавжуд.

1-усул: лой тайёрлаш мумкин бўлган тупроқни танлаб, уни яхшилаб эзилади ва элакдан ўтказилади. Сўнгра уни ёғоч ёки пластмасса идишга солиб, сув қуйилади, сув тўла шимдирилгандан сўнг 1-2 кун сақланади, сўнгра яна сув қуйиб, қорий бошланади. Лой ёпишқоқ, ягона массали, қўлга ёпишмайдиган, яхши силлиқланиш ва эластиклик ҳолатига етгунча ишланади. Сўнгра, лойни полиэтилен халтага солиб, ҳаво ўтказмайдиган ҳолда ўралади. Ундан бир неча машғулотда фойдаланиш мумкин. Чунки, бу ҳолда лойни бир ой, ёки икки-уч ой ёки йиллаб сақлаш мумкин.

Лой қанча кўп сақланса, у шунчалик ёпишқоқ, эластиклик ва силлиқланиш хусусияти ортиб боради.


2- усул: Чамаси 1кг тупроқ эланади. Духовкада 20 минут қизитиб, совугандан сўнг, 25 грамм паҳтани майдалаб солинади. 200 грамм ёғ қуйилиб,



кераклигича сув солинади. Лойга ишлов берилиб, қорилади. Лойни ҳўл матога ўраб, полиэтилен халтада 2 сутка тиндирилади. Бундай лойни кўп марта ишлатса бўлади.

Машғулотларда тайёрлаб қўйилган лойдан маълум қисми олинниб, унга яна ишлов берилади. Қўлга ёпишмайдиган ҳолга келгунга қадар ишланади. Лой қўлга ёпишмайдиган, лекин ўз массасига яхши ёпишадиган ва пластиклик ҳолати яхши бўлса, бундай лойдан ҳар қандай шакл ясаш мумкин бўлади.

Тасвирий фаолият машғулотларда ясаладиган материаллар хилма-хилдир. Бугунги кунда афзаллик полимер лойга (чинни хамир)га берилади.



Полимер лой ёки чинни хамир.

Полимер лой ёки чинни хамирнинг келиб чиқиши тарихига кўра Аргентинада ихтиро қилинган бўлиб, ундан ажойиб гуллар, шакллар яратилади, бугунги кунда бу материалдан ноёб маҳсулотларни яратиш имконини беради. Визуал қарашда у чиннига ўхшайди, ундан тайёрланган маҳсулот ҳавода қотиб қолади. Бундай материалдан тайёрланган совғаларни болалар ҳам тайёрлашлари мумкин. Соғлиқ учун хавфсиз, қийматлиги бўйича арzon, юмшоқ, у билан ишлаш завқли ва ундан ясаладиган нарсалар узоқ сақланади. Фантазия, дидни ривожлантиришга хизмат қиласиган аъло даражадаги қизиқиши ҳамdir.

Тўғри тайёрланган чинни хамир ўзининг хоссасига кўра юмшоқ, илашувчан, яхши текисланиш ва исталган шаклга кириш хусусиятига эга бўлади. Бу материал билан ишлаш учун чукурлаштирилган маҳсус билим ва кўникмалар шарт эмаслиги, мактабгача ёшдаги болалар учун айни муддаодир.

Бундай лойни тайёрлаш усуллари хилма-хил.

**1- усул:**

- ✓ 3 ош қошиқ елим ПВА;
- ✓ 2 ош қошиқ писта ёғи;
- ✓ 1 ош қошиқ глицерин;
- ✓ 4 ош қошиқ жўхори крахмали;
- ✓ 3/1 ч қошиқ лимон кислотаси.

**Тайёрланиши:**

Барча ингредиентлар аралаштирилади, ишлов берилади, хамир тайёр бўлади. Хамирни ёғланган стол устига ағдарилади, ишлов берилади. Неча хил ранг керак бўлса, шунча қисмларга бўлинниб, керакли ранг гуашьсолинади, (бўяш учун фақат гуаш ишлатилади). Хамирни хона ҳароратида 3 соатга

ёғланган полиэтилен халтага солинади ва тиндирилади. Ишлатишга тайёр бўлган хамирдан лой иши маҳсулотларини ясаган каби ясалади. Хамир 4 ҳафтагача сақланади.

2- усул:

- ✓ 200 грамм жўхори крахмали.
- ✓ 200 грамм елим ПВА.
- ✓ 2ош қошиқписта ёғи.
- ✓ 1 ош қошиқ глицерин.
- ✓ 3/1 ч қошиқ лимон кислотаси.



Тайёрланиши:

Барча ингредиентлар аралаштирилади. Буғли ҳаммомга қўйилади. 7-10 дақиқа ичидаги аралашма қўйилиб, хамир тайёр бўлади. Хамирни ёғланган стол устига ағдарилади, ишлов берилади. Нечаки ранг керак бўлса, шунча қисмларга бўлинниб, керакли ранг гуашь солинади (бўяш учун фақат гуашь ишлатилади). Хамирни хона ҳароратида 3 соатга ёғланган полиэтилен халтага солинади ва тиндирилади. Ишлатишга тайёр бўлган хамирдан лой иши маҳсулотларини ясаган каби ясалади. Хамир 2 ҳафтагача сақланади.

Пластилин, лой, полимер лой ёки полимер лой ёки чинни хамир билан бажариладиган барча ишлар кўлда бажарилади.

Пластик материаллар билан ишлаш тасвирий санъатнинг бир тури ҳисобланиб, **ҳажсли** ёки **рельефли** образлардан бутун композиция ясаш тушунилади. **Моделлаштириш техникаси** турли ва ранг баранг бўлиб, шу билан бирга кичик ёшдаги болалар ҳам бажара олиш имкониятига эгадирлар. Фазовий тасвирларни моделлаштиришда пластик материаллардан нарсаларни ясаш ажойиб имкониятларни беради.



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури.

Т.: 2016.

2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017

3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014

4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б.Р.  
Мактабгача таълим муассасаларда апликация




машғулотлари. Т., 2014.

5. Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007
6. "Бола шахсини ривожланишининг долзарб муаммолари". Халқаро илмий – амалий анжуманининг теъзис ва мақолалар тўплами. 2008 йил.
7. Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
8. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А- Приор, 2010.
9. Ишмуҳамедов Р., ва бошқ. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: "Истеъдод" жамғармаси, 2008.
10. Хасанова Ш.

#### **6-амалий машғулот: Мактабгача таълим муассасада апликация ишига ўргатишнинг вазифалари ва турлари (4 соат)**

**Ишнинг мақсади:** Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг апликация қилиш малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Апликация турларини ўргатиш ва ишларини таҳлил қилиш, турли ёш гурухлари учун апликация машғулотларининг интерфаол ишланмаларини ишлаб чиқиши.

**Предметли апликация** - болалар қоғоздан қирқиши ва фонга алоҳида предмет тасвирларини ёпишишириш маҳоратини ўзлаштирадилар. Фаолият хусусиятига кўра атрофдаги предметларни анча умумлашган шартли тасвирий ўйинчоқлар, халқ амалий санъати намуналарида ифодалаш мумкин бўлади.



Бошланғич босқичда тарбиячи-педагог тайёрлаган қисмлардан предметни елимлайди: - турли рангдаги иккита копток, яримта бўлаклар, қўзиқорин-



қалпокча ва оёқча; аравача - тўртбурчак асос ва думалоқ ғилдираклар. Болалар шакли, тузилиши, ранглар бирикмалари, ҳажми, фарқланган предметларни тасвирлашлари мумкин.

Предметли аппликация учун катта ҳажмдаги материалларни танлаш керак бўлади. Масалан, узумнинг катта барглари, эман, заранг, тоғ терак, каштаннинг катта барглари ёки тут барглари бўлиши ҳам мумкин.

**Декоратив аппликация**- турли безаклар ҳосил қилиш билан боғлик бўлган фаолият тури. Декоратив аппликацияда болалар қирқиш маҳоратини



ритм,

симметрия бўйича турли ранг бирикмаларини турли безак элементларини бирлаштириш, қирқиш маҳоратини ўзлаштирадилар. Бу машғулотларда болалар предметларни декоратив стиллаштириш, уларни тузилишига аҳамият бериш, намуналарни янги сифатлар билан бойитишни ўрганадилар. Бу машғулотларда болалар яна қўйидагиларни ўрганади: предметларни ўзгартириш, уларнинг тузилишини умумлаштириш, намуналарни янги сифатлар билан таққослаш.




**Мазмунли аппликация** - ўз олдига қийин масалаларни кўяди ва баъзи бир қоидаларни бажарилишини талаб қиласди: ранг, шакл бўйича бир-бирларига тўғри келадиган табиий материалларни йиғиш керак. Масалан, барглар ва чиғаноклар ва майда тошлар, сомон, тахта қипиқлари, қуриган шохчалар, данаклар ва ҳоказолар. Асосий эътиборни фон ва

материаллар ранги мослигига қаратиш лозим.

Сюжетдаги тасвирларга асосий қаҳрамонларни ёркин ранг билан композицион ечим қилиб олиш, яъни алоҳида эътибор қаратиш керак.

Сюжетли мавзуу аппликация сюжет ёки мавзуу билан боғлик предметларни ёпиштириш ва қирқиш маҳоратини



мўлжаллайди. Бунда асосан бола олдига қўйидаги масалалар қўйилади:

- ✓ предметларни қирқиши, бир-бiri билан таққослаганда уларни ҳажм бўйича фарқлаш;
- ✓ асосий предмет, асосий қаҳрамонлар юзини кўрсатиш, вазият ва ҳаракат жойи билан уларни боғлаш.
- ✓ асосий ҳажм, ранг билан бўрттириш;
- ✓ персонажларнинг феъл-автори, ўзига хослиги ва уларнинг имо- ишора, ҳолати, кийими, рангини кўрсатиш;
- ✓ предметларни ясси жойда жойлаштириш: бир чизикда, қаторда горизонтал ва вертикал бўйича предметларни бўйини кўрсатган ҳолда.

Ҳар бир гуруҳда бу масалалар турлича амалга оширилади. Уларнинг мураккаблашиши билим, маҳорат ва малака даражасига боғлик, атроф-оламнинг ҳар хиллиги турли сюжетларни аппликацияда акс этиши учун бой материал тақдим этади.

Катталарнинг мақсади- бу фаолликни қўллаш, сўнишига йўл қўймаслик, унга ижодий характер беришdir. Боланинг фаоллиги ва мустақиллиги ривожланиши учун керакли тасвиirlар бериб бориш лозим. Тасвирий фаолиятда турли материаллар ва тасвиirlашнинг техник усувларини турлича кўринишида бажара олиш йўлларини болаларга ўргатиш лозим. Шундагина болалар аппликациянинг турли усувларини қўллаган ҳолда образларни тасвиirlашда улар ўз кучига ишонган ҳолда шугулланадилар.

Табиий материаллар тарбиячи раҳбарлигида экскурсияларда тўпланади. Экскурсия уюштиришдан олдин болаларга бўлажак иш намунаси кўрсатилади. Болалар уни диққат билан кўриб, унда ишлатилган барг пластинкаларининг шаклини, дараҳт навларини аниқлайдилар. Шундан сўнг уюштириладиган экскурсия режаси тузилади. Экскурсия маршрутида алоҳида эътибор бериладиган обьектлар (эман, заранг, акация дараҳтлари, ҳашаротлар) аниқланади. Болаларнинг эътиборлари ва ақлий фаолиятларини кузатилаётган обьектнинг зарур бўлган асосий муҳим белгилари ва хусусиятларини ажратишга, тўпланаётган материални тўғри баҳолашга йўллайдиган саволлар тузилади.

Дараҳтзорга келганда болалар кайфияти кўтарилиб, улар ҳар нарсага қизиқиши билан қарайдилар, барглар, уларнинг ранглари болаларни ажаблантиради. Кузнинг гўзаллигини, унинг рангларини, тўкилган барглар





ҳиди ва улар ўзининг эластиклик хусусиятини йўқотганлигини, қаттиқлашиб, синувчан бўлиб қолганлигини кўрадилар. Болаларнинг атроф-табиат билан завқланишлари камайиб боришига қараб, уларнинг эътибори баргларнинг шакли, дараҳтлар навларига қаратилади. Ана шу вақтда ўсимликларда содир бўлаётган ички жараёнлар қисқа ва тушунарли шаклда баён этиб берилади: жумладан, ўсимлик янги шароитларга мослашиб, қишига тайёргарлик кўряпти.

Болаларнинг эътибори атрофда учиб юрган капалак, ниначиларга, уларнинг асосий белгиларига жалб қилинади. Учиб юрган ҳашаротлар уларнинг тузилиш шакллари меҳнат жараёнида ҳашаротлар аппликациясини тайёрлаш учун образматериал хизматини ўташи керак.



Болалар баргларни тўплар эканлар, уларнинг ранглари, шакларини қиёслашни ўрганадилар, бу уларнинг кузатувчанлигини ўстиришга ёрдам беради. Тўпланган барглар олдиндан тайёрлаб қўйилган дафтар ва рақлари орасига қўйилади. Шундан кейин болаларга баргларнинг меҳнат машғулотларигача рангини йўқотмаслиги, буралиб кетмаслиги учун қандай ишлов бериш кераклиги тушунтирилади. Ҳар бир экспозицияда болаларнинг эътибори инсоннинг ясалади, экспозицияда эгалланган билимлар умумлаштирилади. Бундан ташқари, болаларга капалак ва ниначилар тасвири туширилган расмларни кўриш, уларнинг танаси ва қанотларининг шакли, рангига алоҳида эътибор бериш топширилади.

Бундай уюштирилган экспозициядан кейинги машғулотда болалар аппликацияларни иштиёқ билан намойиш қиласадилар, аппликацияни ўз истакларига кўра, ўзлари тўплаган материаллардан мустақил ясаш топширилса, қизиқишлиари янада ортади. Бундай машғулот куйидаги тузилмасига эга бўлиши мумкин:

## **1. Машғулот мавзуси ва мақсадини айтиш.**

## **2. Ўтказилган экспозиция бўйича сухбат қуидагича бўлади:**

- экспозицияда қаерда бўлдик?
- қандай дараҳтларни кўрдик, уларнинг номини айтинг?

в) уларнинг баргларининг шакли бир хилми?

г) қандай ҳашаротларни кўрдик?

### **3. Намуна таҳлили:**

а) капалак қандай қисмлардан ташкил топган?

б) унинг қисмлари қандай жойлашган?

в) уни тасвирилашда қайси дараҳтлар баргларидан фойдаланилган?

### **4. Ишни бажариш тартибини аниқлаш:**

а) капалакнинг айрим қисмлари (танаси, қанотлари)нинг жойлашишини тасвирилаш;

б) капалакнинг танаси ва қанотлари учун шакли ҳамда ўлчамлари бир хил бўлган баргларли топиш;

в) уларни қоғозда жойлаштириш;

г) ишни амалий бажариш.

### **5. Аппликацияни бажариш бўйича мустақил иш:**

а) капалакнинг айрим қисмларини қоғозда тўғри тасвирилаш;

б) шакл, ўлчам ва бўёқларини тўғри танлаш;

в) елимлаш ишларини тартибли бажариш;

г) капалакнинг кўз ва мўйларини тўғри тасвирилаш;

д) иш бажарилган қоғознинг орқасида баргларидан фойдаланилган дараҳтларнинг номларини ёзиш;

### **6. Ишни баҳолаш.**

#### **Назорат саволлари**

1. Аппликация турлари ҳақида маълумот беринг.

2. Моделлаштиришдаги пластик материалларни афзалликлари ҳақида маълумот беринг.

3. Аппликация ишини бажаришда ишлатиладиган керакли асбоб ускуналарга бўлган талаблар ҳақида маълумот беринг.

4. Мактабгача ёшдаги болаларни табиий ва ташландиқ материаллар билан ишлашга ўргатишда машғулот тузилмасига изоҳ беринг.

5. Трафарет, муҳр, шаблон тайёрлаш технологияси ҳақида сўзлаб беринг.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.

2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017


3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014

4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда аппликация машғулотлари. Т., 2014.

5. Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007
6. "Бола шахсини ривожланишининг долзарб муаммолари". Халқаро илмий – амалий анжуманининг теъзис ва мақолалар тўплами. 2008 йил.
7. Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.
8. Титов В.А. Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А-Приор, 2010.
9. Ишмуҳамедов Р., ва бошқ. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: "Истеъдод" жамғармаси, 2008.

**10. Хасанова Ш.**

**7-мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида турли ёш гурухларида қуриш-ясашга ўргатиш методлари, турлари.(2соат)**




**Ишнинг мақсади:** Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг қуриш-ясаш малакаларини шакллантириш ва ривожланишидан иборат.

Қоғоздан қуриш-ясашга ўргатиш, ишларини таҳлил қилиш, турли ёш гурухлари учун қуриш-ясаш машғулотларининг интерфаол ишланмаларини ишлаб чиқиши.

Қуриш-ясаш лотин тилидан олинган бўлиб, турли предметларни, қисм ва элементларни маълум бир ҳолатга келтириш, маъносини билдиради. Қуриш-ясаш фаолияти – амалий фаолият бўлиб, олдиндан белгиланган, бирор мақсадга қаратилган реал воқеалиқdir.

**Қуриш-ясаш материалларининг турлари.** Мактабгача таълим муассасаларида болаларга қуриш-ясаш фаолиятини ўргатища қурилиш материали, турли конструкторлар, қоғоздан, табиат, ташландиқ материалларидан фойдаланилади. Материални тури-қуриш ясаш турини аниқлаб беради.



**1. Қурилиш материаллари.** Қурилиш материали-майдада ва йирик-геометрик фигуналардан (куб, цилиндр, призма ва ҳоказо) иборат. Машғулотларда қурилиш материалларидан турли хил тўпламлардан фойдаланилади: М.П.Агаповнинг № 2, 3, 4, 5, 6, 7. мазмунли тўпламлар: Кичик қурилиш материаллари: “Космодром”, “Темир йўл вокзали” ва бошқалар.



**2. Конструкторлар.** Мактабгача таълим муассасаларда конструкторлардан (тахтали, пластмасса, металл ва керамика) фойдаланадилар. Бу тўпламлар орқали турли конструкциялар ясаш мумкин. Тарбиячи раҳбарлигида болалар оддий бирлаштириш усулидан суратлар бўйича турли хил ҳаракатли конструкциялар ясайдилар. Асосий дикқат болаларни маълум қисмларини бирлаштириш малакаларини шакллантиришга қаратилади. Бунда болаларни қўлларини мускуллари иштирок этади, қўл мускуллари ҳали яхши ривожланмаган бўлади. Тарбиячи раҳбарлиги остида болалар янги бирлаштириш йўлларини ва турли хил ҳарактердаги конструкцияларни расмга, чизмага қараб яратишга ўрганадилар. Бу ишларни болаларга таклиф этишдан олдин, тарбиячининг ўзи бу конструкторлар, уларга берилган методик кўрсатмалар билан яхшилаб танишиб, ўрганиб чиқиши зарур. Болаларга қурилиш материаллари ва конструкторлар тўплами ҳаммаси бирданига берилмайди, балки аста-секин, кетма-кет болаларнинг ўзлаштиришларига қараб берилади.


**Лего, мозаика, “Танграм”, “Тухум”**булар стол ўйинлари ҳисобланиб, болаларни конструкторлик, дизайнерлик, яратувчанлик ҳислатларини шакллантиради ва ривожлантиради.

### Қоғоздан қуриш-ясаш.

**Оригами.** Бу қоғозни буклаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради.



**Киригами.** Бу қоғозни йиртиш ёки симметрик қирқиши йўли билан ясаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради.



**Кусудама.** Бу қоғозни буқлаш йўли билан гул ясаш маъносини билдиради.



**Цукудама.** Бу кусудама модулларидан қўғирчоқ ясаш маъносини билдиради.



Барчаси битта сўз билан “оригами” деб юритилади.

**Қоғоз ва табиат материалларидан қуриш –ясаш.** Мактабгача таълим муассасасида турли хил ўйинчоқларни ясаш учун қоғоздан табиат материалидан кенг фойдаланилади. Болаларга қоғознинг турли хил турлари берилади: ватман, картон, юпқа ва турли қоғозлар. Тарбиячи болалар билан бирга табиий материалларни тайёрлаб, бир йил ичида уларни ғамлайди. Ёзда сомон, манзарали дараҳт мевалари, ёнғоқлар терадилар. Мевалар уруғи яхшилаб ювилиб қуритилади, бундай уруғлар махсус кутиларда сақланади. Бу хилдаги қўлланмаларни ясаш учун қуйидаги материаллардан ҳам фойдаланилади: қоғоз, картон, пластилин, сим, гугурт чўпи, елим, қайчи.

**Қоғоз табиат ва ташландик, материаллари.** Бу материаллар болалар боғчасида турли-туман ўйинчоқлар ясаш жараёнида фойдаланилади. Бу жараён фақатгина фойдали бўлибгина қолмай, балки қизиқарли ва болалар томонидан севиб бажариладиган жараёндир. Болалар хилма-хил турлардаги қоғозлар билан ишлайдилар. Хилма-хил табиат материаллари манзарали дараҳт

мевалари, шох-шаббалар ва бошқалар. Тарбиячи болалар биргаликда табиат материалларини олдиндан тайёрлаб боради. Масалан: уруғлар, данаклар, яхшилаб ювилиб, қуритилиб йигилади. эман ва каштан ёнғоқларининг дараҳтдан тўкилиши билан териб оладилар. Чинор ва ясень дараҳтининг уруғи эса қишида йигилади. Ҳар бир табиат материалининг тури алоҳида қутичаларда сақланади. Шунингдек, улардан ўйинчоклар ясашда, ёрдамчи материаллар, қофоз, картон, пластилин, симлар, елим ва меҳнат қуроллари, қайчи, бигиз, игна ва бошқалар қўлланилади.

**Ўрта гуруҳда табиий материал ва қоғоздан қуриш –ясашга ўргатишнинг вазифалари.** Болаларни янги қурилиш материали–қофоз билан, унинг хусусияти билан таништирилади. Ўрта гуруҳ тарбияланувчилари табиат материали бўлган – шох, барг, илдиз, турли ёнғоқлар, уларни пўстларидан нарса ясашга ўргатиб борилади. Тарбиячи болаларга табиий материалнинг борлиги ва уни турли хил нарсаларни ясашда кераклигини ёритиб беради. Болаларда умумий кўникма ва малакалар шаклланиб боради, яъни предметларни текшириш, кетма-кетликка асосланиб ишлаш, бошлаган ишни охиригача бажариш, ҳамда қўлларни аниқ ҳаракатланиш ва ҳоказолар. Дастребки машғулотда тарбиячи болаларга бир неча предметларни, қоғоздан ясалган ўйинчоқларни кўрсатиб уни буклаб, ёпиштириш орқали арчани ясатиш учун, ўйин ва совгалар учун турли хил қизиқарли ўйинчоқлар ясаш мумкинлиги ҳақида гапириб беради. Биринчи машғулотдаёк болалар тарбиячини кўрсатмаси ва тушунтириши асосида қоғозни тенг иккига буклашни ўрганадилар. Кейинги машғулотларда арча учун ўйинчоқ, совга ясалган пайтларда бу



кўникма мустаҳкамланади. Машғулотларда уйча, автобус, юк машинасини ясатганларида болалар тайёр элементлардан ўйинчоқ ясаш, асосий қисмга алоҳида қисмларни ёпиштиришни ҳам ўрганадилар. Масалан: уйчага–эшик, деразани; автобусга–ойна, ғилдирак ёпиштирадилар. Топшириқни бундай турини бажариш фақат техник малакаларни шакллантириб қолмай, балки болаларни ақлий фаолиятини, мустақил ишини ҳам ривожлантиради. Ўйинчоқни ясашдан аввал болалар қайси қисмни бир бири билан бирлаштиришни, қайси қисмни ёпиштириш кераклигини ўйлайди. Ёз пайтида болалар табиий материаллардан фойдалана бошлайдилар. Аввало тарбиячи болаларни шу материал билан олдиндан ясалган содда қурилмалар билан таништириб, алоҳида предметларни, улар ўртасидаги ўхшашлиқ, ундан қандай фойдаланиш кераклигини тушунтиради. Табиий материал, қоғоздан қуриш-

мустаҳкамланади. Машғулотларда уйча, автобус, юк машинасини ясатганларида болалар тайёр элементлардан ўйинчоқ ясаш, асосий қисмга алоҳида қисмларни ёпиштиришни ҳам ўрганадилар. Масалан: уйчага–эшик, деразани; автобусга–ойна, ғилдирак ёпиштирадилар. Топшириқни бундай турини бажариш фақат техник малакаларни шакллантириб қолмай, балки болаларни ақлий фаолиятини, мустақил ишини ҳам ривожлантиради. Ўйинчоқни ясашдан аввал болалар қайси қисмни бир бири билан бирлаштиришни, қайси қисмни ёпиштириш кераклигини ўйлайди. Ёз пайтида болалар табиий материаллардан фойдалана бошлайдилар. Аввало тарбиячи болаларни шу материал билан олдиндан ясалган содда қурилмалар билан таништириб, алоҳида предметларни, улар ўртасидаги ўхшашлиқ, ундан қандай фойдаланиш кераклигини тушунтиради. Табиий материал, қоғоздан қуриш-

ясаш машғулоти, қурилиш материалы билан қуриш-ясаш машғулоти алмашиниб туради. Ўрта гурухда табиий материал ва қоғоздан қуриш –ясашга ўргатишнинг метод ва усуллари. Ўргатишнинг асосий усули – намунани кўрсатиш ва тушунтиришдир.

Тушунтириш қисқа ва аниқ бўлиши керак. Тарбиячининг аниқ, тушунарли қилиб тушунтириши учун болалар вазифани тўлиқ бажаришлари лозим. Қоғоздан уйча ясаш давомида, тарбиячи болаларга тайёр уйчани кўрсатади (қалин қоғоз 2 га буқланган, устида эса трубали том) ва у нимадан қилинганини сўрайди. (қоғоздан–уй, рангли қоғоздан эса томи, полоскадан труба, дераза, эшиклар ва ҳоказо). Олдинги тажрибаларга таянган ҳолда, тарбиячи болалар билан бирга уйчани кетма- кетлик асосида қуришни давом этади. Қачонки болаларга мураккаб конструкция берилса, уларни тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда тарбиячи бажариш усулини тўлалигича кўрсатиб, тушунтириб беради. Агар ясаладиган нарса содда бўлса, болалар ўзлари мустақил бажаришлари мумкин, лекин тарбиячи намунани болаларга кўрсатади. Масалан, ёзув



китобчалари ясаш машғулотида тарбиячи болаларга бир неча хил аппликация билан безатилган ёзув китобчаларини намойиш қиласи ва болалардан мустақил бажариб, сўнг уни безашни илтимос қиласи. Йилни охирида болаларда қоғоз билан ишлаш тажрибаси ортганлиги учун тарбиячи болани хоҳишлири бўйича қуриш-ясаш машғулоти ўtkазади. Тарбиячи бу машғулотдан 1-2 кун олдин болаларни қоғоздан ясалган нарсаларни кўргазма қилиб, болаларга уларни қандай ясалганлигини эслатиб қўяди. Машғулот давомида тарбиячи болалар ишига раҳбарлик қилиб текшириб боради. Тайёр бўлган нарсаларни таҳлил қилганда тарбиячи асосий эътиборни тўғри ва озода бажарилган ишларга қаратади.

Табиий материалдан нарса ясашга ўргатиш йилнинг охирида бошланади. Масалан: ёнғоқ пўстидан типратикан ясашга ўргатишдан олдин тарбиячи болаларга типратиканни ўзини кўрсатади. Ёки унинг расмини кўрсатади, уни танаси игна билан қопланганлигини, оёқлари калталигини тушунтиради. Кейин машғулотда тайёр ўйинчоқ билан ростакам тирик типратиканни солишиширади, сўнг уни қандай ясашни бир бир кўрсатади. Унинг танаси ёнғоқ пўстидан, игналари, юзи пластилиндан ясалади. Аввал ёнғоқ устига пластилин суртилади, юз тузилиши ва игналарини ясади. Машғулот давомида болаларга маслаҳат бериб ёрдамлашади. Болаларнинг барча ясаган нарсалари маълум бир мақсад учун ишлатилади. Альбомлар–расм учун, юк машинаси. Уйчалар–ўйинлар

учун. Шунда болаларда қизиқиши уйғонади, шунинг учун нарсаларни қизиқиб чиройли тоза бажарадилар. Қуриш-ясаш учун керак бўлган материални тайёрлаш тарбиячидан кўп вақтни



талаб  
этади.  
Қурилиш

материаллари билан турли хил предметларнинг турлича тимсолларини яратиш каби ижодий болаларда шакллантириш амалга оширилади. Катта гурухда табиий материал ва қофоздан қуриш –ясашга ўргатишинг вазифалари.

Болаларга қофозни teng буқлаш, tўrt буқлаш, буқланган жойни текислаш малакалари ўргатиб борилади. Қоғозни 16 квадратларга буқлаш, бурчак ва



томонларини аниқ жойлаштириш, доирани диаметри бўйлаб буқлаш ва конус ҳосил қилиб ёпиштиришни ўргатилади. Масалан: қоғоз цилиндрни бирлаштириб турли, мураккаб бўлмаган композицияларни ясайдилар. Яна болалар гугурт қутисини бир-бирига ёпиштириб нарсалар ясашни ҳам ўрганадилар. Табиий материаллардан арча шишкаси, гулнинг уруғлари, ўтлар, ёнғоқдан турли нарсалар ясаб, уларни елим, гугурт билан бирлаштиришни, тўғри фойдаланиш каби малакаларни эгаллаб борадилар. Болалар ўз фаолиятларини режалаштириш ва шуни мустақил бажаришни ҳам ўрганадилар.

Дастлабки машғулотларда ўтган материаллар такрорланади, натижада болалар қоғозни teng буқлаш, томонларини қўл билан текислаш малакаси янада мустаҳкамланади. Болалар бу амалларни қандай бажаришни эсга оладилар.

Биринчи машғулотда қоғоздан саватча ясайдилар. Тайёр намунани кузатиб бўлгач, тарбиячи квадрат қоғозни қандай буқлаб қирқиши, қандай ёпиштиришни кўрсатади. Саватчани бандини қандай ёпиштиришни эса, болалар ўзлари ўйлаб топадилар. Иккинчи машғулотда эса квадратни диагонал бўйича буқлашни ўрганадилар.

Бунда квадрат қоғозни 16 квадратга буқлаш кўрсатилмайди. Тарбиячи тушунтираётганда икки томони қирқилган, буқланган тайёр квадратдан фойдаланилади. Болалар олдинги машғулотдан олган билимларини уйча қуриш да қўллайдилар, ўзлари қирқиб ёпиштирадилар.

Машғулотни бошида намунани кузатаётганда тарбиячи ишни қандай бажаришни болаларга ўргатади ва ёрдам беради. Қоғоздан нарса ясашни маълум бир вақтдан сўнг қайтариш мумкин, лекин болалар ўзлари мустақил бажарадилар (очик қути). Тайёр шакллардан бирор бир нарсани ёпишириш орқали ясашни болалар аста-секин ўрганадилар. Биринчи машғулотда тарбиячи гугурт қутисидан қандай қилиб автобус ясашни кўрсатади: қутини қандай қилиб бир-бирига ёпишириш, ғилдиракларни қандай қилиб бирлаштиришни ва ҳоказо. Болалар топшириқни қўрсатиш ва тушунтириш асосида бажарадилар. Иккинчи машғулотда тарбиячи болалардан автобусни қандай ясаганларини эслатиб, сўнг тайёр ясалган мебелни бир неча намунасини болаларга намойин қиласди. Бу қурилмаларни болалар кузатиб бўлгач, уни қандай қилиб бир-бирига ёпиширилганлигини ва бошқаларни қўрадилар. Куришлари керак бўлган предмет учун керакли материаллар танлайдилар. Бу машғулотларда ҳосил бўлган малакаларни тарбиячи болаларни ўйлаганлари бўйича нарса қуриш машғулотларда мустаҳкамлайи. Бунда болалар ўзлари қайси материалдан нима ясашларини, қандай қилиб ясашларини мустақил бажарадилар. Лекин кейинги машғулотларда мавзу анча мураккаблашади; яъни қути, картон, қоғоздан юк машина, кема ясаш ва ҳоказо. Бу пайтда тарбиячи яна болалар билан биргалиқда иш олиб боради, яъни ўзи қўрсатиб, тушунтириб беради. Иш фаолиятини бундай олиб борилиши болаларни кейинги ижодий фаолиятида катта аҳамиятга эга.

Болаларга доирани диаметр бўйлаб буклаш, конусни ёпишириш, контур бўйлаб қирқишдан аввал, тарбиячи парашют, узун кўйлак кийган қизча, ўйинга тушаётган қизчани ясашни ўргатади. Шундай қилиб топшириқ мураккаблашиб боради: болалар тайёр ярим доирадан қирқиши ўрганадилар. Бу жараённи тарбиячи тушунтиради, қолганини эса болалар бажаради. Йил охирида болалар ўз билимларини текширадилар. Квадратни диагонал бўйлаб буклаш томонлари, бурчакларни тўғри бирлаштириш, қайик, ўйинчоқлар ясаш машғулотларда ўрганадилар. Машғулотларда болалар тайёр мураккаб бўлмаган андоза бўйича ишлашни ҳам ўрганадилар. Шундай қилиб болалар цилиндрни турли конструкцияларга бирлаштиришни эгаллайдилар. Уларда фикрлаш, ижодиёт, фантазия ривожланиб боради. Бошқа материаллардан нарса ясашга ўргатишдан олдин тарбиячи материални хусусияти билан таниширади, болаларга шу материални ушлаб, уни қандай эканлигини сўрайди, поролон-юмшоқ, енгил, уни эзса яна ўз ҳолатига қайта олади. Поролондан болалар қорбобо, назали гул, қуёнча, жўжа




ва ҳоказолар ясайдилар. Нарса ясашни тушунтираётганды тарбиячи асосий диққатни алоҳида предметларни қандай бирлаштиришга қаратади, машғулот давомида эслатиб ўтади. Янги йил байрамида болалар арча ўйин чокларни ясайдилар: қоғозни қат-қат қилиб (гормошка) буклаб ундан (турли) симметрик шакллар қирқадилар. Болалар ўз ўйлаганлари бўйича қоғоз, картон, бошқа материалдан нарса ясаётганида аввал олган билимларини ишларида қўллайдилар. Катта гуруҳда табиий материал ва қоғоздан қуриш –ясашга ўргатишнинг метод ва усуллари.

Болаларга қоғоз ва бошқа материалдан нарса ясашга ўргатишда тарбиячи нарсаларни кетма-кет кўрсатиш, тайёр намунани кузатиш, болалар билимини текшириш учун саволлар бериш, бажариш усулини кўрсатишдан кенг фойдаланади. Методни танлаш ва уни амалда қўллаш ўргатишнинг вазифасига боғлик. Цилиндрдан нарса ясашга тарбиячи цилиндрни қандай ясашни тушунтрмайди, чунки бу шакл болаларга таниш. Бу ўйинчоқ қандай қисмлардан қилинган? Чизиқчани қандай қилиб цилиндрга айлантириш мумкин? каби шунга ўхшаш саволлар берилади. Бундай саволлар болаларга иш фаолиятини қандай боришини эслатади, қисмларни бирма-бир бирлаштириш кераклигини тушунтиради. Бошқа машғулотда тарбиячи тайёр намунани кузатиб бўлгач, квадрат қоғозни иккига буклаш, доирани тенг иккига буклашга таклиф этади. Болалар кема ҳосил қилиш учун, нима қилиш кераклигини айтиб берадилар. Агар улар жавоб беришда қийналсалар ёки




нотўғри жавоб берсалар, тарбиячи тўғрилаб айтиб беради. Болалар диққатини янги ясаладиган нарсага қаратиш учун тарбиячи машғулотга 1-2 кун қолганда қўл ишлари бурчагида намуналар кўргазмасини ташкил қиласди. Масалан: кичик композициялар ташкил қиласди, цилиндрдан 2 хил фигура-тулки ва қуён, 2 айиқча, ёки турли ўйинчоқлар намойиш қиласди. Тарбиячи бу ўйинчоқларни кўрсатмаётганды болалар диққатини уларни бир-бирига қандай бирлаштирилганлигига қаратади. Машғулотда тарбиячи баъзан янги усулни индивидуал тарзда кўрсатиб беради. Болалар паралондан доирача ҳосил қилишни ўргангандаридан сўнг тарбиячи ҳамма болаларга доирачани сим билан бирлаштиришни кўрсатади. Болалар ўз ишларини бажараётгандаридан тарбиячи қийналган болаларга ёрдам беради. Тарбиячи машғулот пайтида болаларга аввалдан бу ўйинчоқлар, нарсаларни нима учун ясашларини, нима учун кераклигини айтиб ўтади (ўйин учун, кичкин тойларга совға учун арчани безатиш учун ва ҳоказо). Қуриш ясаш машғулотларини тарбиячи турли қурилиш материаллардан фойдаланилган ҳолда олиб бориши лозим.



### Қоғоздан қуриш-ясаш

1 этап	2 этап	3 этап	Тайёр холати


**Тайёрлов гурухда табий материал ва қоғоздан қуриш–ясашга ўргатишнинг вазифалари.** Машғулотда болалар қоғоз билан ишлаш кўнишка ва малакасини эгаллаб борадилар: қоғознинг турли томонларига буклаш, диагонал бўйлаб бўлиш, тайёр андазани буклаш шаблон бўйича қисмларни қирқиши. Тайёрлов гурухда болалар турли нарсалар ясадилар- ўйинчоқлар. Картон ёрдамида ўйинчоқлар тайёрланади (масҳарабоз , қўлини қимирлаётган куён...) кутидан, картон ва қоғоздан (автомашина, юк крани, трактор, уй) қуриш мумкин. Қоғоз картон, табий материалдан (илдиз, таёқча ва бошқа лар) сувда ўйналадиган ўйинчоқлар, (кемача, баржа) қуриш мумкин. Тарбиячи бу ўйинчоқларни нима учун қўлланилишини болаларга ўргатади. Табий материаллардан нарса ясаш машғулотида тарбиячи болаларга шох-шабба, шишка, уруглардан фойдаланиб, бу фигуralарнинг алоҳида қисмларини турли усулда бирлаштиришни (елим, сим, гугурт чўпи, пластилин билан ва...) ўргатади. Болалар турли шаклларни одам, ҳайвонларни, қуш, балиқ, капалакларни, арчани уруғи, ёнғоқ постидан, ўз ўйлаганлари бўйича, тарбиячининг топшириғи бўйича ясадилар. Болаларга яна шохлар, илдизларни таниш бўлган эртак



қаҳрамонларига ўхшаганларини топишни ҳам ўргатиб борилади. Бу фаолият орқали болаларни фантазия, тасаввурларини ривожланиб боради.

Қоғозни чизилган чизик буйлаб буклаш, андаза бўйича ишлаш малакаси мебел ясаш машғулотида шаклланиб, мустаҳкамланади. Намунани кўзатгач болалар ундан нима ясаш мумкинлигини аниқлайдилар. Бир стол атрофида ўтирган болалар, ишни бўлиб олиб (бир бола, диван, бошқаси кресло ва ҳоказо). Стол стулнинг оёқларини баландлигини аниқлайди. Худди шу мавзу бўйича яна бир машғулот ўтказилади, бунда болалар ўзлари андаза қилиб, уни тўғри буклаб турли мебеллар ясайдилар. Бундан ташқари улар линейка билан чизик чизиш, ўзунлик, энини ўлчашни ҳам ўрганади.

Тарбиячи фақат чизғич билан қандай ишлашни кўрсатиб беради, колган қисмини болалар мустақил бажарадилар. Машғулот бошланишидан олдин болалар бир- бирлари билан нима ясашларини гаплашиб оладилар ва керакли материалларни ўз столларига жойлайдилар. Бундай машғулотлар болаларни қўл мускулларини ривожлантириб қолмай, балки уларни хотира, фикрлаш, ижодларини ишдан олдин планлаштириш қобилятларини ҳам ўстиради. Айтайлик, янги йил байрамига болалар машғулотда арча ўйинчоқларини ясайдилар. Болалар намунани ўзлари танлаб, материалларни тайёрлаб, мустақил бажарадилар. Бу машғулотда болалар апликация машғулотида олган билимларини қўллайдилар: қоғозни кўп буклаб бир хил типли фигуralарни қирқадилар. Тайёрлов гуруҳда тарбиячи болаларни олдинги гуруҳларда олган билимларини, малакаларини мустаҳкамлайди. Болалар ўз ўйлаганлари бўйича мавзу танлаб, керакли материалларни танлаб, ишни нимадан бошлаш, унинг қисмларини қандай бирлаштиришни мустақил бажара оладилар. Тарбиячининг ёрдами билан болалар автомашина, картондан ҳаракатланувчи ўйинчоқлар (куён, матрёшка, айик ва ҳоказо) ни асосий қисмга майда қисмларни ип билан бирлаштирадилар. Тарбиячи янги материални тушунтираётганда унинг қисмларини бирлаштиришга болалар диққатини қаратади, мавзуга икки машғулот ажратилади. Биринчисида болалар қуёнча ва айиқни қирқадилар, бошқа машғулотда ҳайвонларни, қўғирчоқларни қирқадилар. Табиий материалдан нарса ясаш машғулоти кўпинча ёзда ва кузда олиб борилади. Машғулотга бир неча кун қолганда тарбиячи мавзу номини айтиб, мавзуга оид



материалларни йиғишини илтимос қиласи. Машғулот давомида болалар қандай қилиб қисмларни бир-бирига бирлаштираётганликларини кузатиб борилади. Бир стол атрофида

ўтирган болалар бирга фикрлашиб, композиция ташкил қиласылар. Тарбиячи болаларга қарағайнинг очилмаган шишкага-уругидан капалак, балиқчалар ясашни ўргатади. Болалар олган билим, малакаларини бошқа машғулотларда қўллайдилар.

**Тайёрлов гуруҳда табиий материал ва қоғоздан қуриш –ясашга ўргатишининг метод ва усуслари.** Тайёрлов гуруҳда болалар катта техник малакаларни талаб қилувчи анча мураккаб конструкцияларни ўзлаштириб берадилар. Шунинг учун тарбиячи нарсалар ясашни, унинг бажарилиш усусларини аниқ тушунтириб, кўрсатиш услубидан тез-тез фойдаланади. Тарбиячи балконли уйни қуриш мавзусида аввал кўп қаватли балконли уй конструкциясини тайёр ҳолда кўрсатади, сўнг ишни ўзи кўрсатиб, уйни қандай ясалишини қоғозни буқлаб, балконларини ясаш учун қирқиб, уни томини қандай жойлашишини кўрсатиб беради. Агар машғулотда болалар танишиш усулини қўлласалар, тарбиячи фақат намунани кузатиш ва қисман кўрсатиш билан чекланади ҳалос, ёки болалар билимини фаоллаштирувчи саволлар бериши мумкин. Арча ўйинчогини ясаш машғулотида тарбиячи болаларга намунани кўрсатгач, уни қандай қирқишини болалардан сўрайди. Улар бунга жавоб берадилар, сўнг ўзлари мустақил бажарадилар. Агар ясалаётган нарса масалан: ҳаракатланувчи ўйинчоқлар, кўп вақтни олса, болалар қийналсалар, тарбиячи машғулотни иккига бўлиши мумкин. Биринчи машғулотда тарбиячи картондан ясалган ўйинчоқларни кўрсатиши, бугунги театр ўйинига ҳам худди шундай ўйинчоқлар ясашлигини айтиб ўтади. Лекин бу ўйинчоқни чизиб бериш лозим, сўнг болалар ҳайвончани ўйлаб топиб чизиб бўяйдилар. Иккинчи машғулотда болалар тарбиячининг тушунтириши ва кўрсатмаси асосида ўйинчоқ ясайдилар. Ўйинчоқ ясаш машғулоти аввалдан тайёргарликни талаб қиласы. Тарбиячи бу ишга болаларни жалб қиласы. Улар материал тайёrlашга ёрдамлашадилар: қоғоз қирқадилар, шакли бўйича жойлаштирадилар, қоғозни олдидан (мебелни оёғи учун) труба қилиб ёпиштирадилар. Болалар ўз ўйлаганлари бўйича машғулотнинг яхши ўтиши аввлдан тайёргарликка боғлик: болалар қанчалик материалларни ясадиган предметларини тез топсалар, нима ясашларини олдиндан билсалар, шунчалик машғулот қизиқарли бўлади. Тарбиячи машғулот учун болалар билан турли ўлчам, турли шаклдаги дарахт, гул, буталарнинг уруғларини, шох, маккажўхорини дони, береста, моҳ ва бошқа қўргина табиий материалларини йиғадилар. Болалар



олдиндан ўйлаган нарсалари учун материаллар йигадилар: йирик уруғ танаси учун, майда уруғ боши учун, турли шохлар–қўл, оёқ, панжалар учун. Тарбиячи болаларга йиғган материалдан нарсалар ясашни ўргатади, яъни болалар диққатини шу материаллар ҳайвонларни фигуralарига ўхшаб кетишига (югураётган кийик, туя қуш, одамлар ва ҳоказо) қаратади. Бу нарсаларни ясашда тарбиячи ҳам иштирок этиши мумкин. Болалар тайёр фигуralарни тагликка ўрнатаётганларида тарбиячи тагликни мих билан тешиб беради ёки капалакларни қанотларини шишкага жойлаштириб беради. Бу барча ясалган нарсалардан кўргазма уюштирилади. 8-март байрамига, ота- оналар мажлисига бағишлиланади. Бу кўргазмалар болалар ишини янада яхши бўлишига ёрдам беради ва болаларда жавобгарлик ҳиссини эстетик дидларини янада ўстирадилар.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

- 1. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.**
- 2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017**
- 3. “Билимдон” дастури. Т.: 2014**
- 4. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда апликация машғулотлари. Т., 2014.**
- 5. Д.Т Сабирова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007**
- 6. “Бола шахсини ривожланишининг долзарб муаммолари”. Халқаро илмий – амалий анжуманининг теъзис ва мақолалар тўплами. 2008 йил.**
- 7. Джалалова Д.Х. Основные тенденции развития современной японской школы. Автореферат дис.к.п.н. 2004.**
- 8. Титов В.А.Педагогика зарубежных стран (сравнительная педагогика). А- Приор, 2010.**
- 9. Ишмуҳамедов Р., ва бошқ. Таълимдаинновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учунамалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.**

# КҮЧМА МАШГУЛОТ

**1-кўчма машғулот мавзуси:** Тасвирий фаолият машғулотларини ўтказиш технологиялари. (2 соат)

**2-кўчма машғулот мавзуси:** Мактабгача ёшдаги болаларнинг расм чизишга ўргатиш. (2 соат)

Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий машғулот ўтишнинг метод ва усуллари, ишланмаларидан фойдаланиш. Мутахассислик модулларидан очик машғулотларни кузатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш. Очик, кўргазмали, намунавий машғулотлар ва уларга қўйилган талаблар асосида таҳлил қилиш.

*Мазкур машғулотлар талаб дараҷасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириши институтлари ва бошқа муассасаларда ҳамда мактабгача таълим муасасаларида кўчма машғулот (очик машғулотлар) тарзида ўтказилади. Унда ўтказилган машғулотни тегишилимезонлар асосида таҳлил қилиши орқали тарбиячиларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиши ташкил этилади. Бу жараёнга кўчма машғулот ташкил қилинган таълим муассасаси тарбиячиларини жалб этиши, уларнинг машғулотларини таҳлил қилиши орқали уларга методик ёрдам кўрсатиши ҳам кўзда тутилади. Машғулот натижаси сифатида очик машғулотни кузатиши ва таҳлил қилиши вараги тўлдирилади ва малака ишига илова қилинади.*

## **КЕЙСЛАР БАНКИ**

**1-Кейс.** Мактабгача таълим муасассасида тасвирий фаолият машғулотларида қуриш-ясаш кўникмалари ривожлантирилади. Қуйида келтирилган намуналар қайси турдаги материаллардан тайёрланган ва улар қандай номланади?



**1-Кейс ечими.** Мактабгача таълим муассасаларида болаларга қуриш-ясаш фаолиятини ўргатишда қурилиш материали, турли конструкторлар, қоғоздан, табиат, ташландиқ материалларидан фойдаланилади. Материални тури- қуриш ясаш турини аниқлаб беради.

Барчаси битта сўз билан “оригами” деб юритилади.

**Оригами.** Бу қоғозни буклаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради.

**Киригами.** Бу қоғозни йиртиш ёки симметрик қирқиши йўли билан ясаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради.

**Кусудама.** Бу қоғозни буклаш йўли билан гул ясаш маъносини билдиради.

**Цукудама.** Бу кусудама модулларидан қўғирчоқ ясаш маъносини билдиради.

**2-Кейс топшириғи:** Аппликацияга ўргатишнинг асосий мақсади–теварак-атрофдаги борлиқни тасаввур қилишда болаларга ёрдам бериш. Уларда кузатувчанликни ривожлантирмоқ, эстетик гўзаллик ҳиссини тарбияламоқ, ҳамда тасвиirlаб бериш усулларини ўргатмоқдир. Бу билан бирга тасвирий фаолиятнинг энг асосий вазифаси–маълум бир ёш учун мос тасвирий материаллари билан турли хил предметларнинг турли тимсолларини яратиш каби ижодий болаларда шакллантириш амалга оширилади.

**Предметли аппликация-** болалар қоғоздан қирқиши ва фонга алоҳида предмет тасвиirlарини ёпишириш маҳоратини ўзлаштирадилар. Фаолият хусусиятига кўра атрофдаги предметларни анча умумлашган шартли тасвирий ўйинчоқлар, халқ амалий санъати намуналарида ифодалаш мумкин бўлади.

**Декоратив аппликация**- турли безаклар ҳосил қилиш билан боғлик бўлган фаолият тури. Декоратив аппликацияда болалар қирқиши маҳоратини ритм, симметрия бўйича турли ранг бирикмаларини турли безак элементларини бирлаштириш, қирқиши маҳоратини ўзлаштирадилар. Бу машғулотларда болалар предметларни декоратив стиллаштириш, уларни тузилишига аҳамият бериш, намуналарни янги сифатлар билан бойитишни ўрганадилар.

**Мазмунли аппликация** - ўз олдига қийин масалаларни қўяди ва баъзи бир қоидаларни бажарилишини талаб қиласди: ранг, шакл бўйича бир-бирларига тўгри келадиган табиий материалларни йиғиш керак. Масалан, барглар ва чиганоклар ва майда тошлар, сомон, тахта қипиқлари, қуриган шохчалар, данаклар ва ҳоказолар. Асосий эътиборни фон ва материаллар ранги мослигига



қаратиш лозим.

**Топшириқ.** Қўйида келтирилган аппликация турларини изоҳланг.

**З-кейс. Тайёрлов гурухида расм чизишга ўргатишнинг мазмунни ва вазифалари нималардан иборат?**

Жавобни “Зинама-зина” методи орқали ифодаланг.

□ Натурадан ва тасаввур қилишдан предметнинг характерли белгилари тузилишини, ҳажмини тасвирилашга ўргатиш.

□ Шакл ва бўёқларнинг бойлиги тасвирилаб беришга ёрқин образлар яратишга ўргатиш.

□ Композицион қобилиятларни ривожлантириш (предметнинг ҳажми ва шаклсининг характеристикини ҳисобга олиб предметни қофозда жойлаштириш).

□ Ранг қобилиятларини ривожлантириш (1 рангни турли ҳосила рангни бера олиш қобилияти).

□ Техник кўникмаларни ривожлантириш (бўёқларни бошқачароқ бўёқ олиш учун аралаштириш, предмет шакли бўйича қаламда штрих ўтказиш).

#### 4- кейс. Сюжетли расм

**чишиш.** Сюжетли расм чизишнинг мақсади боланинг атроф-муҳитдан олган таассуротларини ифодалашга ўргатишидир. Сюжетли расм чизиш ўрта гурухдан бошлаб киритилган. Бунда ҳам ёнма-ён турган 2-3 та предметни тасвирилаш ўргатилади. Сюжетли тасвирда предметларнинг бир-биридан ажратиш учун унинг ўлчамини, фазодаги ўринларига қараб, предметларнинг катта ёки кичиклигини ўргатиш керак. Мактабгacha ёшдаги бола учун предметлар орасидаги фазовий муносабатларни фарқлай олиш жуда қийин.



Сюжетли расм чизиш ўргатишининг умумий вазифалари қўйидагилар:

- ✓ Мавзунинг мазмунини ифодалашда унинг асосини ажратишга ўргатиш.
- ✓ Объектлар орасидаги ўзаро алоқани тасвирилашга ўргатиш.
- ✓ Объектлар орасидаги пропорционал жойлашувни тасвирилашга ва уларнинг фазодаги ўринларини кўрсатишга ўргатиш.

**Топшириқ. Матн ёрдамида берилган расмни чизиш кетма-кетлигини ёзинг. Бу расм қандай расм дейилади?**

**5-Кейс топшириғи: Қўйидаги кўрсатилган тасвирий фаолиятда ишлатадиган материаллрни ишлатишдаги хавфсизлиги қоидаларни айтиб ўтинг.**

1. Қайчи.
2. Елим.
3. Пластилин.
4. Чизгич.
5. Мўйқалам.

**Муаммо: Бола қўли лат еди. Биринчи ёрдам кўрсатинг. Биринчи ёрдамдан кейинги вазифлар нималардан иборат?**

**6-Кейс топшириғи: Расм машғулотини ташкил этишдаги асосий жиҳозлар етарли эмас.**

**Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари:**


- Ушбу муаммони келтириб чиқарган асосий сабаларни белгиланг. (Кичик групда ишлап асосида ҳал этилади)
- Муаммони ечиш учун қандай вазифаларни бажариш керак, унинг кетма-кетлигини белгиланг. (Групдаги иш)
- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўлларини жадвал асосида изоҳланг. (Индивидуал ва кичик групда)

Муаммо тури	Келиб чиқиши сабаблари	Ҳал этиш йўллари

**Кейс топшириғин ижобий ҳал этиш:** Расм машғулотини талаб даражасида ташкил этиш учун Дастур ишлаб чиқинг.

**7-Кейс топшириғи:** Нима учун машғулотларда ноанъанавий тасвирий фаолият усулидан фойдаланиш керак?

**1-босқич топшириғи: «Нима учун?» техникасининг чизмадаги кўриниши**



**2-босқич топшириғи: Гурух тингловчиларига 2 та топшириқ берилади.**

1. Шам билан чизиш.
2. “Кляксография” усулида чизиш.

(Тингловчилар фантазия, ижодкорлық хисларини намоён бўлишини ўзларида хис этишади).

**3-босқич топшириғи:** Ушбу муаммони қандай ечдингиз, уни изоҳлаб беринг.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Тасвирий фаолият машғулотларда болаларни ранглар билан таништиришда дидактик ўйинлардан фойдаланиш.
2. Эстетик тарбиянинг вазифаси ва иш мазмуни.
3. Болаларда тасвирий санъат асарларга нисбатан қизиқиш кўникмаларини таркиб топтириш.
4. Кичик ёшдаги болаларда тасвирий санъат орқали меҳр уйғотиши орқали нутқини ўстириш.
5. Мактабгача ёшдаги болаларга ҳайвонлар расмини чизишга ўргатиши.
6. Мактабгача ёшдаги болаларни эртаклар асосида аппликация қилишга ўргатиши.
7. Лой иши машғулотларини ташкил этиши.
8. Аппликация машғулотларини ташкил этиши.
9. Қуриш-ясаш машғулотларини ташкил этиши.
10. Расм машғулотларини ташкил этиши.
11. Машғулотларини ноанъанавий шаклда ташкил этиши.
12. Қуриш-ясаш машғулотларида ўйинлардан фойдаланиш.
13. Аппликация машғулотларини ноанъанавий шаклда ташкил этиши.
14. Қуриш-ясаш машғулотларини ноанъанавий шаклда ташкил этиши.
15. Лой иши машғулотларини ноанъанавий шаклда ташкил этиши.
16. Қоғоздан қуриш-ясаш машғулотларини ташкил этиши.
17. Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий қобилияти ва ижодкорлигини ривожлантириши.
18. Миллий нақш чизишга ўргатиши.
19. Аппликацияда миллий нақшлар.
20. Расм машғулотларида ўсимликларни тасвирилашга ўргатиши.

## ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
Инновация	янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти

<b>Вазият</b>	Вазият- situation (ситуация) (лотинчадаги situation - ахвол) муайян вазият, ахволни ҳосил қиласидиган шартшароитлар ва ҳолатлар уюшмаси.
<b>Дастурлаштирилган таълим бериш</b>	Дастурлаштирилган таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.
<b>Касб</b>	Бу меҳнат фаолиятининг барқарор тури бўлиб, у нафақат аниқ билим ва қўникмаларни бўлишини талаб қилмай, балки бир хил бўлган умум касбий билимларни ҳам бўлишини талаб қиласди
<b>Адабиёт</b>	Ижтимоий аҳамият касб этган, фаннинг ва амалиётнинг бирор соҳасидаги ютуқларни умумлаштирган ёзма асарлар йиғиндиси(масалан, техник адабиёт, бадиий адабиёт, сиёсий адабиёт, тиббий адабиёт сингари).
<b>Бола (болалар)</b>	Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган шахс (шахслар).
<b>Болалар китоби</b>	Шахс ва таълимни ривожлантириш, билимларни тарқатишнинг энг муҳим воситалардан бири бўлган нашр тури. Болалар китоблари фақатгина ўқиш ва билим олиш манбаи бўлибгина қолмай, балки боланинг эстетик ва психологик тарбиясида муҳим ўрин тутувчи манбадир.
<b>Гигиена</b>	Яшаш тарзи ва меҳнат шароитининг инсон соғлиғига таъсирини ўрганадиган, касалликларни профилактика қилиш, соғлиқни сақлаш ва ҳаётни узайтириш чоратадбирларини ишлаб чиқадиган қадимий тиббиёт соҳаларидан бири.
<b>Дидактик ўйинчоқлар</b>	Болаларнинг ақлий ва сенсор ривожланиши ва таълим олишида хизмат қиласидиган ўйинчоқлар тури. Бундай ўйинчоқларга мозаикалар, стол устида ўйналадиган ва босма ўйинлар, халқ ўйинчоқлари(матрёшкалар, пирамидалар, рангли шарлар, хуштаклар, чиллаклар) киради.

<b>Ёш гурухи</b>	Ёш белгисига кўра бирлаштириладиган кишиларнинг бирон бир шартли катта гурухи. Ёшни даврлаштиришга мувофиқ МТМда болаларнинг ёшига кўра анъанавий ажратиладиган гуруҳлар: ясли ёшдаги болалар гурухи, биринчи кичик ёшдаги болалар гурухи, иккинчи кичик ёшдаги болалар гурухи, катта болалар гурухи ва мактабга тайёрлов гурухи.
<b>Истеъдод</b>	Қобилияtlар, иқтидорларнинг юқори даражада ривожланганлиги бўлиб, ижодий фаолият турларида намоён бўлади.
<b>Касбий фаолият</b>	Бирон нарсанинг бажарилишининг мураккаб ва меъёрий жиҳатдан белгиланган усули. Мехнат субъекти фаолиятининг сифат жиҳатдан белгиланадиган шакли. Инсон бажараётган фаолиятнинг мураккаблигини тавсифлайдиган мезон.
<b>Мактабгача болалик</b>	Боланинг туғилганидан то мактабга боргунча бўлган ривожланиш даври; бола организмининг жадал вояга этиши ва руҳиятининг шаклланиши билан белгиланади.
<b>Мактабгача ёш</b>	Боланинг руҳий ривожланиш босқичи. Бола ривожланишининг ҳозирги замон миллий даврлаштирилиши бўйича 3 ёшдан 7 ёшгacha бўлган даври.
<b>Мактабгача ёшдаги бола компетентлиги</b>	Мактабгача ёшдаги бола шахсининг асосий характеристикиси. Коммуникатив, ижтимоий, интеллектуал компетентликни ҳамда жисмоний ривожланиш борасидаги компетентликни ўз ичига олади. Коммуникатив компетентлик боланинг ўз истаклари, ниятларини нутқий ва нутқий бўлмаган (имо-ишора, мимик ва пантомимик) воситалар ёрдамида эркин ифода этишида намоён бўлади.
<b>Мактабгача таълим муассасалари</b>	Турли йўналишдаги мактабгача таълим дастурларини амалга оширадиган таълим муассасаси. Уларда 7 ёшгacha бўлган болаларнинг тарбияси, таълими, парвариши ва соғломлаштирилиши таъминланади.

	Йўналишига кўра мактабгача таълим муассасаси кўйидаги турларга бўлинади: умумий типдаги МТМ, тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари мавжуд болалар учун мўлжалланган маҳсус МТМлар ва сурункали касалликлар билан оғриган болалар учун санатория типдаги МТМлар.
<b>Мактабгача таълим муассасаларнинг вазифалари</b>	Ушбу муассасаларнинг вазифалари: болалар ҳаётининг муҳофазасини, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва шахс сифатидаги ривожланишини таъминлаш учун унинг оиласи билан алоқа ўрнатиш.
<b>Мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базаси</b>	Муассаса балансида турган асосий воситалар мажмуи (бино, ҳовли, қўшимча қурилмалар, коммуникация, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар).
<b>Мактабгача таълим муассасасининг ривожланиш компетенцияси</b>	Мактабгача таълим муассасасининг келгусидаги ривожини белгилаб берадиган бош ғоя; инновацион жараёнлар натижасида унинг янгиланишига қаратилган чора -тадбирлар мажмуини амалга оширишнинг етакчи тамойили.
<b>Миллий анаъналар</b>	Миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, қадриятлар, фаолият турлари, одатлар ва ҳислатларнинг авлоддан авлодга ўтиши ҳамда мерос бўлиб қолишини ифодаловчи тушунча.
<b>Оилавий муҳит</b>	Оилавий муносабатлар, тарбиявий жараёнлар кечадиган ижтимоий- маънавий, ахлоқий муҳитни ифодаловчи тушунча. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавияти, дунё қарashi, тасаввur ва эътиқодини шакллантириш ҳамда юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Инсон қалби ва онгидаги энг соф, покиза туйғулар, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлар, энг аввало оила бағрида шаклланади.
<b>Олий таълим</b>	Турли олий даргоҳларда олий малакали мутахassisлар тайёрлаш олий ўкув юртлари томонидан халқ

	хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича олий малакали мутахассис бўлишни истаган, ўрта маҳсус ёки касб-хунар таълимини олган ҳамда тегишли талабларни бажарган кишиларга илмий назарий билим бериш ҳамда муайян кўникмаларни шакллантириш йўли билан амалга оширилади.
<b>Тарбияланувчилар</b>	Мактабгача тарбия муассасаларига борадиган болалар; меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб интернатларда тарбияланувчи болалар ва ўсмирлар мактабдан ташқари муассасаларда шуғулланадиган болалар.
<b>Тарбиячи</b>	Тарбияни амалга оширадиган, ўзга киши шахсининг ҳаёт тарзи ва ривожланиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган шахс.
<b>Таълим сифати</b>	Таълим жараёни ва унинг натижаларини тавсифлайдиган категория, таълим жараёни қандай бўлиши керак, қандай мақсадларга хизмат қилиши кераклиги тўғрисида жамиятда тарқалган тасаввурларга қанчалик мослигини белгилайди. Таълим сифати таълим олувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари, атроф-оламга ва бир бирларига нисбатан қадрий- эмоционал муносабатлар нормалари билан ўлчанадиган кўрсаткичлар тизимида ифодаланади.
<b>Мактабгача</b>	Турли йўналишдаги мактабгача таълим дастурини амалга оширадиган таълим муассасаси
<b>Таълим</b>	Ўқитишнинг маҳсули бўлиб, ўқитиш жараёнида таълим олувчилар томонидан эгаллаган билим, кўникма, малакалардир.
<b>Англаш</b>	Ўрганилаётган предметни тушуниш ва у хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш.
<b>Билим</b>	Борлиқни билишни амалётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган натижа.
<b>Болалар</b>	Инсоннинг вояга етишидан олдин келадиган ривожланиш
<b>Дид</b>	Кишининг ҳаёти ва санъатнинг барча жабҳаларида

	гўзалликни фарқлаш, тушуниш ва баҳолаш қобилияти.
<b>Декоратив апликация</b>	Болалар боғчасининг кичик гуруҳидан бошлаб қўлланиладиган аппликация
<b>Харакатли ўйинлар</b>	Болаларнинг харакатланиш фаоллиги устунли қилган ўйинлар
<b>Ижтимоий</b>	Инсон томонидан жамиятда муаян вақт оралиғида қадриятлар ва хужжатлар
<b>Истиқбол</b>	Мустақил, ўз-ўзига мустақил бўлиш.
<b>Истеъдод</b>	Қобилятлар иқтидорларни юқори даражаси.
<b>Таълимда кўргазмалик</b>	дидактик принципларидан бири. Кўргазмалик ўқув материалларини пухта ва чуқур эгалаштиришга, болаларни билам доираларини кенгайтиришга ва тафаккурларини ривожлантиришга ёрдам беради.
<b>Жамоа</b>	Ижтимоий аҳамиятга эга мақсадлар, умумий қадриятлар ва кишиларнинг ижтимоий бирлиги
<b>Жараён</b>	Воқеа ва ходисалар ривожидаги узлуксизлик
<b>Жанр</b>	Барча сънат турларида асарларнинг тарихан қарор топган тузилмаси
<b>Кўникма</b>	Кўп марталаб такрорлаш йўли билан шакилланган, юқори даражада ўзлаштириш
<b>Кўргазма</b>	Моддий ва манавий соҳадаги фаолият ютуқлари
<b>Кўрсатма</b>	МТМда сўз воситасида кўрсатма бериш усули.
<b>Метод</b>	Аҳлоқ, усул.
<b>Маънавият</b>	Олий ибтидорликка, онгли интилишга қодирлик.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

- 1.“Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари” Т.: 2017
- 2.Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.
3. Ишмуҳамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.
- 4.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиций асослари Т.: 2006. – 163
- 5.Ишмуҳамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. Т.: РБИММ, 2008. 68 б.
- 6.Ибрагимова З., Мактабгача таълим муассасаларида бадий адабиёт. (*илк, кичик, ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳлар учун машғулотлар тўплами*). Т., 2012.
- 7.Ибрагимова З. “Болажон” таянч дастури бўйича бадий адабиёт мажмууси. 1- китоб., Т., 2013.
- 8.Рахмонкулова З.А., Файзуллаева М., Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш (*илк, кичик, ўрта гуруҳлар учун*). Т.: 2015.
- 9.Амирова. Г.А., ва бошқ. Мактабгача таълим муассасаларида аппликация машғулотлари. Т.: 2014.
- 10.Мактабгача тарбия педагогикаси. В.И.Логинова, П.Г.Саморуковалар таҳрири остида. Т.: Ўқитувчи. 1991.
11. Болалар боғчасида эстетик тарбия ( Н.А.Ветлугина таҳрири остида). Т., Ўқитувчи, 1981.
12. Логинова В.И, Самарукова Т.Г. таҳрири остида. Мактабгача тарбия педагогикаси. 2 қисмли. 1- қисм. Т., Ўқитувчи. 1991. 127
13. Т.С.Комарова. Методика обучения изобразительной деятельности и конструированию. М.: Просвещение. 1991.
14. Сакулина Н.П. Рисунок, аппликация, работа с глиной в детском саду. М.: Просвещение. 1993.
15. Л.В.Куцакова. «Конструирование и ручной труд в детском саду». М.: «Просвещение»..1990.
- 16.О.Жамоллидинова. «Катта боғча болаларини халқ ҳунармандчилигига ўргатиш бўйича иш дастури» Т.:1996.
17. 3.В.Лиштван «Конструирование» М.: «Просвещение».1981г.
18. М.А.Гусакова. Аппликация. М., «Просвещение» 1977. 15.Сакулина Н.П. Рисунок, аппликация, работа с глиной в детском саду. М.: Просвещение. 1993.
- 19.М.Нурматова, Ш.Хасanova. Д.Азимова. Устахонада амалий машғулот. «Чўлпон». Т., 2010 й.
20. М.Нурматова, Ш.Хасanova. Расм, буюм ясаш ва тасвирий фаолият методикаси. «Мусиқа». Т., 2010

## **Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази: [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz), [www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
5. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: [www.giu.uz](http://www.giu.uz)
6. Малака ошириш муассасалари: <http://www.pedagog.uz>
7. “Истеъод” жамғармаси: <http://www.istedod.uz>
8. Республика болалар кутубхонаси: [www.kitob.uz](http://www.kitob.uz)
9. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)